



МОДУЛЬ 3:
**БОШЛАНҒИЧ
СИНФДА БОЛАЛАР
КИТОБИДАН
Фойдаланиш**

Ушбу нашр АҚШ нинг Халқаро тараққийёт Агентлиги (USAID) орқали Америка халқи кўмагида ишлаб чиқилди. Нашр мазмуни USAID ёки АҚШ Ҳукумати кўз қарашларини акс эттирмайди.

БИШКЕК – 2020

УДК 372.3/4
ББК 74.26
М74

Тузувчи-муаллифлар:

Орозова Р. А., Усупова М. К., Эсенгулова М.М., Фадеева Г.Н., Юсупова А.Д.,
Brattle Publishing Group, LLC® нашриётчилар гуруҳи бўлими, Brattle Education

канд. пед. наук И.А.Низовскаянинг умумий таҳрири остида

М74

Модуль 3. Бошланғич мактабда болалар китобидан фойдаланиш.

туз.- муал. Р. А. Орозова – Б.: 2020, 80 с.

ISBN 978-9967-9283-8-1

Ушбу тренинг модулида «болалар адабиёти» ва «болалар китоби» тушунчалари берилган бўлиб, унда: а) бошланғич синф ўқув жараёнига, турли предметларга оид дарсларда болалар китобини киритишнинг аҳамияти; б) болалар китобларининг ҳар хил турлари; в) ўқиш ва ёзув, математика, Ватаншунослик ва б. дарсларда болалар китобидан фойдаланиш имконияти; г) ўқитувчиларнинг ўқув жараёнига болалар китобларини интеграциялашида ёрдам берадиган стратегиялар кўриб чиқилади.

Материаллар умумтаълим ташкилотлари, академик ташкилотлар ва олийгоҳлар, Қирғиз Республикаси малака ошириш тизими вакилларида иборат миллий экспертлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилди. Улар Ширли Диксон (фалсафа фанлари доктори), Карон Харден (таълим соҳасидаги фанлар магистри) халқаро экспертлари ва Brattle Publishing Group нашриёт гуруҳи билан қалин ҳамкорликда ишладилар.

Техник таҳрир қилиш, босма версияси ва дизайни устида Токтогулова Н.К. ҳамда Brattle Publishing Group® ишладилар.

Таржимон: Халмуратова М.У.

Редактор: Мирзахидова М.И., филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9967-9283-8-1

УДК 372.3/4
ББК 74.26




МИННАТДОРЧИЛИК ИЗҲОРИ

USAIDнинг «Оқуу керемет!» лойиҳаси – 1-4 синфларда ўқиш ва математика бўйича таълим натижаларини яхшилашга йўналтирилган, беш йилга мўлжалланган лойиҳа (2019-2024). Ушбу ташаббус ҚР бошланғич синфлардаги ўқиш кўникмаларини ривожлантириш соҳасидаги USAID аввалги лойиҳаларининг ютуқларига асосланади. Оқуу керемет! шунингдек, ўқиш ва математикага оид синфдан ташқари ишда кўмак беради ва бошланғич мактабнинг барча болалари учун сифатли таълимни таъминлаш бўйича Қирғизистон Республикаси Маориф ва фан вазирлиги билан ҳамкорлик қилади.

Оқуу керемет! ўқитувчиларни ўқитиш учун, ўқиш дарсларида уларнинг ўқитиш тажрибасини яхшилаш мақсадида бешта илгариланган тренинг модулларини ишлаб чиқди. Бу ўқув-методик материаллар ҚР Маориф ва фан вазирлиги ҳузуридаги Республика малака ошириш ва педагогик кадрларни қайта тайёрлаш институтининг Ўқув-методик бирлашмаси мажлисида кўриб чиқилди ҳамда бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларини тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда педагогик кадрлар малакасини оширишда фойдаланиш учун тавсия этилди (2020 йил 14 октябрдаги баённома кўчирмаси).

USAIDнинг «Оқуу керемет!» лойиҳаси ҚР МФВ ва Қирғизистон Таълим Академияси қошидаги РМО ва ПХҚТИга материалларни ишлаб чиқариш жараёнидаги экспертлик кўмаги учун ўз миннатдорчилигини изҳор этади.



КИРИШ СЎЗ

Ҳурматли ўқитувчилар!

«Окуу керемет!» лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган ушбу ўқув модулига хуш келибсиз!

«Окуу керемет!» лойиҳасига АҚШнинг халқаро ривожланиш бўйича Агентлиги (USAID) маблағ ажратган бўлиб, у Қирғизистон Республикаси Маориф ва фан вазирлиги ҳамкорлигида ишга оширилади. Лойиҳа Қирғиз Республикасидаги бошланғич синфларнинг 75%да 1-4 синфларда билим олаётган 300 000 ўқувчиларнинг ўқиш ва математика бўйича таълим натижаларини яхшилашга қаратилган.

Номи айтиб турганидай, «Окуу керемет!» лойиҳаси ҳар бир болага таълим олишнинг қудрати ва имкониятини мадҳ этади. Ўқитувчилар шу қудратга туртки берадиган катализаторлар ҳисобланади. Бизда қандай мактаб муассаси, китоблар, технологиялар ёки ўқув дастурлари бўлмасин, айнан ўқитувчилар болаларда тушуниш учқунини аланга олдирадилар. Сифатли ўқитувчилар турли болалар учун билимларни тушунарли етказишга қодир бўладилар. Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун бир қатор кўникмалар талаб қилинади. Бу кўникмалар жамиятимизнинг ўзгаришини, айниқса технологик инновациялар суръатини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда такомиллаштирилиши зарур.

«Окуу керемет!» лойиҳаси аввалги лойиҳалар, жумладан «Сапатту билим», «Бирга ўқиймиз», «Ўқиш фурсати», «Билим учун озиқланиш ва ҚРда болалар озиғи» ва бошқа кўпгина таълимий лойиҳаларнинг давоми сифатида амалга оширилади. Бизнинг лойиҳа фаолияти мустақкам пойдеворга қурилади. USAID томонидан қўллаб-қувватланадиган бу янги ташаббуслар доирасида биз ўқувчиларнинг ҳам ўқиш кўникмаларини, ҳам математик кўникмаларини ривожлантириш бўйича ишлаймиз, ахир улар бир-бирларини қўллаб-қувватлайди ва иккаласи ҳам асосий кўникмалар ҳисобланади. Мисол учун, ўқиганини тушуниш болаларга математикага оид масалаларни ечишга имкон беради. Математикага оид масалалар ечимини тушунтириш ва асослай билиш ўқувчиларга турли фанларда фактларни ўйлаш ҳамда синтез қилиш ва мантиқий хулосаларни чиқариш имконини беради.

«Окуу керемет!» лойиҳасининг тренинглари дастурига киритилган математикадан ташқари, Дастур инклюзив таълим, тенглик ва таълимда янги технологиялардан фойдаланиш каби мавзуларни ҳам ўз ичига олади. Таълимнинг универсал дизайни ива Дифференциалланган таълим каби ёндашишлар туфайли ўқитувчилар турли қизиқишлари ва эҳтиёжлари бўлган ўқувчиларни ўқитишга ҳамда уларнинг яшаш жойидан – қишлоқ ёки шаҳарда, тил муҳити ёки ривожланиш

ҳолатидан қатъий назар ўқишда ютуқларга эришишлари учун тенг имкониятлар тақдим этишга тайёр бўладилар.

Бу модуллар фаолиятдаги кўплаган томонлар ҳамкорлигининг натижасини ўзида намоён этади – Қирғизистон Республикаси Маориф ва фан вазирлиги, Республика малака ошириш ва педагогик ходимларни қайта тайёрлаш институти, И.Арабаев номидаги Қирғиз Давлат Университети, Марказий Осиё Америка университети, Қирғизистон Таълим Академияси, Ижтимоий интеграция маркази, Маданият, ахборот ва туризм вазирлиги, ўқитувчилар ва бошқалар. COVID-19 пандемиясига боғлиқ бўлган қийинчиликларга қарамасдан, ўз ишига содиқ бўлган иштирокчилар модулни ишлаб чиқиш жараёнини ўз ниҳоясига етказдилар. Глобал пандемия оқибатлари туфайли таълим соҳасида рўй берган вазиятда педагогларнинг таълим жараёнида катализаторлар сифатидаги роли янада муҳим бўлади деб ўйлаймиз. Ушбу модуллар бу муҳим вазифаларни ҳал қилишда сизга ёрдам беради деб умид қиламиз.

Барча педагогларга энг эзгу тилаклар билан,



Лиана Герч
«Окуу керемет!» лойиҳаси директори,
Қирғиз Республикасида RTI International

МУНДАРИЖА

КИРИШ	7
1-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА БОЛАЛАР КИТОБИДАН Фойдаланишнинг аҳамияти.....	10
2-БЎЛИМ. БОЛАЛАР КИТОБИНИНГ ТУРЛИ-ТУМАНЛИГИ.....	13
2.1. Ўқишнинг асосий кўникмаларини ривожлантиришга кўмак кўрсатувчи болалар китоблари.....	14
2.2. Бадиий ва илмий-маърифий адабиёт	17
2.3. Маълумот турли шаклда тақдим этилган болалар китоблари	20
2.4. Иллюстрацияли (расмли) болалар китоби	23
3-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА БОЛАЛАР КИТОБИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИ СИФАТИДА.....	28
3.1. Китоб “қармоқ” сифатида	28
3.2. Ўқиганни муҳокама қилиш орқали тушуниш	29
3.3. Ўқишни ўргатишда скаффолдинг билан таъминлаш учун китоблардан фойдаланиш.....	30
3.4. Ижодий ёндашув.....	30
3.5. Муаммоларни ҳал қилиш ва инклюзивликни ривожлантириш	31
4-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА ТУРЛИ ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ	33
4.1. Математикани ўрганиш учун болалар адабиётидан фойдаланиш	34
4.2. Ватаншунослик ва турмуш хавфсизлиги асослари дарсларида болалар адабиётидан фойдаланиш	35
4.3. Болалар адабиётидан бадиий-тасвирий ижодкорлик дарсларида фойдаланиш.....	36
4.4. Болалар адабиёти асарлари ва предмет мазмунини интеграциялаш усуллари.....	37
4.4.1. Адабий тўғараклар	37
4.4.2 Овоз чиқариб ўқиш	39
4.4.3. Китобхон кундалиги.....	42
5-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА ПРЕДМЕТЛАРНИ ЎРГАНИШДА БОЛАЛАР КИТОБИДАН Фойдаланиш стратегиялари	47
5.1. “Адабий тўғараклар” стратегияси	48
5.2. “Интерфаол ўқиш” стратегияси.....	52
5.3. “Ўқувчилар томонидан сонлар қаторини ўзлаштириш учун болалар адабиётидан фойдаланиш” стратегияси	55
5.4. “Сукрот семинари” стратегияси	57
5.5. “Расмли нашрлар орқали хилма-хилликни муҳокама қилиш” стратегияси	62
Фойдаланилган адабиётлар	67

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЎҚИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН РЕСУРСЛАР	68
ГЛОССАРИЙ	70
ИЛОВА	73



КИРИШ

Болаларни ўқишга ўргатиш ҳозирги кунда шунчаки етарли бўлмайди: болалар адабиёти орқали уларга қандайдир жуда қимматли нарсаларни беришимиз керак. Болалар тасаввурининг ривожланишига кўмак кўрсатадиган нарса уларга ўз ҳаётини англашга ёрдам беради ва кимнингдир ҳаётини тажрибаси ўзиникидан кескин фарқ қиладиган инсонларга бўлган эътиборини уйғотади.

Кэтрин Патерсон, болалар ёзувчиси, «Терабитияга кўприк» номли машҳур болалар қиссаси муаллифи.

Ушбу модулда иккита тушунча берилган: болалар адабиёти ва болалар китоби. «Кичик ва ўрта ёшдаги болалар ҳамда ўсмирлар учун ёзилган асарларга тааллуқли бўлган болалар ва ўсмирлар учун болалар адабиёти - бадиий адабиёт, шунингдек, мумтоз адабиётларга ишлов берилмоқда ва қисқартирилмоқда»¹.

«Болалар китоби - бу шахсни ривожлантириш, таълим бериш ва билимларни тарқатишнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Болалар китоби болаларнинг идрок қилиш, фикрлаш, дунёқарашининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олишга бағишланади. Болалар китоби нафақат ўқишни, балки у билан алоқанинг бошқа кўплаб жиҳатларини тақдим этади: расмларни кўриш, ўрганиш, барча мумкин бўлган ўйинлар, бўяш, қўл ҳунари, иллюстрациялаш, унда мавжуд бўлган турли хил импровизациялар ва бошқалар. Шунинг учун "болалар китоби" тушунчаси "болалар адабиёти" тушунчасига нисбатан бирмунча кенгроқ².

Ушбу қўлланмада иккала тушунчадан ҳам материал мазмунининг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ фойдаланилади.

Болалар китоби энг бой билим манбаи бўлиб, унинг ёрдамида болалар дунёнинг мураккаб тузилиши ва инсоний ўзаро муносабатлар табиати билан танишадилар, атрофдаги ҳаётни билиб оладилар ва шу кабилар орқали ҳар томонлама ривожланидилар.

Бугунги кунда китоб саноатида янги ғоялар пайдо бўлмоқда, маълумотни узатиш мақсадларига, табиатига ва услубига кўра турли хил китоблар яратилмоқда. Масалан, ҳар хил турдаги расмли китоблар болаларда визуал саводхонликни шакллантиради; виммельбухлар (жуда кичик матнга эга бўлган расмли китоб) ёрдамида сўз бойлиги оширилади, «даражалар бўйича» китоблар босқичма-босқич равишда ўқиш ва ўқиганни тушунишни ривожлантиришга, комикслар (расмли ҳикоя)

¹Қ.: Литература и язык. Современная иллюстрированная энциклопедия / проф. Горкин А.П. таҳрири остида — М.:Росмэн. 2006. URL: https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_literature/1592/

²Қ.: Российская педагогическая энциклопедия / В.Г.Панов таҳрири остида — М.: Большая российская энциклопедия. 1993.

ва манга (япон комикслари манга деб аталади) эса тасаввур ва зукколикка имкон беради. Бундан ташқари, болалар китобларида намоён бўладиган маълумот доираси аста-секинлик билан кенгайиб, саргузаштлар ва сеҳргарлик мавзулари сақланиб қолган, шунингдек, болаларни тўлқинлантирган замонавий жиддий масалалар – экология, турли маданиятлар, гендер мувозанат, ижтимоий ролларнинг нураши, одамларнинг бир-бирларидаги тафовутларни қабул қилиши, индивидуалликнинг намоён бўлиши ва ҳ.к. ёритилаётган асарлар пайдо бўлмоқда. Болалар китоблари жанрларининг, шакл ва мавзуларининг хилма-хиллигини инобатга олиб ўқитувчилар, ота-оналар ва кутубхоначиларга улардан нафақат ўқишга ўргатиш учун манба сифатида, балки бошланғич мактабда турли фанларни ўрганишда ҳам кенг фойдаланиш тавсия этилади.

USAID «Оқуу керемет!» лойиҳасида ишлаб чиқилган ушбу модулда: а) бошланғич мактабнинг барча фанлари ўқув жараёнига болалар китобини киритишнинг аҳамияти; б) болалар китобининг ранг-баранг турлари; в) ҳар хил болалар китобларидан ўқиш ва ёзув, математика, табиатшунослик, турмуш хавфсизлиги асослари, этика, қирғиз ва рус тили дарсларида фойдаланиш имкониятлари; г) ўқув жараёнида ўқитувчилар томонидан болалар китобларини интеграциялаши мумкин бўлган стратегиялар таклиф этилади.

Ушбу модулда тақдим этилган баъзи стратегиялардан (масалан, «Адабий тўғараклар», «Сукрот семинари» ва «Интерфаол ўқиш»), нафақат ўқишга ўргатиш дарсларида, балки бошқа фанларни ўзлаштиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, «Сонлар қаторини ўрганиш учун болалар китобидан фойдаланиш» стратегияси математика дарсини ўтказиш учун тавсия этилади, чунки ушбу стратегия ўқувчиларда математик фикрлашни шакллантиришга, сон, шакллар, ўлчовлар каби асосий математик тушунчаларни ўзлаштиришга йўналтирилган. Болалар адабиётидан ўқув материали сифатида фойдаланиш қизиқувчанликни ривожлантиради, топшириқларни бажаришда завқ-шавқ пайдо қилади ва математикага бўлган қизиқишни уйғотади.

Ушбу модулда болалар адабиётини ўтилувчи дарсларнинг предмет мазмуни билан биргаликда узвий боғлаш йўллари ва усулларида фойдаланишга оид намуналар келтирилган.










Бу «адабий тўғаракларда» ишни уюштириш, овоз чиқариб ўқиш ва ўқувчилар томонидан китобхон кундалигининг юритилиши бўлиб: а) дифференцияланган ва интеграцияланган таълимни таъминлаш (қ.Модуль 1. 1.Бошланғич мактабда дифференцияланган таълимни қўллаш; ва Модуль 2. Предмет ва тилни интеграциялаб ўқитиш); б) ўқиш ва ёзувни бирлаштириш; в) ўқувчиларда ўқишга муҳаббат уйғотишдан иборат.

USAID «Оқуу керемет!» лойиҳаси томонидан болалар адабиёти ва мактаб фанлари материалларини интеграциялаш ғоясини ҳаётга татбиқ этишда болалар китобининг бой мажмуаси тақдим этилади, чунки лойиҳани ишга оширишнинг энг муҳим компонентларидан бири ўқиш бўйича қўшимча материалларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш ҳисобланади. Ушбу китобларда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, болаларнинг асосий ўқиш кўникмалари ва таълимий эҳтиёжларнинг ривожланиши, ўқув жараёни учун асарлар ҳамда жанр хилма-хиллиги тақдим этилган; мазмун долзарблигини инобатга олган ҳолда болалар ўқиши учун, махсус даражалар юзасидан тасниф қилишга асосланган вазифалар ва ўқув мақсадларига мувофиқ давлат таълим стандартларига мос ҳолда ишлаб чиқилиши режалаштирилган. Болалар китобларини маҳаллий муаллифлар, рассомлар ва нашриётчилар билан бир мақсадга йўналтирган ҳолда ишни

сифатли нашр этишни кўзда тутди. Китоблар қирғиз, рус, ўзбек ва тожик тилларида яратилади ва нашр этилади. Ушбу китоблар ўқувчиларни янада компетентли, муваффақиятли китобхон, билимли ўқувчилар бўлишларига ҳамда китобларнинг ажойиб оламини севиб қолишларига ёрдам беришни назарда тутди. Модуль қуйидаги ташкилий тузилишга эга (қ. 1-жадвал).

Модуль қуйидагилардан ташкил топган:

1-жадвал. Модуль тузилиши

	Ҳар бир бўлим китобхон диққатини жуда муҳим маълумотга қаратиш учун йўналтирувчи саволлардан бошланади. Бу саволлар тегишли бўлим мазмунини қамраб олган.
	Модулда тақдим этилган мавзуларнинг қисқача шарҳи мавзуларнинг ва синфда улардан фойдаланишнинг таянч тамойиллари ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.
	Ҳар бир бўлим охирида резюме – асосий қоидалар ва тамойилларнинг умумий хулосаси берилган.
	«Стратегиялар» ўқитувчиларнинг турли фанларни ўтишда ушбу ёндашувларни қандай амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги аниқ кўрсатмаларни ўз ичига олади. Ҳар бир стратегия ўз ичига а) ўқитувчининг стратегияга қадар, стратегия пайтида ва стратегиядан сўнг бажарадиган фаолияти баёнини; б) ўқув жараёни ва баҳолашни дифференциациялаш юзасидан тавсияларни олади.
	Матнда бўлимнинг таянч қоидаларини тасдиқловчи муҳим тадқиқотлар ҳақида қўшимча маълумотлар берилади.
	Фойдаланилган адабиётлар
	Ўқитувчиларга ўқиш учун тавсия этиладиган ресурслар
	Глоссарий
	Иловалар



1-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА БОЛАЛАР КИТОБИДАН Фойдаланишнинг аҳамияти



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Нима учун бошланғич мактабда болалар китобидан фақат ўқиш дарсларидагина эмас, балки барча фанларни ўрганиш жараёнида ҳам фойдаланиш муҳим?
- ◆ Бу нарса ўқувчиларга қандай имкониятларни яратади?

Ҳақиқий китобхон – бу китобни қўлга олиб ... ўзини-ўзи намоён қиладиган одам, ўзидаги табиатнинг жуда улкан ҳадыси – бу ҳамдардлик, инсонийлик истеъдодидир. Агарда бу рўй берса, демак китоб ўзининг вазифасини бажарган бўлади – бу бошқаларнинг тафаккури, туйғуси, орзулари ва ҳаракатларига айланганини англатади. Демак, қайсидир тарзда у уларнинг саъй-ҳаракатлари, уларнинг иродаси билан халқни, ҳаётни, дунёни яхшилик сари ўзгартира олади.

Чингиз Айтматов, қирғиз ёзувчиси

Илк болалик чоғиданоқ бўлажак ўқувчи китоблар билан қуршалган бўлади. Дастлаб катталар болаларга китоб ўқиб берадилар. Улар орқали болалар ўзлари ўйлаган оламдан ўлароқ, умуман фарқ қилган олам ҳақидаги ғоялар ва тасаввурлар билан танишадилар. Бошланғич синфга келган бола аввалига ўзи ўқишни ўрганади, аста-секин мустақил ўқиш малакаларини ўзлаштиради (бунинг учун ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилган махсус соҳа сифатида ўқишни ўрганади, масалан, «Алифбе», «Ўқиш китоби» ва б.). Бироқ ўқиш – мактаб дастури предмет мазмунининг бир қисмигина эмас, балки бу фундаментал кўникма: яхши ўқийдиган ўқувчи уни нималарга ўргатишаётганини қабул қилишга тайёр; олаётган маълумотни ўзлаштира олади ҳамда таҳлил қилади, бошқача айтганда самарали китобхонга айланади.

Замонавий тадқиқотларнинг натижасига кўра, бошланғич мактаб ўқувчиларини ўқитиш жараёнида бир вақтнинг ўзида ҳам «**ўқишга ўргатиш**», ҳам «**ўқиш учун ўргатиш**»дан фойдаланиш муҳим. Бу эса болаларни нафақат ўқишга ўргатиш, балки мактабдаги турли фанларни ўзлаштириш учун хилма-хил болалар китобларидан фойдаланиш зарурлигини англатади. «Болани ўқитиш жараёнида ўқиш чексиз имкониятларга ва унинг шахс ривожланишидаги қудратли потенциалига эга бўлган ҳолда мактабда турли фанларини ўрганишда ундан юқори даражада фойдаланиш зарур.

Ўқиш қайси фан ва қайси синфларда ўқитилишидан қатъий назар маҳсулдор ва самарали фаолият турига айланмоғи зарур» (Лемов Д, 2016). Онгли ўқишни турли фан мазмунига самарали киритиш учун (**ўрганиш учун ўқиш**) бошланғич мактабда ўқув мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ бўлган ва услубларининг турли-туманлиги билан фарқланадиган сифатли қўшимча болалар адабиёти билан таъминлаш муҳим. (Би Х, 2011). Бу қуйидаги имконни беради:

- ◆ ёши, синфи, таянч ўқиш кўникмаларининг ривожланиш даражаси ва ҳар бир ўқувчининг қизиқишларига мувофиқ бўлган болалар китобини танлашда таълим жараёнини индивидуаллаштириш;
- ◆ турли хил болалар адабиёти жанрлари, болалар китобларининг турлари ва шаклларида фойдаланиш мазмун ва мавзуга нисбатан жуда чуқур муҳокамага ва қарашларининг кенгайишига ёрдам беради;
- ◆ ўқишнинг маълум стратегияларини қўллаш учун махсус ишлаб чиқилган болалар китобидан фойдаланиш орқали ўқувчиларда ўқиш ва тушуниш кўникмаларини шакллантириш;
- ◆ таълимни дифференциациялаш (мазмун, ўқув жараёни ва ўқувчилар томонидан таълим натижаларини намойиш этиш усуллари), унда барча ўқувчиларнинг ўзгачаликлари, имкониятлари ва қобилиятлари инobatга олинади (қ.Модуль 1. Бошланғич мактабда дифференциацияланган таълимни қўллаш);
- ◆ ўқувчиларда ўзларининг ҳам ижтимоий, ҳам шахсий ривожланишига зарур бўлган ўз маданияти ва бошқалар маданиятига бўлган ижобий муносабатини ривожлантириш;
- ◆ ўзларининг шахсий ҳислари ҳақида уларни чуқур ўйланишга ундаган эмоционал интеллектини ошириш;
- ◆ яхши фуқароларни тарбиялаш учун муҳим бўлган характер белгиларини шакллантиришга кўмак кўрсатиш орқали сермулоҳаза ва дўстона инсонлар бўлиб етишишларини рағбатлантириш;
- ◆ мактабдаги фанларни ўрганишда ўқувчилар томонидан олинган янги маълумотни адабий асарда акс этган ҳаётий тажриба билан ўзаро боғлаш;
- ◆ турли таълимий соҳаларда ўрганиладиган универсал концепция ва тушунчалар, мавзулар ёритиладиган болалар адабиётини ўрганиш орқали ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаши, ижодий иқтидорининг ўсишига, таянч компетентликларнинг шаклланишига кўмак кўрсатувчи фанлараро боғланишни аниқлаш;
- ◆ мактабдаги барча фанларини ўрганишда ўқувчиларга турли-туман китобларни танлаш ҳуқуқи ва имкониятини тақдим этган ҳолда таълим жараёнини янада қулай, қизиқарли ва ёқимли қилиш.

Ўқитувчи, ота-она ёки кутубхоначи ўқув жараёнида (шунингдек, дарсдан ташқари вақтларда) болалар китобидан фойдалана олишлари учун уларга йўлланма бериш (болалар китоби қандай бўлиши мумкинлигини билиш) ва китобларнинг у ёки бу категорияга оидлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш (болалар китобидан ўқув жараёнида фойдаланишни билиш) каби масалалар кейинги бўлимда кўриб чиқилади.



Резюме

Ўқиш – бу фундаментал кўникма. Унинг ёрдамида ўқувчилар янги билимларни ўзлаштирадилар ҳамда зарур билимларга эга бўладилар. Бироқ таълим бошланғич мактабда ўқишга ўргатиш дарсларида ўқиш кўникмаларини ривожлантиришгагина тузилмаслиги зарур. Бир вақтнинг ўзида ҳамма фанларни

Ўрганиш орқали болаларни билимли китобхон қилиб ўстириш учун кучли имкониятдан фойдаланиш муҳим бўлиб, бунинг учун бошланғич мактаб ўқувчилари томонидан турли хил сифатли болалар адабиёти ҳамда барча фанларни ўрганишни интеграциялаш зарур.

Бу нарсга ўқув жараёнини индивидуаллаштиришга, дифференциал таълимни татбиқ этишга, ўқувчиларда ўқишнинг асосий кўникмаларини самарали ривожлантиришга, бошланғич мактабда фанлараро ёндашувни кучайтиришга, чуқур фикрловчи, билимдон ва ҳар томонлама ривожланган ижодкор шахсларни шакллантиришга имкон беради.





2-БЎЛИМ. БОЛАЛАР КИТОБИНИНГ ТУРЛИ-ТУМАНЛИГИ



Йўналтирувчи саволлар


- ◆ Қандай китоблар болалар китоби саналади?
- ◆ Болалар китоблари қандай таснифланади?
- ◆ Нутқ услуби ва маълумотни узатиш шаклларига кўра китоблар қай тарзда бўлинади?
- ◆ Қандай китоблар асосий ўқиш кўникмаларининг ривожланишига ёрдам беради?
- ◆ Нима учун бошланғич мактаб ўқув жараёнида турли типдаги иллюстрацияли нашрлардан фойдаланиш муҳим?

Саводли баркамол болаларни ўстиришнинг энг оддий йўли – уларни ўқишга ўргатиш, ўқиш бу – энг ёқимли иш эканлигини кўрсатиш. Бунинг учун болалар ёқтирадиган китобларни топиш, шу китобларни ушлаш ва уларни ўқишга имкон бериш керак. Ҳамма болалар ўзига хос, ўзларига зарур бўлган китобларни айна пайтда топа билишлари зарур.

Нил Гейман, болалар фантаст ёзувчиси

Болалар китобининг асосий тавсифи ундаги матн ғоялари, зарур бўлганда иллюстрациялар билан бирга бериладиган, болаларнинг тушуниши ва қабул қилиши учун қулай кўринишда тақдим этилгани (оддий тил, тушунарли сюжет, йирик шрифт) билан белгиланади. Болалар китобидаги иллюстрациялар кичик китобхонни асарда акс эттирилган даврга олиб ўтишга имкон беради; бадий тимсоллар асосида ётган реал ва ҳиссий тасаввурни таъминлайди; болани келгусидаги ҳаракатларга йўналтиради. Дидактиканинг «оддийдан мураккабга қараб» тамойилига асосланган ҳолда боланинг ўқиш кўникмалари қандай ривожланишига қараб, тимсоллар, сюжет, болалар асарлари тили, шунингдек, болалар китоблари нашрининг техник тавсифи (саҳифадаги гаплар сони, шрифт, матн ва иллюстрациялар нисбати) мураккаблашиб боради. Ҳозирги кунда болалар китоблари кенг тематик ранг-барангликда ва маълумотни узатиш шаклида тақдим этилган. Болалар китоблари орасида иллюстрацияланган нашрлар ёки «расмли китоблар» алоҳида ўринга эга. Қуйида болалар китобларининг ранг-баранг шартли таснифи берилган (қ.1-схема).

1-схема. Болалар китоблари таснифи



2.1. Ўқишнинг асосий кўникмаларини ривожлантиришга кўмак кўрсатувчи болалар китоблари

Ўқишни босқичма-босқич ўргатиш ўқувчиларнинг фонематик қабул қилишини, ҳарфлар билан танишишни, ҳарфларни бўғинларга, сўнг сўзларга бирлаштиришни, аввал содда сўзларни, сўнг мураккаб сўзларни ўқиш, ва ниҳоят жумлаларни ҳамда яхлит матнни ўқиш кабиларни ривожлантиришни кўзда тутати. Ҳар бир босқич учун қўйилган талабга мувофиқ келган китоб тури зарур. Шунинг учун ўқишга ўргатиш учун яратилаётган китоблар таснифининг усулларида бири ўқишнинг асосий кўникмаларини ривожлантиришга йўналтириш ҳисобланади: фонематик идрок, алифбо билан танишиш, сўз бойлигини кенгайтириш, равои ўқиш ва ўқиганни тушуниш. Қуйида ўқишнинг муайян кўникмаларини

ривожлантиришга ёрдам берадиган китобларга мисоллар келтирилади (қ.2-схема).

2-жадвал. Ўқишнинг асосий кўникмаларига ёрдам берувчи китоблар

Ўқишнинг асосий кўникмаси	Китоблар мазмуни
Фонематик идрок	Ушбу китобларнинг мақсади – болаларни бир товуш билан фарқ қиладиган сўзларни танлаш бўйича машқ қилдириш, фонемик эшитишини ўстириш. Бу китобларда асосан сўзлардаги товушларга эътибор қаратилади. Улар <i>ўқувчилар</i> билан машғулотлар ўтказиш учун мўлжалланган. Ўқитувчилар китобларни овоз чиқариб ўқиш пайтида саволлар бериш орқали фонемалар дифференциацияси ҳамда сўзнинг товуш таркибини аниқлашга ўқувчилар диққатини йўналтирадилар.
Саводхонликка ўргатиш, алифбо билан танишиш, ўқишни ўргатиш	Алифбо ёки Алфавит – илк саводхонликка ўргатиш китоби. Асосий таркибий қисм – ҳарфлар, ҳарфий бирикмалар, бўғинлар, рақамлар, грамматик маълумотлар, болаларга ва ота-оналарга мурожаат, йўл-йўриқлар, матний ва расмий материаллар, схемалар, жадваллар. Илк саводхонликка ўргатиш учун китоб болаларни тарбиялаш, улар нутқини ривожлантириш ва мантиқий фикрлаш мақсадларига хизмат қилади. Тарбияланувчиларнинг ахлоқ меъёрлари ҳамда катталар ва кичиклар орасидаги ўзаро муносабатларни шакллантирадиган материални ўз ичига олади.
Сўз бойлигини кенгайтириш	Бу ўқитувчига маълум бўлган ўқув луғатлари, болалар энциклопедиялари. Шунингдек, болаларнинг луғат бойлигини кенгайтириш ёки грамматика ва ёзувнинг асосий қоидаларини мустаҳкамлаш учун махсус ишлаб чиқилган китоблар ҳам мавжуд. Уларда янги сўз матнга киритилади, матн эса синоним, антонимлар ва фразеологизмлар билан тўлдирилади. Китобларда юқорида саналган сўзлар ишлатилади, шу орқали контекст бойитилади, сўнгра ўқувчининг сўз бойлиги тематик гуруҳга ва сўзларни умумлаштирувчи мавзуда ўзлаштириш учун киритилган сўз ҳисобига кенгайди ва ҳ.к.
Равон ўқиш	Равон ўқишни яхшилашга қаратилган китоблар. Бу китоблар «оддийдан мураккабга қадар» тамойили бўйича жойлаштирилган ўқиш учун матнлар мажмуасини ўз ичига олади. Ўқувчилар уларни ўқишлари ва қайта ўқишлари мумкин (шериги билан ўқиш пайтидаги хатоларни тўғрилаш учун бўлиши мумкин). Оҳанг устида ишлаш учун яратилган китоблар диалоглардан иборат ва уларнинг мазмуни ўқувчиларнинг ҳиссий реакциясини чақиришга йўналтирилган. Ҳиссиётлар ўқувчиларга «ролга киришга», асарларни зарур оҳанг билан, ифодали ўқишга ёрдам беради.


Ўқишнинг асосий кўникмаси	Китоблар мазмуни
Ўқиганни тушуниш	<p>Ўқиганини тушуниш кўникмаларининг адресли ривожланишига ёрдам берадиган китоблардан фойдаланиш муҳимдир. «Рождённый читать» («Ўқиш учун яралган») китобининг муаллифи Джейсон Буг (Буг Дж, 2014) ўқишга ўргатиш жараёнида ўқиганни тушуниш кўникмаларини қайд этилган китоблар ёрдамида ўстиришнинг қуйидаги усулларини таклиф этади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар матндаги асосий фикрларга оид берилган саволларга жавоб берадилар. • Ўқувчилар воқеани қайта сўзлаб берадилар, жумладан асосий тафсилотларни ва унда ифодаланган асосий фикр ва ўғитни тушунганликларини намойиш этадилар. • Ўқувчилар қаҳрамонлар, воқеа ўрни ва сюжетнинг асосий жойларини, жумладан муҳим тафсилотларни тасвирлаб берадилар. • Ўқувчилар ҳикоя ёки шеърдаги кечинмалар ва китобхон ҳиссиётларига муносабатларни англатадиган сўз ва жумлаларни ажрата биладилар. • Ўқувчилар китоблар ўртасидаги асосий тафовутларни, яъни қандайдир воқеани баён қилувчи китоблар ва фактологик маълумот хабарини берган китоблар орасидаги фарқни турли типдаги ўқилган матнларнинг кенг спектрига таянган ҳолда тушунтирадилар. • Ўқувчилар ҳикоянинг турли қисмларини баён қилаётган шахсни аниқлайдилар. • Иллюстрациялар ва тафсилотлар ёрдамида ўқувчилар қаҳрамонларни, воқеа ўрни ва асосий ҳодисаларни тасвирлаб беради. • Ўқувчилар ҳикоя қаҳрамонларининг саргузаштлари ва кечинмаларини таққослайдилар ва зид қўя оладилар. • Маълум кўмак ва ёрдам орқали ўқувчилар мураккаблик даражасига кўра назмий ва насрий асарларни ўқийдилар.

Бошланғич таълим соҳасидаги USAID лойиҳалари, жумладан “Окуу керемет!” лойиҳаси китобларни баҳолаш, таснифлаш ёки ўқувчилар ўқилишининг асосий кўникмаларини ривожлантиришда мураккаблик даражасини аниқлаш (USAID, 2019) учун фойдаланиш мумкин бўлган новаторлик қуролини татбиқ этишни режалаштирмоқда.

2.2. Бадий ва илмий-маърифий адабиёт

Болалар адабиёти нутқ услубига кўра иккита категорияга ажратилади: бадий ва илмий-маърифий. Бошланғич мактабда бу иккала категориянинг мувозанатли мувофиқлигига эътиборни қаратиш зарур. Бу ўқувчиларни самарали ўқишга ўргатиш ҳамда бошланғич мактабда турли фанларни ўрганишда матнлар билан ишлаш учун шаклланган компетенциялардан фойдалана олиш имконини беради (қ.2-схема).

2-схема. Бошланғич мактабда ўқишга ўргатишда бадий ва илмий-маърифий адабиётлар орасидаги ўзаро муносабатлар



Фонемик идрок, алифбо билан танишиш, сўз бойлигини ошириш, равон ўқишни шакллантириш ва ўқиганни тушуниш каби билимларини ривожлантириш учун ҳам бадий, ҳам илмий-маърифий адабиётларда берилган матнлардан фойдаланиш, уларни муҳокама қилиш, таҳлил қилиш ва шулар асосида турли жанрларда ёзма ишларни яратиш зарур.

Бадий адабиёт – санъатнинг бир тури бўлиб, унда тил воситалари ёрдамида бадий олам яратилади. Бадий адабиёт жанрлари – ҳикоялар, романлар, мифлар, афсоналар, эртақлар ва шеърлар. Баъзида воқеа вақти ва ўрни, сюжет қаҳрамонлар реал воқеалар ёки одамларга асосланган, бироқ улар кўпинча тўқима воқеаларни ёзиш учун илҳом манбаи бўлибгина ҳисобланади. (Грант,

2017). Бадиий асарлардаги асосий воқеалар тизими схема бўйича қурилади: муқаддима, тугун, воқеалар ривож, кульминация, ечим ва якуни; образли қилиб айтганда тоққа кўтарилиб, сўнг тушишдир (3-схема).

3-схема. Асардаги воқеалар изчиллиги



Болалар илмий-маърифий адабиёти – болага махсус илмий билимларни қулай шаклда етказиб берадиган адабиёт бўлиб, у болани қизиқарли, ғаройиб ва тушунилиши қийинроқ тарзда ўзига тортади; болани ижодий изланишга бўлган лаззатга, ақлли саволларга бериладиган жавобга қатнаштиради.

Булар – тарихий асарлар, биографиялар, автобиографиялар, мемуарлар, луғатлар, энциклопедиялар, атласлар, йўлқўрсаткичлар, саёҳатлар кундалиги ва ш.к. Китобхон ушбу китоблардаги мазмунни англаши учун муаллифлар иллюстрациялардан, ёзувлар, сарлавҳалар ва сарлавҳа остидаги номлардан фойдаланадилар.

Илмий-маърифий адабиётларнинг асосий вазифаси реал олам ҳодисалари тўғрисида китобхонларга маълумот бериш, тушунтириш, исбот қилиш ва йўл-йўриқ кўрсатишдан иборат. Баъзи асарлар маълумотни мароқли ва қизиқарли шаклларда, янги ғоялар ва ижодий ёзма ишларга кенг йўл очган ҳолда китобхон вақтини чоғ қилиш учун яратилади. Қуйида илмий-маърифий адабиёт асарларининг тузилиши берилган (қ. 4-схема).

4-схема. Илмий-маърифий адабиёт асарларининг тузилиши



Илмий-маърифий адабиётларда матнлар кўпинча фотосуратлар, графиклар, жадваллар, хариталар, схемалар ва ш.к. билан оралатиб берилади (қ. Модуль 2. Предмет ва тилни интеграциялаб ўқитиш). Бундай турдаги матн структураси мундарижа, бобларга бўлиш, глоссарий, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади. Матнда атамашуносликдан фойдаланилади: масалан, математикадан, музиқа, тасвирий санъат ва бошқа билим соҳаларидан.

Илмий-маърифий адабиёт ўқувчиларга оламни кашф этишга йўл очади ва янги тушунчаларни шахсий ҳаёт билан боғлашга ёрдам беради. Бу таълим жараёнида ўқувчиларнинг турли қизиқишларини ҳисобга олишга ва шу тарзда уларни ўқиш жараёнига жалб этишга имкон беради.

Бошланғич мактабдаги ўқув жараёнида бадиий ва илмий-маърифий адабиёт асарлари билан ишлашнинг бирикуви қуйидаги сабабларга кўра мақсадга мувофиқ ва фойдали бўлади:

- ◆ ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб этишга кўмаклашади, ўқишнинг маълум кўникмаларини ривожлантиришда турли жанрдаги матнлардан фойдаланиш имконини беради. Баъзи ўқувчилар бадиий адабиётни афзал деб билса, бошқалари илмий-маърифий асарларни ўқишни маъқул кўрадилар. Бир хил мавзудаги бадиий ва илмий-маърифий адабиётларни бирлаштириш орқали бадиий ва илмий-маърифий адабиётни алоҳида ўқувчи китобхонлар орасидаги тафовутни бартараф қилиш ҳамда ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллигини кучайтириш ва уларни турли хил адабиётларни ўқишга жалб қилиш мумкин.
- ◆ Икки тоифадаги матнларнинг хусусиятлари ва ўзига хос фазилатларини тушуниш мавзунини чуқурроқ муҳокама қилишга ва ўқув мазмунига ўқувчиларнинг қарашларини кенгайтиришга ёрдам беради.
- ◆ Ўқувчилар адабиётнинг турли жанрлари билан танишиш орқали ўзларининг сўз бойлигини оширадилар ҳамда оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантирадилар.
- ◆ Болалар китобларининг ҳар хил турини бирлаштириш ўқувчилар саводини ривожлантиришга бўлган фанлараро ёндашувни ишга оширишда кўмак кўрсатади.

- ◆ Иккала турдаги китобларнинг комбинацияси ўқувчиларга мураккаб матнни ўзлаштириш, скаффолдинг тамойилига риоя қилиш имконини беради. Илмий адабиётлардан мавзу ва контекстини тушуниш учун муҳим бўлган маълумот олиш орқали бола бадиий адабиётни яхшироқ тушунади. Ва аксинча, бадиий адабиётда тасвирланган бой тажриба илмий матндаги маълумотни яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

2.3. Маълумот турли шаклда тақдим этилган болалар китоблари

Анъанавий тарзда китоб – бу босма маҳсулот бўлиб, матн ва иллюстрациялар мавжуд бўлган алоҳида қоғоз варақларининг битта қилиб қадоқланган кўриниши. Замонавий технологияларнинг ривожланиши билан «китоб» тушунчаси кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда анъанавий босма болалар китоблари электрон, видео ва аудио шаклларда ҳам яратилмоқда. Компьютерлаштириш ва янги технологиялар туфайли китоб матн ва визуал элементларини бирлаштиради: бу ўқиш ва тушуниш учун саҳифадаги ҳарфлар ва сўзларнинг оддий жойлашувидан ташқарига чиқадиган, ўқиш пайтида маъно тушунишни кенгайтирадиган ва ўқувчиларга матнни талқин қилишда, ҳарфларнинг график тасвирларини декодлашдан ташқари матн билан ўзаро алоқада бўлишига ёрдам берадиган кўрсатмалар яратишга имкон беради.

Ўқувчилар кўпинча диққатини босма сўз билан боғлиқ бўлмаган белгилар ва визуал конструкциялар, йўл-йўриқларга қаратишади. Алоқа, ахборот ва оммавий ахборот воситаларининг ўзгарувчан дунёсида болалар турли хил маълумотларни тақдим этиш усуллари, шунингдек ўқиш, талқин қилиш, ўзаро алоқада бўлиш ва фикрлашнинг янги усуллари дуч келадилар (Hammerberg, 2001). Қуйида ахборот узатишнинг турли шакллари эга бўлган китоблардан фойдаланишнинг баъзи хусусиятлари келтирилган (қ.3-жадвал).

3-жадвал. Болалар китобида маълумот узатишнинг турли шакллари

Китоб шакли	Китобнинг ўзига хос хусусиятлари	Бошланғич мактаб дарсларида фойдаланиш имконияти
Аудиокитоб	<p>Бу товуш ташувчисига ёзилган товушли адабий асар. Булар профессионал ўқувчи ёки актёр томонидан ўқиладиган асарлар бўлиши мумкин. Ўқиш махсус эффектлар (ёмғир товуши, денгиз товуши, ҳашаротлар ғинғиллаши ва б.) ёки мусиқа билан жўр бўлиши мумкин.</p> <p>Аудиокитобни аудио ижро шаклида тақдим этиш мумкин: унда диалогларда турли хил овозлардан фойдаланилиб, ҳаракат турли хил товушлар билан жўр бўлади.</p>	<p>Аудиокитобларни фонематик идрокни ривожлантириш, товушлар ва сўзларнинг тўғри талаффузини ўзлаштириш ва эслаб қолиш учун ишлатиш мумкин.</p> <p>Аудиокитоб ўқувчиларга асарни ифодали ўқишга имкон беради. Ўқувчилар учун профессионал ўқиш – намунали ёки модель ўқиш намойишидир.</p> <p>Аудиокитоб сабр-тоқат, диққатлилиқ ва диққатни жамлаш қобилиятининг ривожланишига ҳисса қўшади,</p>

Китоб шакли	Китобнинг ўзига хос хусусиятлари	Бошланғич мактаб дарсларида фойдаланиш имконияти
		<p>чунки китоб парчаларини ўтказиб юбормасдан тўлиқ тинглаш керак, чунки уларга қайтиб бўлмайди, уларга қайтиш кўз билан ўқиб чиқишдан кўра анча мураккаб.</p> <p>Аудиокитоблар шунингдек, кўриш қобилияти чекланган ёки ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш учун ҳам фойдаланилади.</p> <p>Аудиокитоблардан ўқишда қийналаётган ўқувчилар, шунингдек, маълумотни қабул қилишда дастлаб аудио канал етакчи бўлган ўқувчилар унумли фойдаланишлари мумкин.</p>
Видеокитоб	<p>Бу фильм тарзида ишланган асар бўлиб, ҳар қандай видео ташувчи қурилмадан намоиш этса бўлади. Фильмдан фарқли жиҳати видеоқатор видеокитобда турғун бўлади.</p> <p>Видеокитобда, худди аудиокитобда бўлгани каби матн ўқиб эшиттирилади, иллюстрациялардан фойдаланилади, шунингдек, фотосуратлар, хариталар, схемалар, жадваллар ва бошқа видео объектлари қўлланилиши мумкин.</p>	<p>Видеокитоб ўқувчиларнинг кўриш ва эшитиш қобилиятларини фаоллаштиради.</p> <p>Видеокитобдан ўқиганни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин: визуализация, матнни расмлар билан боғлаш, семантик тахминдан фойдаланиш, бош қаҳрамонни, ҳаракат ўрни ва вақтини тасвирлаш ва ҳ.к.</p> <p>Китобнинг бундай шакли эшитиш қобилияти ривожланмаган болаларни ўқитишда қулай, агарда видеоқатор субтитрларни ўз ичига олган бўлса.</p> <p>Видеокитоб, шунингдек, намунали, модель ўқиш сифатида ҳам фойдаланилади.</p>
Адаптацияланган (мослаштирилган) китоб	Адаптацияланган (мослаштирилган) китоб – бу маълум мақсадларда яратилган, ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳининг ўзига хос эҳтиёжларини қондиришга жавоб берадиган,	Адаптацияланган китоблар дифференциацияланган таълимда мунтазам равишда ишлатилади (қ. Модуль 1. Бошланғич мактабда дифференциацияланган таълимни қўллаш), кўптилли

Китоб шакли	Китобнинг ўзига хос хусусиятлари	Бошланғич мактаб дарсларида фойдаланиш имконияти
	<p>қийинчиликлари бартараф қилинган китоб.</p> <p>Китобларнинг адаптацияланишининг ҳар хил турлари мавжуд: техник хусусиятларига кўра (шрифти, ҳажми, шакли, ишлаб чиқариш материаллари ўзгариб туради), мазмунига кўра (ўқувчиларнинг ижтимоий, эмоционал, ақлий ривожланиши учун матннинг махсус қайта ишлов қилинган, матннинг қисқартирилган вариантыни узатиш), тилига кўра (мослаштирилган таржима – қайта сўзлаш, кўп тилли китоб).</p>	<p>таълим қўлланиладиган махсус ўқиш турида, синфларда, шунингдек, ўзига хос таълимий эҳтиёжларга эга бўлган болалар терапиясини ўтказиш учун ишлатилади.</p> <p>Адаптацияланган китоблар тил ўрганишда ҳам фойдаланилади.</p> <p>Адаптацияланган китобларни ишлатиш қулай, анъанавий китоблар ёрдамида материални ўзлаштириш қийин бўлган ўқувчиларни ўқишга жалб қилади.</p>
<p>Тактиль китоб</p>	<p>Тактиль китоб — бу китоб тактиль ҳиссиётлари жиҳатидан тасвирланган буюмнинг асл нусхасига имконият даражасида яқинроқ бўлган турли хил материаллардан тайёрланган чизмаларга эга китоб. Тактиль китобни ясашда турли хил қўл ҳунари намуналари қўлланилади: каштачилик (китобнинг номи, кийимни безаш), тўқиш учун илгак ва спица (ўсимликлар), юмшоқ ўйинчоқлар (бош қаҳрамонлар, жониворлар), маржон (ёмғир, кўлмаклар – нам ва совуқни ҳис қилиш, тузли хамир (қиёфалар) ва ш.к.</p> <p>Бундай китоблар ривожлантирувчи ёки «сокин китоблар» деб юритилиб, улар аппликациядан, ямоқлар, наклеякалардан тайёрланади. Бундай китобларда сюжетга кириш, яъни болаларга ҳаракат қилиш имконини берилган: айтиб бериш, бошқа жойга қўйиш, силжитиш, шитирлатиш, боғлаш, қарор чиқариш ва б.</p>	<p>Тактиль китобни ўқишда (бошқача айтганда, нарсаларни бармоқ билан ушлаш), ўқувчилар эртақ билан, табиий ҳодисалар билан, ҳайвонлар олами билан, уй тирикчилик предметлари билан танишади. Турли хил материаллардан кичик нарсаларни ҳис қилиб ушлаб кўрган ҳолда, ўқувчилар ассоциатив равишда уларни ҳақиқий предметлар билан боғлашади.</p> <p>Тактиль китоблар ёрдамида бола товуш чиқарадиган предметлар, ҳидлар ҳақида тасаввурга эга бўлади. Бу эса бола томонидан атроф оламни текшириш ва идрок этишга ёрдам беради.</p>

Китоб шакли	Китобнинг ўзига хос хусусиятлари	Бошланғич мактаб дарсларида фойдаланиш имконияти
Рақамли форматдаги китоб	Бу – компьютерга ёки мобиль қурилмаларга (планшетлар, смартфонларга) юклаш мумкин бўлган рақамли китоб. Бу китоблар мусиқа, анимация, интерфаол элементларни (ўқишни видеоўйин тарзида бажаради), шунингдек , инфографика, ҳужжатли фильм ва бошқаларни ўз ичига олади.	<p>Китобларнинг бундай шакли ўқувчиларни ўқишга ундайди ва рағбатлантиради.</p> <p>Баъзан интерфаол элементлари ўқувчиларга таклиф қилинган материални яхшироқ тушунишга, янги маълумотларни ўзларининг ҳаётий тажрибалари билан бойитишга, китобда баён қилинган ҳолатларга (жой, вақт, шароитларга) иложи борича яқинлашишга имкон беради.</p> <p>Китоб рақамли қурилманинг имкониятидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни қизиқтириш ва ўқиш тажрибасини бойитиши мумкин.</p>

2.4. Иллюстрацияли (расмли) болалар китоби

Иллюстрацияли (расмли) болалар китоблари анъанавий тарзда матнга суратлар билан тақдим қилинган китоблар ҳисобланади. Иллюстрация бола томонидан бадий матнни тушунишга ёрдам беради, мавзу, қаҳрамонлар ҳақида тасаввурларини шакллантиради, бадий тимсолларни кўзга кўринадиган қилади, болага яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ёлғонларни тушунишда муҳим йўлланма беради.

Воқеага, кичик матнга расмлар тўпламини изчиллик билан бериш ҳам замонавий нашрлар болалар китобларини тақдим этади.

Бундай болалар китобларида иллюстрациялар матн қисмининг нафақат визуал кўмаги ҳисобланади, балки унинг бош манбаи ҳисобланади, шунинг учун бундай китоблардаги иллюстрацияларни визуал коммуникация воситаси сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Визуал алоқада асосий ғояни етказиш объектларни визуализация қилиш ёрдамида амалга оширилади: у китобхонга маълум бир ҳиссий таъсирни келтириб чиқарадиган тасвирларни яратишга қаратилган бўлиб, бу мазмун ҳақида маълумотни етказиш ва тафаккурга баъзи бир тимсолларни қўйиш имконини беради. Ўзининг эътиборини тасвирга қаратиб, бола дастлаб муаллиф томонидан китобга киритилган барча керакли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун, расмли нашрда а) тасвирнинг равшанлиги, б) иллюстрацияга мазмуний вазифа, в) тасвирнинг маълумотга оидлиги кабилар бўлиши муҳим.

Қуйида турли иллюстрацияли болалар нашрлари берилган.

Расмли китоб

Расмли китоб – бу мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар учун нашр этилган тасвирли нашр бўлиб, унда мазмунни етказиб беришнинг юксак ва ягона шакли тасвир бўлиб, матн (агар мавжуд бўлса), расмларга берилган ёзувлар характериغا эга бўлади.

Бундай китобда матн деярли йўқ ёки жуда қисқа бўлиб, муаллиф оз сўзлардан фойдаланади ва мазмуннинг муҳим қисмини етказиш учун расмларга таянади. Баъзи расмли китобларда муаллиф воқеалар кетма-кетлигини диққат билан тартибга солади: уларда воқеа содир бўлиши, ҳаракатнинг жойи ва вақти, персонажлари, сюжети ва мавзуси кўрсатилган. Китобдаги расмларга қараб сюжет оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин.

Расмли китоблар тил ўрганишнинг самарали воситасидир. Китобни сўзсиз ўқиш, ўқувчиларнинг ўз тасаввурлари ёрдамида саҳифада нима бўлаётганини аниқлашга имкон беради. Агар ўқувчилар расмларга қизиқиб қарасалар, улар ҳақида гапиришни хоҳлашади (Knight, 2017). Ўқитувчилар: *"Сиз бу тасвир ҳақида нима деб ўйлайсиз?", "Сизнингча, қаҳрамон қувноқми ёки ғамгин?", "У нима билан шуғулланмоқда? Нега шундай қарор қилдингиз?"* деб сўрашлари ва ўқувчилардан расмли китобларни синфдошлари билан жуфтликда муҳокама қилишларини сўрашлари ҳам мумкин.

Расмлар билан ишлаш «визуал саводхонлик»ни ўстиради. Ўқитувчилар ўқувчиларга иллюстрация ҳамда матн функцияларини фарқлашга ўргатиш учун расмли китоблардан фойдаланишади. Ўқитувчилар:

- ◆ Сизга матн қизиқарлими ёки иллюстрацияларми?
- ◆ Улар битта воқеани бошқача, ёки бир хил тарзда айтиб беришадими?
- ◆ Матн иллюстрациясиз ҳам тушунарли бўладими?
- ◆ Иллюстрациялар матнсиз тушунарли бўладими деб сўрашлари мумкин?

Ўқитувчилар ўқувчиларнинг диққатини иллюстраторларнинг воқеани ҳикоя қилиб бериши ёки қандайдир маълумотни бериши учун ранг ва туслардан қандай фойдаланишларига эътиборини қаратишлари мумкин. Ўқувчилар тақдим этилган иллюстрацияларнинг ҳар бир жиҳатига диққат билан эътибор берадилар: ранг танловига ва рассомлар томонидан ишлатиладиган композицияни таҳлил қилиш асосида пухта мулоҳазалар чиқаришни ўрганадилар.

Иллюстрацияли китоблар

Булар матнли китоблар бўлиб, унда муаллифлар иллюстрациялардан мазмуннинг муҳим қисмини, қаҳрамонлар ҳиссиётларининг, тана тили ва юз ифодаларининг тасвирларини етказишда фойдаланишади. Бу ўқувчиларга ҳис-туйғуларини, хулқ-атворини ва ҳиссиётларини (севги, қўрқув, уят, пушаймонлик, қувонч кабиларни) яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Иллюстрациялар орқали муаллифлар хилма-хил (масалан, ногиронларга ёки турли этник гуруҳларга) маъно ва мазмунни ҳам етказишлари мумкин.

Виммельбухлар. Виммельбух (немис тилидан *Wimmelbuch*, қисқача немис тилидан *Wimmelbilderbuch* шаклининг қисқартирилгани бўлиб - "милтилловчи расмлари бўлган китоб") - ёрқин, батафсил, юқори даражада расмли

тафсилотларга тўла маълумотларни ўз ичига олган болалар онгини ўстирадиган йирик шаклдаги китоб.

Виммельбух китоби жуда кичик матнга эга бўлган (ёки матн умуман йўқ), лекин расмлар тафсилотларига бой. Ҳар бир китобда кун, ой, йил давомида улар билан қизиқарли ва кулгили воқеалар содир бўладиган қаҳрамонлар мавжуд. Бу ўқувчиларга расмларни янгитдан "ўқиш" ва ҳар сафар янги ҳикояларни ихтиро қилиш имкониятини беради. Бундай китобнинг асосий мақсади атрофдаги дунё билан танишиш, нутқ ва тасаввурни ривожлантиришдир. Ҳозирги вақтда виммельбухлар нутқида камчилиги бўлган болалар билан ишлашда логопедлар томонидан фаол фойдаланилмоқда. Виммельбухлар ўқувчиларга ҳикоялар ихтиро қилишга, персонажларни тасвирлашга, уларнинг ҳаракатлари, тажрибалари ва фикрларини тушунтиришга ёрдам беради. Ўқувчилар билан сиз диалогларни ўйлаб топишингиз, ролларни тақсимлашингиз, ҳикояни кўп марта такрорлашингиз мумкин, чунки ҳар бир такрорлаш янги кашфиётлар ва тафсилотларни келтириб чиқаради. Ҳар сафар янги тафсилотларга эга бўлган ҳолда, ҳикояда янги сўзлар пайдо бўлади, бу эса ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга ва кенгайтиришга ёрдам беради.

Комикс

Комикслар (инглизча comic - кулгили) - изчил баённи шакллантирган қисқа матнли расмлар серияси бўлиб, у 19-асрнинг охирида АҚШ газеталарида пайдо бўлган. Замонавий комикслар асосан ўзларининг комик характерларини йўқотиб, уларнинг ўрнини "даҳшатли" комикслар – жиноятлар, уруш, псевдо-тарихий комикслар, шунингдек, классикларнинг асарларини керагидан ортиқ соддалаштирилган комикслар эгаллади.

Япон комикслари, манга - япон миллий маданиятининг бир қисми бўлиб, Япония таълимида фаол фойдаланилади.

Комикс – бу оммавий адабиётнинг жанри бўлиб, ўзгармайдиган кетма-кетликда жойлаштирилган, қисқа матнли, одатда диалогик шаклда, бот-бот давомли босилиб турадиган, кўзга яққол ташланиб турадиган(оқ-қора ёки рангли) расмлар сериясидир.

Комикслар санъатнинг икки турини - адабиёт ва тасвирий санъатни бирлаштиради ва шу билан ҳикоя ва визуал ҳаракатларнинг бирлигини англатади. Комиксларда матн бўлиши шарт эмас, интуитив сюжетли "соқов" комикслар ҳам мавжуд. Кўпинча комиксдаги тўғридан-тўғри нутқ филактер (матнли булут) - қаҳрамони оғзидан «пуфлаб чиқараётган» "сўз пуфаги" ёрдамида берилади. Муаллифнинг сўзлари, одатда, комикслар кадрлари устида ёки остида жойлашган. Комикслар ҳар қандай жанр ёки тасвир услубда бўлиши мумкин. Комиксларни яратишда ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил қилишда фойдаланиш мумкин. Ўқувчилар ўзларининг қаҳрамонлари ва ҳолатларини ўйлаб топадилар. Унда улар турли хил ҳаётий вазиятларни моделлаштирадилар ва "яшайдилар", бу уларга муаммоларнинг ечими устида ўйланиш, ўрганилаётган мавзу бўйича диалоглар тузиш ва матнларни "фаол" ўқиш имконини беради.

Бошланғич мактаб дарсларида болалар учун расмли нашрлардан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

- ◆ ўқитувчилар ушбу китоблардан матн ва иллюстрациялар ўртасидаги муносабатларга эътибор бериш орқали мазмунли тахминлар яратиш учун фойдаланишлари мумкин. Ўқувчилар маслаҳатлар излашади, мазмунли тахминлар қилишади ва эҳтимол ўқиганлари ҳақида янги тасаввур ҳосил қилишади (Sanders, 2014).
- ◆ Бундай китоблардаги иллюстрациялар мазмуннинг муҳим қисмини тузганлиги учун, расмлар ўқиш кўникмаларини эгаллашда қийналаётган ўқувчиларни ўқишга қизиқтириши мумкин. Матнни ўзлаштиришга ёрдам берадиган иллюстрацияларга эга бўлган ушбу китоб туридан фойдаланишда, расмли китоблар мақбул бўладиган ўқув муҳитини яратиш орқали, ўқитувчилар ўқиш кўникмаларини ўрганишда қийналаётган ўқувчилар дуч келиши мумкин бўлган стигмани (ҳарфлаб ўқишни) бартараф қилишади.
- ◆ Тасвирли китоблар ўқишдан завқ олиш учун дастлабки босқич, дастлабки зинапоя бўлиши мумкин. Ўқишни хоҳламаган ўқувчиларни ўқишга жалб қилиш қийин бўлиши табиий. Бундай ҳолда, улар нимага қизиқишини, нимани муҳокама қилишни ёқтиришларини (спорт, машиналар ёки видео ўйинлар), нима қилишни ёқтиришларини билиш муҳимдир. Эҳтимол, уларнинг эътиборини кичик мақолалари бўлган журналлар жалб қилиши мумкин. Уларни видео ўйинлар бўйича кўрсатмаларни ўқиш қизиқтириши мумкин (видео ўйинда тезда қандай қилиб кейинги босқичга ўтиш ҳақида тегишли маълумотлар бор).
- ◆ Ўқитувчилар ушбу китоблардан ёзма ишлар учун ёрдам сифатида фойдаланишлари мумкин. Масалан, ўқувчилар расмли китобдаги қаҳрамонга қараб тавсиф юритишлари мумкин. Ўқитувчилар ўқиш дарсларида бадиий асарлар ва илмий-маърифий китоблардан фойдаланишлари тил, ватаншунослик, турмуш хавфсизлиги асослари, математика ва шу каби дарсларнинг мазмунини бойитиши мумкин.
- ◆ Ҳаётий воқеаларни акс эттирувчи расмли китоблар нашридан фойдаланиш ўқувчиларга шахсий, ижтимоий ва ҳиссий қобилиятларни ривожлантириш имкониятларини беради. Ушбу китобларни ўқиш орқали ўқувчилар ҳаётда нималарга дуч келиши мумкинлиги ҳақида тасаввурга эга бўладилар.
- ◆ Расмли китоблардан ўқувчилар билан дунёни ўзгартириши мумкин бўлган кичик ва муҳим ҳаракатлар тўғрисида суҳбат юритиш учун фойдаланиш мумкин. Улар ўқувчиларни ўзгаришларни амалга оширишга илҳомлантирадиган бирон бир кичик хайрли иш ёки кучли ҳаракатга бирлашадиган жажжигина ҳаракатлар ҳам бўлиши мумкин.

Синфда турли хил китобларга эга бўлиш жуда муҳим. Синфда мавжуд бўлган китоблар сони ва хилма-хиллиги ошгани сайин (масалан, USAIDнинг бошланғич таълим лойиҳалари, шу жумладан «Оқуу Керемет!» лойиҳаси), ўқитувчилар ўқитиш учун мавзулар ва китоб турларини танлаш ва ўқувчиларнинг мустақил ўқишларини рағбатлантириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўладилар.



Резюме

Болалар китоблари болаларнинг идрок қилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ёш китобхонга таълим бериш ва зеҳнини кучайтириш учун яратилган нашрлардир. Улар турли мавзулар ва жанрларни ўз ичига олади. Болаларга мўлжалланган китобларни шакли, мазмуни, мураккаблиги, болалар ёшига мослиги, нутқ услуби, матни ва расм нисбатига кўра таснифлаш мумкин.

Ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида фойдаланиш учун ўқитувчилар, кутубхоначилар ва ота-оналарга қулай бўлган китоблар сони ва хилма-хиллиги ошгани сайин, ўқувчиларни билим олишга жалб қилиш ва умуман ҳаётга бўлган қизиқишини ривожлантиришга кўмак берадиган мавзу ва жанрларнинг доираси кенгаймоқда.

Болалар китобларини турли тоифаларга бўлиш мумкин: маълум ўқиш кўникмаларини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган китоблар, бадий ва илмий ҳамда ўқув адабиётлари, расмли нашрлар ва турли шаклларда маълумотлар тақдим этиладиган китоблар.

Ўқувчиларнинг турли тоифадаги китоблардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишлари муҳим, улардан ўқитувчиларнинг фойдаланиши бошланғич мактабда таълим муҳитини кенгайтириш ва ўрганиш учун ажралмас манба бўлиши ҳақидаги маълумотлар хусусида навбатдаги бўлимда сўз боради.





3-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА БОЛАЛАР КИТОБИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИ СИФАТИДА



Йўналтирувчи савол

- ◆ Бошланғич мактаб дарсларида болалар китобидан қандай фойдаланиш керак?

Болаларни китобхонга айлантириш – ўқитувчиларнинг касбий бурчи. Ҳарф ўқитишни ўргатиш муҳим эмас. Айнан китобларни билиш уларга ҳаммасидан кўпроқ нарса беради ва ҳаётда уларни ҳаммасидан яхшироқ қўллаб-қувватлайди.

Эйдан Чамберс, “Айтиб бер. Ўқиймиз, ўйлаймиз, фикрлаймиз” китобининг муаллифи.

Бошланғич мактаб дарсларида болалар китобидан турли йўллар билан фойдаланиш мумкин: ўрганилаётган масала ёки предметга ўқувчилар эътиборини жалб қилиш учун “қармоқ” сифатида китоб ўқиш, ўқиб чиқилган асар таъсири остида ўрганилаётган мавзунини муҳокама қилиш, скаффолдинг тамойилини ва ижодий ёндашувни таъминлаш учун, шунингдек, синфда инклюзив маданиятни ривожлантириш ва муаммоларни ҳал қилиш учун китоблардан фойдаланиш.

3.1. Китоб “қармоқ” сифатида

Ўқувчиларни қизиқтириш, ўқув жараёнига “тортиш” учун болалар китобидан “магнит” сифатида фойдаланиш ўқитувчига дарсни қизиқарли ўтишда ёрдам бериши ёки бошқача қилиб айтганда, китоб ўрганилаётган мавзуга, тушунчага ёки предметга ўқувчилар эътиборини жалб қилиш учун “қармоқ” сифатида хизмат қилиши мумкин. “Таълим гўё саргузашт: қай тарзда дарсларни қизиқарли ва мароқли қилиш керак” китобининг муаллифи Дейв Берждес бир неча шундай “қармоқлардан” фойдаланишни таклиф қилади (Берджес Д. томонидан содалаштирилган, 2017).

- ◆ “Ҳаётдаги фойда” қармоғи. Болалар китоби ёрдамида ўқувчиларга ўрганилаётган материалнинг ҳаётдаги фойдаси, уни амалда қўллаш ва китобда акс эттирилган материал билан ўзларининг ҳаёти ўртасидаги боғлиқлик кўрсатилиши мумкин.
- ◆ “Қизиқишлар” қармоғи. Ўқитувчи ўқувчиларнинг қизиқишлари, хоббиси ёки иштиёқлари ҳақида маълумотга эга бўлган ҳолда, ўқув материалини тақдим қилишда ўқувчилар қизиқишларидан ҳар томонлама фойдаланиш, ўқувчилар қизиққан нарса билан ўрганилаётган материални боғлаш учун шу мавзуларга мос келадиган китоблар таклиф қилиши мумкин.
- ◆ “Қизиқарли ҳикоялар” қармоғи. Ўқитувчи шундай ҳикояни танлаши мумкинки, у орқали ўқувчиларга мавзу, тушунча ёки предмет ҳақида ўрганиш қизиқарли бўлсин. Масалан, математика дарсида ўқитувчи қандай қилиб қаҳрамонлар ўзаро ширинликларни (мева-чева, қандлар, торт ва бошқаларни) бўлиб олишгани ҳақидаги китобни ўқиб чиққани бериши лозим, бу сюжет муҳокамаси

“Бўлиш” мавзусини тушунтириш учун таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Сонлар қатори – ўқувчиларга математик фикрлашни ўстиришга ёрдам берувчи муҳим восита ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Рўй бераётган ҳодисалар кетма-кетлигини ва математик фазони (объектлар орасидаги масофа, геометрик фигуралар ва бошқаларни) ҳамда уларни белгиловчи атамаларни ўз ичига олган ҳикояларни аввал ўқиб берган ҳолда, ўқитувчилар ўқувчиларни сонлар қатори тушунчаси билан таништириши мумкин (Қаранг: 3-стратегия. Ўқувчиларнинг сонлар қаторини ўзлаштиришлари учун болалар адабиётидан фойдаланиш).

- ◆ “Зинапоя” қармоғи. Болалар китоби скаффолдинг, яъни мураккаб мавзуга ёки абстракт (мавҳум) тушунчага ўтишдан аввал оддий ёки аниқ мисол келтириш йўли сифатида хизмат қилиши мумкин.

3.2. Ўқиганни муҳокама қилиш орқали тушуниш

“Айтиб бер. Ўқиймиз, ўйлаймиз, фикрлаймиз” китобининг муаллифи Эйдан Чамберснинг тасдиқлашича, китоб ҳақида яхши сўзлай ола билиш – бу ҳар хил мавзулар бўйича суҳбатларга бўлган энг яхши тайёргарлик (Чамберс, 2016). Болаларга китоб ҳақида фикр юритишга ёрдам берган ҳолда биз уларни ҳаётда рўй берадиган ҳамма нарса ҳақида ўз фикрини баён қилишга ўргатамиз. Ўқиганни муҳокама қилиш янги мавзуни, ҳаётий тажрибани англашга ёрдам беради, шахсий ўсишга кўмаклашади (болалар ўзларини қаҳрамонлар ўрнига қўйишади, китобдаги ҳодисаларни ўз тажрибаси, атроф-муҳит ҳодисалари билан боғлашади ва шу туфайли ўзларини яхши тушуна бошлайди), тилдан фойдаланиш ва сўз билан мурожаат қилиш маҳоратини ўргатади, тасаввур қилишни ривожлантиради, қандай яшашни ўргатади. “Ўқиганни муҳокама қилганда биз матннинг ҳар хил элементлари ўртасидаги алоқани қидирамиз, қаҳрамонлар тилида, далилларида, бир-бирига ўхшаб кетган воқеаларда, жуда ўхшаш қаҳрамонларда умумий рамзий белгиларда кўрамиз ва ўз саволларимизга жавоб топганимизда сюжет жумбоқларини ҳал қиламиз, китоб эса биз учун тушунарли бўлиб қолади” (Чамберс, 2016). Янги мавзуни ўрганишда ўрганилаётган предмет бўйича ўқиб чиқилган матннинг матндан ташқари алоқаларидан фойдаланиш мумкин:

- ◆ “Китобдаги-олам”: ўқувчилар китобдаги қаҳрамонлар ва воқеаларни ҳақиқий одамлар ва воқеалар билан таққослашади.
- ◆ “Китоб-ва-китоб”: ўқувчилар иккита китобни таққослашади ва уларнинг ўхшашликлари ҳамда фарқини аниқлашади.
- ◆ “Китоб – хусусий ҳаёт тажрибаси”: ўқувчилар ўқиб чиққан ва уларнинг ўз ҳаётида рўй бераётган нарсалар ўртасидаги алоқани топишади.

Синфда анча чуқур фикр юритиш ва сермазмун муҳокама қилиш мақсадида маълум мавзу билан боғланган турли жанрлардан (бадий ва илмий-маърифий адабиёт) фойдаланиш тавсия қилинади. Бу: а) ўқувчиларга кўриб чиқилаётган мавзуни ёритувчи турли материаллар ўртасида алоқа ўрнатиш имконини беради, б) ўқувчиларнинг мавзуни анча чуқур тушунишига ёрдам беради, в) ўқувчиларда дарс мавзуси бўйича турли нуқтаи назарларни таҳлил қилиш ва баҳолаш каби юқори даражада фикрлаш малакаларини ривожлантиришга кўмаклашади.

Ўқитувчилар болалар китобидан матн яратишнинг ҳар хил структурасини қўллаш орқали фойдаланганларида, китоблар ўқувчиларга янги билимлар ташкил қилиш

(схемалар назарияси) ва янги маълумотларни ўзлари билган нарсалар билан боғлаш тизимини шакллантиришга ёрдам беради.

3.3. Ўқишни ўргатишда скаффолдинг билан таъминлаш учун китоблардан фойдаланиш

Болалар китобидан фойдаланган ҳолда турли фанларни ўрганиш пайтида ўқитувчилар ўқиш малакаларини пухта ўзлаштирган ўқувчиларга мураккаброқ китобларни танлаш имконини бериши ва ўқиш малакаларини эгаллашда қийналаётган ўқувчиларга керакли ёрдамни тақдим қилиши мумкин.

Ўқувчиларга ватаншунослик дарслигидаги матнни ўқиш ва тушуниш қийин бўлганда ўқитувчилар ўқиш учун қўшимча китобларни таклиф қилишлари ва шу орқали ўқувчиларга ўқув матнини мустақил ўрганиш учун имкониятларини яратишлари мумкин.

Синфда болалар китобидан фойдаланиш – бу ўқитишни дифференциациялаш ва таълимнинг универсал дизайн тамойилларини қўллаш усулларида бири. (Қаранг: 1-модуль. Бошланғич мактабда дифференциацияланган таълимни қўллаш). Ўқитувчилар ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишини ошириш учун уларга нимани ўқишни танлаш ҳуқуқини тақдим қилиши мумкин. Улар тушуниш стратегияларини босқичма-босқич ўргатиш мақсадида болалар адабиёти матнларидан фойдаланишлари мумкин. Бунинг учун шундай асарларни топиш зарурки, улар билан ишлаш учун аниқ тушуниш стратегияларидан фойдаланиш керак бўлади; масалан, мазмуний тахмин қилиш учун асосий ғоя ва йўл-йўриқлар қидириш ёки илмий-маърифий матн тузилишини таҳлил қилиш (хусусан, матнда таққослаш ва қарши қўйиш учун имконият борми, тушунча ёки ҳодисани киритишда фикрни очиш кетма-кетлиги қандай кўрсатилган).

Махсус тузилган енгил матнлардан сўнг ўқитувчилар ўқувчиларнинг ўз билимларини мустаҳкамлашлари, янада мураккаб матнларни қўллашда стратегиялардан фойдаланишларини кучайтиришлари учун бошқа дарслик ва матнларга ўтадилар.

3.4. Ижодий ёндашув

Ҳар қандай фанни ўқитишда болалар китобларидан фойдаланиш мавзунини очишга янги ва ижодий ёндашув бўлиши мумкин. Адабиётда кўпинча юқори даражадаги фикрлаш қобилиятини қўллаш учун кўплаб ибратли фикрлар ва имкониятлардан иборат бўлган “кутилмаганлик” элементи иштирок этади. Бошланғич мактаб дарсларида болалар китобидан фойдаланишда ижодий ёндашувни жорий қилиш учун ўқувчиларга матнни расмлар билан безашни ёки аксинча, расмлар асосида ўзининг шахсий матнини яратишни таклиф қилиш мумкин. Шундай қилиб ўқувчилар матн ва расмлар ўртасидаги боғланишни аниқлашни ўрганишади. Баён қилишнинг бир услубини бошқасига ўтказиш мумкин: масалан, ҳикоя сюжетига асосланган ҳолда комикс, шеър ёки қўлда чизилган китоб (расмли китобча) яратиш.

Дарсларда ўқувчиларнинг шахсий китобчаларини яратиш имкониятидан фойдаланиш: а) қаҳрамонларни, содир бўлаётган воқеалар ўрни ва вақтини танлай олиш, сюжет туза олиш, ҳикояга (одам, ҳайвон, предмет, воқеа ўрни ва муҳит ёки қаҳрамонлар ҳолати) тавсифларини кирита олишга, б) китоб тузилиши ҳақидаги билимларни мустаҳкамлашга, в) коммуникатив малакаларни

ривожлантиришга, г) матн ва унинг расмлари ўртасидаги боғланишни аниқлай олишга, д) китобга ва ўқишга бўлган қизиқишни шакллантиришга ёрдам беради.

3.5. Муаммоларни ҳал қилиш ва инклюзивликни ривожлантириш

Болалар адабиёти уни кўп жиҳатдан “эскиришга тобе” қилмайдиган турли хил мавзулардан иборат, чунки улар ўқувчиларга ҳаётий сабоқлар беради. Ўқувчилар китоблардан инсонийлик, эзгулик, мурувват, қатъият, дўстлик, ёлғизлик ва тўғрилиқ ҳақида билиб олишади. Болалар адабиёти, шунингдек, қийин аҳволга тушиб қолган ўқувчиларга, масалан, ота-онасининг никоҳи бузилган, қишлоқдан шаҳарга кўчиб ўтган, бува ва бувиларини йўқотган каби ҳолатларда ҳам ёрдам беради. “Болалар адабиётидан муаммоларни ҳал қилишда восита сифатида фойдаланиш – бу ўқитувчилар учун болаларни тушуниш ва уларга қийинчиликларни енгилда ёрдам беришнинг муҳим аҳамиятли йўлидир. Ҳикояларни ўрганиш, уларни муҳокама қилиш ва шахсий тажриба ҳақида фикр юритиш орқали болалар ўзлари яшаётган олам қийинчиликларини идрок қила бошлаши мумкин” (Ту, 1999).

Ҳозирги пайтда “инклюзив адабиёт” фаол ривожланмоқда. Инклюзив адабиёт бу ногиронлик ва одам хилма-хиллиги тўғрисида ижобий тасаввурни шакллантиришга қаратилган адабиётдир. Ёшлиги туфайли хурофотлардан холи бўлган, бошқаларнинг ҳаётини ўзи учун очиб, ўзида синаб кўрган ёш китобхонлар меъёр тушунчасини кенгайтириб, дунёнинг турли-туманлигини англайдилар, балоғат босқичига ўтишга тайёрланадилар.

Инклюзив адабиёт ногиронликни оддий тилда тушунтиришга ёрдам беради; кейинги мулоқотга тайёрланишнинг ажойиб усули ҳисобланади; маъсулиятли бўлишни ўргатади, жамиятимизнинг бошқаларга ўхшамайдиган фуқаролари худди барча одамлар сингари яхши ҳаёт кечириб ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради; ногирон болаларни ҳимоя қилади. Ахир “ҳар бир бола китоб қаҳрамони бўлишга арзийди”. Бу ўзини-ўзи баҳолашга ва ҳис-туйғу хотиржамлигига таъсир қилади ҳамда бундай болаларда ёлғизлик ва яққалиқ туйғуларини камайитиришга ёрдам беради (Вовк О. ва бошқалар, 2020).

Бу модулда болалар китоблари таъсири остида турли-туман масалаларни муҳокама қилишга қаратилган стратегиялардан бири кўрсатилган. (Қаранг: 5-стратегия. Иллюстрацияли нашрлар орқали турли-туманликни муҳокама қилиш).



Резюме

Ўқитувчилар болалар адабиётидан янги мавзу ёки тушунчаларни киритиш, ўқувчиларнинг янги ўқув материали ҳақидаги тушунчаларини яхшилаш ҳамда ўқувчиларда фикрлаш малакаларини юқори тартибда ривожлантириш учун фойдаланиши мумкин.

Болалар адабиёти янги тушунчалар стратегияларини ўргатишга ёрдам беради. Бунинг учун турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин: масалан, китоб “илмоқ” сифатида ўқувчилар эътиборини ўрганилаётган масалага ёки мавзуга қаратишга имкон беради.

Ўқилган асар таъсири остида мавзуни муҳокама қилиш ўрганилаётган мавзуни чуқурроқ тушунишга имкон беради, ўқиш учун махсус китобларни танлашда

скаффолдинг тамойилидан фойдаланиш эса ҳар бир ўқувчига ўқишни алоҳида ўргатиш учун қулай муҳит яратади. Шунингдек, турли мавзуларни ўрганиш учун болалар китоблари билан ишлашда ижодий ёндашув бўлиши жуда қизиқарли ҳамда фойдалидир. Ўқувчилар худди ўзлари каби ҳаёт қийинчиликларини бошидан кечирган болалар ҳақида китоблар ўқиши ва шу орқали ҳаётини муҳим бўлган саволларга жавоб топишлари мумкин. Болалар адабиёти инклюзив маданиятни ривожлантиришга ёрдам беради.





4-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА ТУРЛИ ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Математикани ўрганиш учун болалар адабиётидан қандай фойдаланиш мумкин?
- ◆ Ватаншунослик ва турмуш хавфсизлиги асослари дарсларида болалар адабиётидан нима учун фойдаланиш зарур?
- ◆ Болалар адабиёти тасвирий-бадиий ижодкорлик дарсларида қандай ёрдам беради?

Китоблар ғаройиб қудратга эга... Сиз уларни очасиз, улар эса – сизни!

Чинғиз Айтматов, қирғиз ёзувчиси

Турли таълим соҳаларидаги фанлар мазмунини ўзлаштириш учун ўқувчилар ўзлари яшаб турган дунё қандай қурилганлиги ҳақида жуда кўп маълумотлар билан танишадилар.

Аmmo бу маълумотларни ўзлаштириш учун улар ўзларининг бор тажрибаларига таяниб, билимларини кенгайтириши ва ҳаётидаги турли вазиятларда қўллай олиши муҳимдир. Ҳар бир ўқувчининг шахсий тажрибасини ҳисобга олиш учун ўқитувчилар турли хил услубда маълумот беришлари керак. Ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжлари ва қизиқишларини ҳисобга олиб ишлатиш мумкин бўлган энг самарали ёндашувлардан бири бу болалар адабиёти ва мактаб материалларини интеграциялашдир. Мактаб ўқув дастурининг турли мавзуларидаги ва турли шаклдаги болалар учун ҳар хил китобларнинг мавжудлиги ҳар бир ўқувчи учун фанларни ўрганишда энг мос китобларни танлашга имкон беради.

Болалар адабиёти ва дарсларнинг предмет мазмунини интеграциялашнинг яна бир сабаби - бу "болага нафақат ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш қобилиятларини ўргатиш, балки ўқувчиларга атрофдаги дунёни иложи борица тушунишга ёрдам бериш, ўзида шахсни шакллантириш ва ўз мамлакатининг фаол ҳамда ҳамдард фуқароси бўлиш имкониятини бериш ҳисобланади." (Робинсон К., 2016). Болалар китоблари ўқувчига дарсликда мавжуд бўлмаган маълумотларни тақдим этиб, ўрганилаётган билим доирасини кенгайтиришга имкон беради.

Бундан ташқари, болалар адабиёти фанлараро мавзулар ва тушунчаларни қамраб олишга имкон беради, бу эса ўқитувчиларга дарс вақтидан самарали фойдаланиш ва ўқув дастури мазмунига мослашувчанликни намоён этиш билан амал қилиш имконини беради. Адабиёт ва предмет мазмунини интеграциялаш атрофимиздаги дунёни яхлит ва ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқишга имкон яратади.

4.1. Математикани ўрганиш учун болалар адабиётидан фойдаланиш

Математика бизнинг атрофимизни қуршаб олган, ҳатто биз буни пайқаймаймиз, шунинг учун ҳар бир инсонда математик фикрлашни ривожлантириш зарур. Математика мантиқий фикрлашнинг ўсишига кўмак кўрсатади, табиий ҳодисаларда, тарихий жараёнларда ҳамда адабий сюжетларнинг ривожланишида қонунийликни, асосни топишга ёрдам беради. Болалар адабиёти ўқувчиларга математикани тушунишни осонлаштиради ва рақамлар, ҳисоблар, масалалар олдидаги қўрқувни енгиб ўтишга ёрдам беради.

Математикага оид масалаларни ечишда ўқувчилар математик тилни тушуниш муаммоларига дуч келишади, чунки ўқувчилар вазифани ўқийдилар, унинг матнини тушунадилар, жавоб бериш зарур бўлган саволни аниқлайдилар ва, ниҳоят, сонли тенглама тузадилар ҳамда ечадилар. Шундай бўлиши мумкинки, ўқувчилар масаланинг ёзма мазмунини ўқиш ва тушуниш муаммоси билан тўқнашадилар, бунинг сабаби улар математикада қўлланиладиган таянч атамани тушунмайдилар. Шунинг учун математик тил тимсоллар, абстракциялар, ҳаётий мисоллар ва ҳ.к. орқали тушунтириладиган болалар адабиётидан фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, асарнинг битта қаҳрамонида бошқа қаҳрамонга қараганда нимадир кўпроқ ёки озроқ, аксинча, бирор нарса бир неча марта бошқа нарса ўлчамидан ортиқ бўлган. Масалан, Жонатан Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари» романида айтилганидек, лилипутлар мамлакатининг барча аҳолиси, уларни ўраб турган нарсалар Гулливернинг кундалик ҳаётида қуршаб турган нарсаларга нисбатан 12 марта кичик бўлган.

Ўқувчиларга шундай китобларни тавсия этиш керакки, уларда математик концепциялар таниш бўлган контекст жойлашсин, ана ундан кейингина уларни белгилаш учун математик атамаларни жорий этиш зарур.

Бу сонлар ва уларнинг қиймати, геометрик шакллар билан танишиш, математик ҳисоб (кўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш), сонлар қатори, касрлар, пул тушунчаси, фазовий муносабатлар ва ҳ.к. билан танишадиган қизиқарли ҳикоялар бўлиши мумкин.

Ўқитувчи маълум бир математик тушунчаларни ўрганиш учун мос китобларни танлаб, улардан янги мавзунини ўқиб-ўрганишда фойдаланиши мумкин. Ўқувчиларни қизиқтиришнинг усулларида яна бири – уларга китобни овоз чиқариб ўқиш, муҳокама учун вақт бериш, сўнгра синфни математик тушунча билан таништириш ва, ниҳоят, китоб ва математик тушунча орасидаги муносабатни муҳокама қилиш ҳисобланади. Зарурат бўлса шу китобни яна бир марта қайта ўқиш ёки синфга математик тушунчани ўрганиш билан боғлиқ бўлган бошқа китобларни ўқиб бериш мумкин.

USAIDнинг бошланғич таълим соҳасида, жумладан, "Оқуу керемет!" лойиҳасида тақдим этилган кўпгина қўшимча ўқиш материаллари бошланғич синфда математикани ўрганишда фойдали ресурс сифатида қабул қилинади. Масалан, симметрияни, фазо ва шаклларни ўрганиш учун «Маъюс нақш» (К.С.Хан); математик масалаларни ечиш учун «Ўйин майдони» (Д.С.Хе), ўлчов бирликларидан фойдаланиш ва таққослаш учун «Сэм бойликлари харитаси» (Ж.Ч.Соб); «Санактар» (Ы. Кадыров, Ж.Абдылдаев) ва б. шулар жумласидандир.

4.2. Ватаншунослик ва турмуш хавфсизлиги асослари дарсларида болалар адабиётидан фойдаланиш

Ўқитувчилар мавзулар ва тушунчаларни мустаҳкамлаш учун болалар адабиётидан фойдаланишлари мумкин. Болалар адабиёти ўқувчиларга аввалги ўтилган мавзу ва тушунчаларни кўргазмали тақдим этиш орқали янада тўлиқ тушуниш мумкин эканлигини шакллантиришда ёрдам беради. Адабиёт мавзуни ўрганишда кўпинча қўшимча тафсилотларни киритади ва уни янада ҳаётий ва қизиқарли қилади (Almerico, 2018).

Болалар адабиётидан фойдаланиш:

- ◆ ўқувчилар билимларини ва ўрганилаётган мавзу тасаввурини кенгайтиради;
- ◆ фактологик маълумот ва ҳаётий тажриба орасидаги алоқани ўрнатади;
- ◆ ўқувчиларга мактаб дастури доирасида ўрганилаётган предмет мазмунини ўзининг шахсий тажрибаси билан боғлашга имконият беради.

Ватаншунослик мавзулари илмий фанлар (масалан, биологиядан, географиядан, астрономиядан, тарихдан) билан боғланиши учун болалар адабиётидан фойдаланиш ўқувчиларга илмий билимларни атроф-муҳит билан боғлашга ёрдам беради ва улар томонидан ҳаётни яхши тушунишини тезлатадилар. Шунингдек, болалар адабиётидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг илмга бўлган қизиқишларини оширади (Mahzoon-Hagheghietal., 2018).

Илм, фан билан боғлиқ бўлган мавзулар бўйича дарсларда қўшимча материаллар қатори фойдаланиш учун китобларни танлашда, ўқитувчилар илмий тушунчалар, маълумотдан фойдаланишнинг хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда, аниқ, ишончли ва тўғри берилганлигига ишонч ҳосил қилишлари зарур. Иллюстрациялар ўқувчилар учун тушунарли ва қизиқарли бўлиши зарур, чунки улар ўқувчиларнинг мавзуга ва уни ўрганишга бўлган қизиқишини оширишда ўзига хос роль ўйнайди, агар визуал элементлар китобда ўқувчиларга нотаниш бўлса (графиклар, диаграммалар, фотосуратлар), ўқитувчилар уларнинг аҳамиятини, хусусан, ўрганилаётган мавзу билан қандай боғлиқлигини тушунтиришлари керак. Ва, ниҳоят, китоб ўқувчиларга қизиқарли бўлиши зарур (Mahzoon-Hagheghietal., 2018).

Ватаншунослик ёки турмуш хавфсизлигини таъминлаш асослари бўйича мавзуларни ўрганишда ўқитувчилар болалар адабиётидан фойдаланишни ўқиш ва тушунишга ўргатишда қўллаганлари каби фойдаланишлари мумкин. Биринчидан, у ўқувчиларнинг долзарб, янги билимларини фаоллаштиради, улар нимани муҳокама қилаётганлари, шу мавзу бўйича нималарни ўрганиш керак эканлигига кўмак кўрсатади. Бунинг учун «Биламан – Билишни истайман – Билиб олдим» стратегиясидан фойдаланиш мумкин. Ўқитувчилар янги сўзларнинг маънолари билан таништиришлари ва ўқувчиларга шу сўзлар ҳақида нималарни билишлари ҳақида сўзлаб беришлари (ёзиб беришлари)ни таклиф қилишлари; сюжетнинг келгусидаги ривож ҳақида тахминларини келтиришларини таклиф қилишлари; «контекстли ўй»(уларда мавжуд бўлган маълумотлар асосида) стратегиясидан фойдаланишни ўқувчиларга ўргатишлари керак (Almerico, 2018).

Агар илмий-маърифий адабиётлар қўлланилаётган бўлса, матн қандай ташкил топганлигига ўқувчилар эътиборини қаратишлари зарур (Almerico, 2018). Сўнгра ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборини сарлавҳа, кичик сарлавҳа, иллюстрациялар ва бошқа визуал элементларга қаратиши мумкин. Агар китоб маълумотни қиёслаш ва зид қўйишдан таркиб топган бўлса, у ҳолда ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини

муаллиф маълумотни қандай тузганлигига қаратади. Агар китоб сабаб ва оқибат ҳақидаги маълумотдан иборат бўлса, у ҳолда ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини шу маркер-сўзларга қаратади. Бу сўзларни муаллиф сабаб-оқибат муносабатларини кўрсатиш учун фойдаланади. Бу ўқувчиларга улар ҳикоя ўқиган ёки тинглаганда (Dickson et al., 1998) маълумотни тузишда, сўнгра ёзма ишларни структуралашда ёрдам беради.

Ўқитувчилар ўқувчиларга овоз чиқариб ўқиб беришлари ёки ўқувчилар ўзлари матнни индивидуал ёки жуфтликда ўқиб беришлари мумкин. Асарни ўқиб бўлганларидан сўнг муҳокама юритиш орқали ўқувчиларга китоб ва ўрганилаётган мавзу ёки тушунча орасидаги алоқани аниқлашга ёрдам беришлари мумкин. Ватаншунослик дарслари учун ватанга оид нашр бўлган Ж.Турпанованинг «Снежный барс» («Қор қоплони»), Э.Шукуровнинг «Қирғизистон ва дунё ёввойи ҳайвонлари», Ж.Турпанованинг «Предметы кыргызского быта» («Қирғизларнинг турмуш буюмлари»)дан фойдаланиш тавсия этилади. Турмуш хавфсизлиги асослари дарсларида ўқувчиларга А.Казиевнинг «Правила дорожного движения» («Йўл ҳаракати қоидалари») китоби билан танишишни таклиф қилиш мумкин.

4.3. Болалар адабиётидан бадиий-тасвирий ижодкорлик дарсларида фойдаланиш

«Бадиий-тасвирий ижодкорлик» фани дарсларда ўқувчилар тасвирий санъат асослари билан танишадилар, шунинг учун ўқитувчи рассомлар, рассомчиликдаги йўналишлар ҳақида, турли техникалар орқали тасвирий санъат асарларини яратиш ҳақида танишишни таклиф қилиши мумкин.

Бу дарсларда бадиий ва турли шаклдаги (масалан, график турдаги романлар ва аудиокитоблар) илмий-маърифий адабиётларнинг бир-бирига мувофиқлиги маҳсулдор ҳисобланади. Бундай китоблар маълум мавзуларни ёритувчи китоблар бўлиши мумкин, масалан, йилнинг турли фаслларидаги табиат тасвири, уланган ёки ясама гулларни аниқлай билиш ёки Г.Айтиев номидаги тасвирий санъат миллий музейида қирғиз рассомлари кўргазмаси ҳақидаги ҳикоялар ва ҳ-зо. Бундай кенг маълумот туфайли болалар предмет бўйича асосий билимларга эга бўладилар ва қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадилар. Шу фан бўйича дарсларни ўтишда қуйидаги ватандошларимиз ижодлари нашрлари тавсия этилади: А.Орозованинг “Осень” (“Куз”), М.Мандибаеванинг “Киргизские национальные узоры, орнаменты, композиции” (“Қирғиз миллий нақшлари, безаклари, композициялари”), С.Познякованинг “В мире красок” (“Ранглар дунёси”), М.Доманованинг “Я вчера нарисовал” (“Мен кеча чиздим”), А.Осмонованинг “Мир узоров” (“Нақшлар дунёси”) ва б.

Иллюстрацияли нашрлар туфайли ўқувчилар тасвирий санъат тили билан танишишлари ва унинг маълумотлигини баҳолаши мумкин. Бундай китобни ўқишда ўқувчилар расм нима ҳақида сўзлаётгани ҳақида аниқлаб олади. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур (Child Develop, 2020):

- ♦ **Ранг.** Расмда қайси ранглар кўпроқ учрайди, маълум рангларни қай тарзда аниқ ҳис ва ҳаракатлар билан қиёслаш мумкин. Масалан, қизил ранг кўпинча нима биландир ўзига тортиши билан мужассамланади, қора ранг зулмат, кўрқув, ваҳима ҳиссини беради, кўк ранг – ғамгинликни, сариқ - ҳаяжон ёки бахт билан иттифоқлашади. Ўқувчиларнинг диққатини расмдаги ранг ёрдамида матндан қандай таассурот олишни кучайтиришига қаратинг.

- ◆ **Чизиқлар.** Ўқувчилар китобдаги расмдан турли хил чизиқларни топадилар, уларнинг устида бармоқларини юргизиб, ҳар бир сатр нимани англатишини тасвирлайдилар. Масалан, нуқтали чизиқ қувонч билан сакраши мумкин, қалин чизиқ бесўнақай эмаклайди, эгри чизиқлар кулади ва ингичка, ўткир чизиқлар ғазаб билан санчиб, суқиб олишлари мумкин. Ўқувчилар билан бирга расмдаги турли хил чизиқларнинг турлари ва ҳаракатини ҳикоя қилиш жараёнида қандай кўмак кўрсатиши таклиф этилади, бунинг учун ҳикоя ва турли узунликдаги чизиқлар ва турли шаклдаги чизиқлар ўртасидаги боғлиқлик намунасини ўз ичига олган китобни танлаш муҳимлигини муҳокама қилиш зарур.
- ◆ **Шакллар ва предметлар.** Ўқувчилар расмда тасвирланган шакллар ва предметларни аташлари ва уларнинг ўлчамлари нисбатини шарҳлашлари мумкин. Мавзу қанчалик катта ва томошабинга қанчалик яқин бўлса, тасвирда у шунчалик муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ўқувчилардан матннинг визуал тузилишига қанчалик мос келишини баҳолаб беришларини сўраш мумкин.

4.4. Болалар адабиёти асарлари ва предмет мазмунини интеграциялаш усуллари

Ўқитувчилар ўқишнинг турли хилларини бир қатор предметларни ўрганишда интеграциялаш учун фойдаланишлари мумкин. «Адабий тўгараклар» стратегиясига ва ўқитувчининг ўқувчиларга овоз чиқариб ўқишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

4.4.1. Адабий тўгараклар

«Адабий тўгараклар» - ўқиш материалларини кичик гуруҳларда муҳокама қилиш усули. Ўқувчилар танлаган китоблари асосида вақтинчалик гуруҳлар ташкил қилиб, китобларни ўқиш ва муҳокама қилиш жадвалини тузадилар ва мунозарада ролларни белгилайдилар. Дарс бошланмасдан олдин ёки дарс вақтида ўқувчилар ўқиган асарлари тўғрисида гуруҳ билан учрашиш ва суҳбатлашиш учун вақт ажратишлари муҳимдир. Асар ҳажмига ва ўқувчиларнинг ёшига қараб битта асар юзасидан адабий тўгарак бир ёки бир нечта дарслар мобайнида давом этиши мумкин.

Ўқитувчи намуна ҳисобланади, ўқувчиларга адабий тўгаракларидаги янги ролларни ўзлаштиришда ёрдам беради, суҳбатни йўналтиради, таълимни қўллаб-қувватлайди.

Адабий тўгараклар турлари

- ◆ **Тематик адабий тўгараклар.** Тематик адабий тўгараклар учун танланган китоблар қизиқарли бўлиши керак, уларнинг мазмуни ўқувчиларда ҳиссий реакцияни келтириб чиқариши ва уларни муҳокама қилишга ундаши керак. Дарснинг мақсадига қараб, китоблар бир хил мавзу ёки муаммо билан боғлиқ бўлиши керак, лекин бутун синф битта китобни ўқиши шарт эмас. Масалан, Ватаншунослик дарсида "Олам" мавзусини ўрганаётганда ўқитувчи ўқувчиларга сайёралар, юлдузлар ва космосни ўрганиш ҳақидаги китобларни тақдим этиши мумкин. Уй ҳайвонлари ҳақида гап кетганда, ўқитувчилар ўқувчиларга ҳар хил турдаги уй ҳайвонлари ва уларга ғамхўрлик қилиш тўғрисида турли хил китобларни таклиф қилишлари мумкин. ТХА дарсларида, агар дарс мавзуси "Олов - дўст, олов - душман" бўлса, ёнғинни ўчириш, олов хавфсизлигидан фойдаланиш ва унинг хавфи ҳақида китобларни танлашингиз

мумкин. Китобларни танлашда ўқитувчилар учта тамойилга амал қилишлари керак:

- Кичик гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи қўлида биттадан китоб нусхаси бўлиши учун китоб етарлича нусхаларига эга бўлиши (одатда битта гуруҳда 6 нафар ўқувчи).
 - Китоблар мураккаблик даражаси ёки босқичма-босқич таснифлаш даражаси бўйича ўзгаради - синфга мос келадиган даражадан бир оз қуйроқ ва бироз юқориқ даражада китоб танлаш керак.
 - Китоблар мазмуни тўлиқ муҳокама ўтказиш учун етарли.
- ◆ **Ўқувчилар танловига асосланган адабий тўгараклар.** Ўқувчилар ўқийдиган китобларини ўзлари танлайдилар ва улар иштирок этадиган гуруҳларни тузадилар. Улар биргаликда китобни ўқиш ва муҳокама қилиш жадвалини белгилайдилар, мунозара вақтида ўйнайдиган ролларни ва ўқиган китобни тушуниш ҳақидаги тушунчаларини синфдошлари билан қандай бўлишини танлайдилар. Ўқитувчилар ўқувчиларни ўқиш учун тўғри китобни танлашга ўргатишлари мумкин (4-жадвалга қаранг). Агар ўқувчилар мураккаброқ китобларни танласалар, ўқитувчи ўқувчиларни жуфтликда ишлашга таклиф қилиши мумкин. Агар ўқувчи китобнинг мураккаблиги туфайли қийинчиликларга дуч келса, у ўқитувчидан ёрдам сўраши мумкин.

4-жадвал. Ўқувчилар томонидан китоб танлаш бўйича тавсиялар

<i>Ўқиш учун жуда енгил китоб</i>	<i>Ўқиш учун муносиб китоб</i>	<i>Ўқиш учун жуда қийин китоб</i>
<ol style="list-style-type: none"> 1. Бу мавзуда сиз аллақачон эксперт ҳисобланасиз. 2. Сиз бу китобни илгари ўқигансиз. 3. Ҳамма сўзларни қандай ўқишни биласиз. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Бу мавзунини сиз оз-моз тушунасиз. 2. Сиз бу китобни ҳеч қачон ўқимагансиз, ўқитувчи ҳам ўқиб бермаган. 3. Сиз кўпгина сўзни ўқий оласиз. 4. Зарур бўлса сизга кимдир ёрдам беради. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сиз бу китоб ҳақида ҳеч нарса билмайсиз. 2. Китоб ҳажмли ёки майда шрифт билан босилган. 3. Китоб матнида кўп сўз ўқий олмайсиз. 4. Агар зарур бўлса сизга ким ёрдам бера олишини билмайсиз.

Ўқитувчилар ўқувчиларга китоб танлашда ёрдам бериш усуллари билан бири бўлиб ҳар бир китобнинг аннотациясини тақдим этиш ҳисобланади. Ўқитувчилар китоблар тўпламини ўқишлари ёки аввал ўқиган ўқувчилардан китоб ҳақида гапириб беришларини сўрашлари мумкин. Ўқитувчилар ўз танловини тасдиқлаш ҳамда ўқувчиларга китобларни кўриб чиқиш ҳамда уларни қизиқтирган кичик қисмини ўқиш учун вақт ажратиши мумкин. Ўқувчилар 4-жадвалда кўрсатилган биринчи, иккинчи ёки учинчи вариантни танлаб, ўз танловларини қоғозга ёзиб, ўқитувчига беришлари керак.

- ◆ **Ўқувчиларни гуруҳларга бирлаштиришга асосланган адабий тўгараклар.** Айнан битта китобни ўқиш учун танлаган, олтитадан кўп бўлмаган ўқувчиларнинг кичик гуруҳлари тузилади. Агар маълум бир китобни танлаган ўқувчилар сони мавжуд китоб нусхаларидан кўп бўлса, ўқитувчи гуруҳларни

тузишга ёрдам бериши мумкин. Энг яхшиси бу қуйидагича амалга оширилади: ўқитувчи китобнинг сарлавҳасини катта қоғозга ёзади. Ўқувчиларнинг хоҳишига кўра биринчи, иккинчи ва учинчи вариантни танлаганини ўқитувчи текширади. Имкон қадар ўқитувчилар ўқувчиларнинг аксарияти энг кўп кутилган китоб билан ишлаш имкониятига эга бўлишига ҳаракат қилишади - бу биринчи вариант. Бунда улар ўзларининг касбий баҳоларига таяниб, ўқувчилардан қайси бири энг машҳур китобларни олишларини ҳал қилишлари мумкин.

Ҳар бир гуруҳда кузатув дафтари бўлиб, унга ўқувчилар муҳокама натижаларини ёзадилар. Агар хоҳласангиз, гуруҳлар дафтарларини ўқувчилар таниб олиш мумкин бўлган белгилар билан безашлари мумкин (китоб мавзуси бўйича, гуруҳ номи ва бошқалар). Адабий тўгаракнинг ҳар бир аъзоси ўзига тегишли ролни бажаради. Ўқувчилар ўзлари учун роль танлашлари ёки ўқитувчилар ўқувчиларни ўз танловига йўналтиришлари мумкин. Ушбу стратегия ҳақида кўпроқ маълумотни 5-бўлимдан «Бошланғич мактаб фанларида болалар китобларидан фойдаланиш» стратегиясидан олишингиз мумкин.

4.4.2 Овоз чиқариб ўқиш

Овоз чиқариб ўқиш бошқача тарзда модель ёки намунали ўқиш деб номланади. Бунинг тахминий изоҳи ўқитувчи ўқувчиларга китобни ифодали ўқиб беришидир. Овоз чиқариб ўқиш ўқувчиларга ўзлари мустақил ўқимаган китоблар ҳақида маълумотларни очиб беради. Ўқувчилар янги сўзларни ўрганадилар, нутқ ва мулоҳаза ҳамда фикрлаш қобилиятларини ривожлантирадилар ва мустақил ўқишга даъват этадилар. Чиройли овозда ифодали ўқиш ўқувчиларда китобга ва ўқишга бўлган муҳаббатни шакллантиради. Ушбу усулни нафақат ўқиш дарсларида, балки турли фанларни ўрганишда ҳам қўллаш мумкин.

Овоз чиқариб ўқиш учун китоб танлашнинг муҳим мезонларидан бири бу ўқишнинг мақсади. Ўқитувчи математика дарсида ўқувчиларни янги математик концепция билан таништириш учун, ватаншунослик дарсида эса ўқувчилар Қирғизистонда қиш қандай ўтаётганини яхшироқ англашлари ва тасаввур қилишлари ёки Қирғизистоннинг бир минтақаси вакилларининг ҳаёт тарзини тасаввур қилишлари учун китоб ўқиб бериши мумкин. Шунингдек, овоз чиқариб ўқиш ўқувчиларга янги тушунча стратегиясини ўргатиш ёки мукофотга сазовор бўлган муаллиф ёки болалар китоби билан таништириш мақсадида ташкил этилиши мумкин. Қуйида ўқувчиларга овоз чиқариб ўқиш учун китобларни танлаш мезонлари келтирилган. (Reading Rocket set al., 2016).

5-жадвал. Овоз чиқариб китоб ўқиш учун тавсия этиладиган танлов мезонлари

Синф	Мақсад	Китобларни танлашда нималарга эътибор бериш керак
1	Чиройли сўз оҳангига қизиқиш ва эстетик таассурот, лаззатланиш туйғусини шакллантириш	<ul style="list-style-type: none"> Бой тил - мураккаб мазмунга эга ва ўқувчининг ҳиссиётларига мурожаат қилган сўзлар ва сўз бирикмалари. Ўқувчиларни воқеа ривожини башорат қилишга ва кейинчалик нима бўлишини билишга ундайдиган мураккаб сюжетли ҳикоялар.

Синф	Мақсад	Китобларни танлашда нималарга эътибор бериш керак
		<ul style="list-style-type: none"> • 1-синф ўқувчилари билан тенг ёшдаги персонажлар иштирокидаги бадиий асарлар. • 1-синф ўқувчилари билан содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларга ўхшаш воқеаларни баён қиладиган асарлар. • ҳаяжонли фактларни ўз ичига олган илмий ва ўқув адабиётлари. • сўзлар ва товушлар ўйини қўлланиладиган кулгили ҳикоялар ва шеърлар.
2	Қизиқишларни ошириш, изланувчанлик қобилиятини пайдо қилиш	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларнинг ўхшаш қизиқишларга эга бўлган бир хил қўрқув ва хавотирни бошидан кечирган ўхшаш образлар акс этган китоблар. • Ўқувчиларни атоқли шахснинг таржимаи ҳоли; табиат, тарих ва илм-фан ҳақидаги ҳақиқий ҳикоялар билан таништирадиган китоблар. • Тасвирли китобларни ўқишдан матни кўп бўлган китобларни ўқишга ўтишни осонлаштирадиган расмли китоблар. • Турли хил персонажлар ва тафсилотларга бой расмли нашрлар.
3-4	Сўз бойлигини ошириш ва нутқни ўстириш, эмпатияни ривожлантириш	<ul style="list-style-type: none"> • Мунозарани осонлаштирадиган ва ўқувчиларга кундалик муаммоларини енгишга ёрдам берадиган мураккаб мавзуларни ўз ичига олган китоблар. • Персонажлари бўлган китоблар: ўқувчилар ўзларини улар билан айнан ўхшатишлари ва ўшаларнинг тажрибаларини ўрганишлари мумкин бўладиган китоблар. • Фаол мунозарани келтириб чиқарадиган ҳикоялар. • Билимларни бойитадиган ва атрофдаги мураккаб дунё ини акс эттирувчи расмли китоблар.

(Reading Rocket set al., 2016)

Ўқитувчиларга “Овоз чиқариб ўқиш” усулидан самарали фойдаланишда юқори даражада ёрдам берадиган фойдали маслаҳатлар қуйида берилган.

- ◆ Ўқувчилар ҳикоя, шеър ёки илмий матн билан танишишлари ва уни битта дарсда муҳокама қилишлари учун ўқитувчи ўқиш учун етарли вақт ажратиши керак.
- ◆ Тиниқ расмни, кучли сюжет чизиқли, жозибали персонажлар ва ёдда қоларли тилда китобларни танлаш тавсия этилади. Ўқувчилар, айниқса, кулгили асарлардан завқланишади. Шунингдек, синфда намойиш этилган турли хил (этник, оилавий, жамоавий ва ҳоказо) маданиятларнинг хусусиятларини очиб берадиган асарлардан фойдаланиш муҳимдир.
- ◆ Дарс олдидан ўқитувчи асарни бошидан охиригача ўқишни машқ қилиши, қаерда тўхтаб қилишни билиши, ўқувчиларнинг диққатини тортиш учун баланд овоз билан муҳим сўзларни ажратиб кўрсатиш, уларнинг саволлари ва қарши фикрларига тайёрланиб олиши муҳимдир.
- ◆ Ўқувчиларнинг эътиборини китобнинг муқоваси, номи ва муаллифига жалб қилиш ва ўқувчилардан ушбу китоб нима ҳақида бўлиши мумкинлигини, уларнинг ҳаётий тажрибалари ёки олдин ўқиган бошқа китоблари билан қандай боғлиқлигини сўраш тавсия этилади. Ўқитувчилар нима учун ушбу китобни танлаганларини қисқача тушунтириб беришлари мумкин. Агар ўқитувчи бир неча кун давомида айнан ўша китобни ўқишни давом эттирса, ўқувчилардан бир кун олдин нимани ўқиганлигини айтиб беришни сўрашлари мумкин.
- ◆ Ифодали ўқиш жуда муҳим: ўқувчининг овози воқеа оҳангини ёки персонажлар кечинмасини етказиши керак, ўқиш тезлиги жуда тез бўлмаслиги, муҳим фикрларга тўхтаб туриш кераклигини аниқлаш; қандай воқеа содир бўлаётгани ёки кейин нима бўлиши мумкинлиги ҳақида ўқувчилар фикрини сўраш керак.
- ◆ Ўқиш пайтида расмларни ўрганиш ва муҳокама қилиш учун вақт ажратиш, кўриб чиқиладиган китоб билан бошқа китоблар, ўқувчилар тажрибаси ёки фан бўйича ўқитиладиган мавзулар ўртасидаги алоқаларни кўрсатиш, шунингдек, асар қаҳрамонлари ва сюжети ҳақида саволлар бериш зарур. Агар ўқитувчи илмий-маърифий китобни ўқиётган бўлса, ўқувчилардан матндаги асосий ғоялар тафсилотларини қайд этишни сўраши мумкин. Ўқувчиларга турли хил маълумотлар бир-бири билан қандай боғлиқлигини кўришга ёрдам берадиган график ташкилотчини доскада яратишингиз мумкин. Ўқувчилардан ўқитувчи ўқиётган асар мазмуни ҳақида мулоҳаза юритишни сўраш муҳимдир. Ўқувчиларга ўқиган асаридан завқ олиш имкониятини бериш ва уларни мазмунли мунозараларга жалб этиш ўртасида мувозанатни сақлаш тавсия этилади.
- ◆ Ўқиш пайтида ўқитувчи ўқувчилардан уларнинг фикрига кўра кейин нима бўлишини сўраши, сўнгра воқеа ривожини бўйича ушбу тахминларни матн билан тасдиқлаши ёки қайта кўриб чиқишига ёрдам бериши мумкин. Фақат "тўғри" жавоблар эмас, балки турли хил ғоялар ва талқинларнинг қийматини белгилаш муҳимдир. Изоҳларни ёки ғояларни тўғри ёки нотўғри деб қабул қилиш ёки рад этиш ўрнига, қуйидаги изоҳлардан фойдаланиш тавсия этилади: *"Бу мумкин бўлган жавоблардан бири. Келинг, муаллиф нимани назарда тутаяётганини кўриб чиқайлик."*
- ◆ Ўқувчиларнинг зеркиш ёки чалкашлик аломатларини билдирувчи юз ифодаларини ва тана ҳаракатларини кузатиб бориш тавсия этилади. Бундай ҳолатлар юз берса ўқитувчи кейинги дарсда режани ўзгартириши, китобни алмаштириши ҳамда дарсга янада яхшироқ тайёрланиши лозим бўлади.

- ◆ Китобни ўқиб бўлгач, ўқувчилар ўқиган китоблари ҳақида ўз фикрларини билдиришлари учун вақт ажратиш керак. Тўғри ёки нотўғри жавоблар бўлмаган ва "ҳа" ёки "йўқ" сўзлари билан жавоб бериш керак бўлмаган очиқ саволлар беришингиз мумкин.
- ◆ Масалан, ўқувчилар китобдаги матнни нима учун ёқтириши (ёки ёқтирмаслиги), қаҳрамонлар ҳақида қандай фикрда эканлиги; муаммо қандай ҳал қилинганлиги, китобдан қандайдир бир ҳаётий тажрибаларни олдиларми ёки китоб ҳаётий тажрибалар ҳақида бошқа ўқувчиларга таниш бўлган китоблар ҳақида хотираларни уйғотдими ва шу кабилар.
- ◆ Ўқитувчи ўқувчиларда қандайдир ҳис-туйғуларни ёки ҳаёлий тасвопларни уйғотадиган қизиқарли ибораларни ёки парчаларни қайта ўқишни, уларнинг диққатини жалб қилган бошқа матнлар бор-йўқлигини сўраши мумкин.
- ◆ Ўқиган китоби нима ҳақида эканлигини ўқувчилардан сўраган ҳолда муҳокамага қатнашган ўқувчиларни рағбатлантириш зарур.

4.4.3. Китобхон кундалиги

Китобхон кундалиги – бу ўқувчилар томонидан ўқиганини тафаккур қилиш мақсадида китобхон тажрибаси ҳақида қайд этиб бориш. Китобхон кундалигининг улкан имкониятлари бўлиб, бошланғич мактабда ўқувчилар билан ишлашда фойдаланиш тавсия этилади. Китобхон кундалигини юритиш куйидаги имкониятларни беради:

- ◆ бу ўқувчиларни ўқиш жараёнига жалб этиш усули;
- ◆ кундалик ёрдамида ўқувчиларга китоб ўқиш маданияти сингдирилади;
- ◆ бу ўқиган асарингизга ёки ўзингиз ёқтирган китобга қайтиш, унутилганларни эслаш (воқеалар, қаҳрамонлар, сюжетнинг бориши) учун имконият;
- ◆ кундаликда китоб ҳақида шахсий фикрлар ёзуви қайд этилади;
- ◆ ёзма нутқнинг ривожланиши;
- ◆ бу ўқиш ва ёзишни интеграциялаш усули;
- ◆ кундалик билан ишлаш учун мактаб дастуридан ташқари синфдан ташқари ўқиш дастури ишлаб чиқилади ёки таклиф қилинади;
- ◆ бу а) ўқувчи – ўқувчи; б) ўқувчи – ота-она билан, в) ўқувчи – ўқитувчи билан, г) ўқувчи – кутубхоначи билан мулоқот қилиш имконияти;
- ◆ ўқувчи кундалиги ўқиш жараёни мониторингини амалга оширишга имкон беради; ўқиганлар асосида келгусидаги бошқа даражада бўлган, янада мураккаб китоб танланади;
- ◆ ўқувчининг кундалиги мустақил ўқишни рағбатлантиради: ўқувчилар синфда тақдим этилган матнни ўқиш стратегиясидан фойдаланадилар ва синфдан ташқарида ўқувчилар ушбу стратегияларни бошқа, янги матнларда қўллайдилар ва ўзларининг тажрибаларини китобхон кундалигига ёзадилар;
- ◆ кундаликни юритиш ўқувчиларни маълум бир жанрга, масалан, фантези (фантастик) ёки адабиётнинг илмий-маърифий жанрларига бўлган қизиқишида ёрдам бериши мумкин;

- ◆ кундаликни юритиш ҳар бир ўқувчининг мустақил ўқиш учун турли даража ва шаклдаги китоблардан фойдаланиш орқали ўқиш жараёнини индивидуаллаштиришга имкон беради.

Анъанага кўра, ўқувчи кундалиги кўпроқ синфдан ташқари ўқишни назорат қилишнинг шакли ҳисобланади, аммо ушбу кундалик ёрдамида боланинг билим доирасини кенгайтириш, ўқувчиларга ўқиш учун ўзлари хоҳлаган китобларни мустақил танлаш ҳуқуқини, ўқиганлари ҳақида фикрларини бошқалар билан бўлишиш имкониятини бериш мумкин. "Ўқиган китобни муҳокама қилиш нафақат унинг умумий маъносини шакллантириш, балки янги тушунчага эришиш имкониятини беради" (Чамберс, 2016). Марта Рейцес "Ўқувчи кундалиги" кўлланилишида ўқувчи кундалигини киритиш шаклини рангба-ранг қилишни, ёққан цитаталарни киритиш, севимли қаҳрамонларни чизиш, тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг луғатини тузиш, кроссворд ёки ментал харитани ўйлаб топиш, китобда айтиб ўтилган таом учун рецептни қидиришни, фанфик³ ихтиро қилишни таклиф қилади (Райцес, 2018). Китобхон кундалиги турлича бўлиши мумкин, қуйида бир нечта мисоллар келтирилади⁴:

- ◆ Кундаликка ўқилган китобларнинг рўйхати, шу жумладан китобнинг номи, муаллифи, жанри, нашр этилган йили, саҳифалар сони (бу 1-2 синф ўқувчилари учун муҳимдир) бўлиши мумкин, "ёқди" ёки "ёқмади" белгисини киритиш мумкин.
- ◆ Кундаликда ўқилган китобдан келтирилган кўчирмалар ҳақидаги қайдлар, ёқтириб қолган иборалар, китобхоннинг "йўғон" ва "ингичка" саволлари⁵, ўқилган китобга чизилган расмлар, ҳикоя харитаси (ким бош қаҳрамон, воқеалар қаерда ва қачон бўлиб ўтиши, воқеа қандай бошланиши, асосий муаммо ва унинг ечими, воқеа қандай тугаши) ва бошқалар ифодаланиши мумкин.
- ◆ Кундалик-визуализация ўқилганлар бўйича скетчлар, график ташкилотчилар, комикслар, манга кўринишида яратилиши мумкин.
- ◆ Ўқувчининг кундалиги битта китоб бўйича кундалик шаклида бўлиши ёки "қўлда ясалган" – оригами кўринишида, ҳунармандчилик, митти-китобчалар, панорамали китоб шаклида тақдим этилиши мумкин, яъни ўқувчилар ўқиган китоблари асосида ижодий маҳсулот яратадилар.
- ◆ Кундалик ўқилган асар бўйича ёзма ишлар тўплами бўлиши ҳам мумкин, бундай кундаликни юргизиш ёзма ижодий ишни ривожлантиришга ёрдам беради.

³ **Фанфик** (также **фэнфик**; от *англ.* *Fan* «поклонник» и *fiction* «художественная литература») — жанр массовой литературы, создаваемой по мотивам художественного произведения его поклонниками. Разновидность творчества поклонников популярных произведений искусства, так называемого фан-арта. См. Академик.URL: <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/71454>. Дата обращения 04.07.2020

⁴2020 йил 13 майда «Ўқувчининг китобхон кундалиги – шаҳар кутубхонасини мактабнинг таълимий фазосига киритиш усулими ёки миф» зоотинари доирасида МДУ ИСП ЛСКОПнинг етакчи илмий ходими п.ф.н. Е.С.Романичева замонавий китобхонлар кундаликларининг тадқиқот материалларини тақдим этди. МДУ ИСП ЛСКОМ мудири, к.п.н., Е.А.Асонова эса қатнашчилар муҳокамасига шаҳар кутубхоналарини мактаб таълимий фазосига лаборатория томонидан ишлаб чиқилган ресурсларни киритиш фоясини таклиф қилди. URL: http://www.chtenije.ru/2020/05/blog-post_7.html?fbclid=IwAR1_PTloTmEEkILd0VJWAgI7ZjA_RXrgb4ZBK1CptPd_C_e0uAX_LlaGiA. Манбага мурожаат қилинган сана 23.06.2020.

⁵ См. Пособия по критическому мышлению.

- ◆ Кундалик ўқувчи блоги кўринишида бўлиши мумкин, уни ўқувчи мактаб сайтида, ўқишга бағишланган махсус саҳифада ёки ижтимоий тармоқларда юритиши мумкин.

Қуйида ўқувчи кундалигини юритишга алоҳида мисоллар келтирилади.

Бир китоб учун тузилган кундалик. Бундай кундалик ўқиган китоб ҳақида турли хил шаклларда ифодаланган фикр ва ҳис-туйғуларни баҳам кўриш имкониятини беради: откритка, скетчбук, митти-китобчалар, плакат, постер, инсталляция (китоб ғоя ёки сюжетни очиб берадиган предметлар гуруҳи) кўринишидаги китоблар. Ушбу иш шакли ўқувчиларнинг ўзларига ёқадиган китобхон кундалигини танлаш имконини беради.

Коллектив ўқувчи кундалиги. Кундаликнинг ушбу шакли синфда "ўқиш девори" ни яратишни назарда тутаяди - бу ерда барча ўқувчилар ўз ишларини а) бир мавзу бўйича ўқилган турли хил китоблар, б) битта муаллифнинг бир қанча китоблари, в) ҳамма ўқиган битта китоб, г) бир хил жанрдаги турли хил китоблар, э) экранлаштирилган китоблар ва бошқалар. Шунингдек, синфда "ўқиш дарахтини" жойлаштириш мумкин, у ерда ўқувчилар ўзларининг фикрларини ўзларига ёққан ва синфдошларига тавсия қилган қоғозларга ёзишлари мумкин. Ушбу услуб Шунингдек, синфда "ўқиш дарахтини" жойлаштириш мумкин, у ерда ўқувчилар ўзларига ёққан китоблари бўйича ўз фикрларини ёзишлари, шунингдек, синфдошларига тавсия қилганликларини белгилаб ёзишлари мумкин. Ушбу услуб "Адабий квилт"⁶ деб ҳам номланади.

Ўқилган китобларни фикрлаш бўйича юргизилган коллектив иши синф журнали, китобхон газетаси, постер, плакат, буклет ёки брошюралар яратишга йўналтирилиши мумкин. Ўқувчилардан битта китоб, муаллиф, жанр ёки китоб шаклини реклама қилиб беришларини сўрашингиз мумкин.

Синфдан ташқари ўқиш кундалиги. Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда синфдан ташқари ўқиш дастурини (масалан, ёзги ўқиш) тузиши мумкин, ўқувчилар ўқиш кундаликларига ушбу дастур доирасида ўқиганларини ёзиб оладилар.

Ўқувчилар юргизаётган кундаликларда нафақат ўқиган китоблари ҳақида, балки ўқиш маданиятига оид бўлган ўз тажрибалари ҳақида ҳам қайд этишлари мумкин.

Ўқувчилар ўз шаҳридаги болалар кутубхоналарига қилган саёҳатларини ёки пойтахтдаги мактаб ўқувчилари учун К.Баялинов номли болалар-ўсмирлар кутубхонасида мунтазам равишда ўтказиладиган экскурсияларни кузатиш ёки адабий асар асосида яратилган спектакль ёки кинофильм ҳақидаги таассуротларни кундаликда акс эттириш мумкин.

Ўқувчи кундалиги турли шаклларда бўлиши мумкин: аудиоёзув, видео тақдимот, альбом, дафтар, қўл билан ясалган китоб ёки интернетдаги блог.

Қуйида ўқувчи кундалиги билан ишлашни ташкил этиш бўйича бир қатор тавсиялар берилган.

- ◆ Ўқувчилар ўқиш кундалигини юритишнинг мақсадини билишлари керак: кундалик нима учун керак, уни ким ўқийди, ўқувчи кундалигини юритиш натижасида нималарга эга бўлади.

⁶ Адабий квилт — бир бутун қилиб тўпланган ва битта мавзуга бирлаштирилган айрим майда қисмлардан таркиб топган маълумот стенди. Квилтда китобга берилган фикрларнинг шакллари мисоллар: коллаж, плакат, иллюстрациялар, фотосуратлар, расмлар, цитаталар, қайдлар, аннотациялар, мулоҳазалар, маслаҳатлар ва ш.к.

- ◆ Ўқувчилардан кундалик юритишнинг шаклини аниқлаш талаб қилинади: кундалик қандай бўлади, унга ёзувлар қандай, қайси вақтда қайд этилади, мунтазам давом этиши (дарсда, кутубхонада ёки уйда), кундаликни юритиш учун қандай материаллар керак (албом, катта ҳажмдаги дафтар, фломастерлар, хариталар ва бошқалар).
- ◆ Ўқувчи кундалиги муқовасига маълумотларни ёзиш тавсия этилади: ўқувчининг фамилияси, исми, синфи, мактаб номери ёки номи, кундалик юритган йили ва ҳ.к.
- ◆ Дастлаб кундалик тузилишини ўйлаб кўриш муҳим. Ўқувчи ёзувларни юритадиган битта структурани белгилаб олиши ёки турли хил тузилмалардан фойдаланиши мумкин. Масалан, битта китобни БИО стратегияси, иккинчисини Венн диаграммаси, учинчисини ҳикоя харитаси ва бошқалар билан таҳлил қилиш мумкин. Ўқувчи кейинги китобни ўқиб бўлгач, жавоб берадиган саволларини шакллантириб олиши мумкин. Масалан:

Бу китоб _____ ҳақида.

Уни ўқиб чиқиш зарур, чунки _____

Ўқиб бўлгандан сўнг _____ тушундим.

Қуйидагиларни ҳис қилдим _____, шундай қилдимки

Энг зўр цитата ёки етук бўлак _____

Яна сиз қуйидагиларни билиб оласиз

- ◆ Ўқувчилар ўз кундалигини тўғри тўлдиришни, ёзувда турли услуб ва жанрлардан фойдаланишни, матнни тузиш ва таҳрир қилишни ўрганишлари керак (қ. Модул 4. Бошланғич мактабда ижодий ёзишни ривожлантириш ва Модул 5. Бошланғич мактабда кундалик ёзув). Ёзувлар яратиш жараёнида ўқувчилар нафақат матндан, балки диаграммалар, фотосуратлар, расмлар, хариталар ва ҳ.к. (қ. Модул 2. Предмет ва тилни интеграциялаб ўқитиш) фойдаланадилар.



Резюме

Болалар китоблари ва ўқувчиларнинг дарсдаги ўқув машғулоти турли фанларда - математика, ватаншунослик, турмуш хавфсизлиги асослари, тасвирий ва бадиий ижодкорлик билан интеграцияланиши ўқитувчиларга ўқувчиларни янги тушунчалар билан таништиришга ва ўқувчиларнинг ўзлари ўрганаётган нарсалар ҳақидаги тушунчаларни чуқурлаштиришга ҳамда кенгайтиришга ёрдам беради. Болалар китоби ўқувчиларга уларни қуршаб турган дунё билан ўрганаётганлари ўртасидаги муносабатларни ўрнатишга ёрдам беради.

Диққат билан танланган китоблар математикага ижобий муносабатни ва математик фикр юритиш қобилиятини ривожлантиради. Болалар адабиёти дарс мавзуларини долзарб ва қизиқарли қилишга имкон беради.

Ўқитувчиларга болалар адабиёти ва предмет мазмунини интеграциялаш учун фойдаланиши мумкин бўлган уч хил стратегия таклиф этилади. Бу «Адабий тўгараклар», ўқитувчининг овоз чиқариб ўқиши ва ўқувчи кундалигини юритиш. Адабий тўгаракларни ташкил этиш учун ўқитувчилар ўқувчиларга ҳар бири бир неча нусхалардан иборат бўлган турли хил китобларни танлаш имкониятини беради.

Ўқувчилар ўзлари ўқишни хоҳлаган китобларни танлайдилар, гуруҳлар тузадилар, ўзлари учун ролларни танлайдилар, асарни ўқийдилар ва муҳокама қиладилар.

Овоз чиқариб ўқиш ўқитувчиларга ўқувчиларни янги мавзулар билан таништиришга ёрдам берадиган намунали ўқишни намойиш этишдир.

Ўқувчиларга овоз чиқариб ўқиб беришда ўқитувчилар ўқишнинг мақсадидан келиб чиқиб вақтни ўринли тақсимлайдилар: ўқувчиларга ифодали ўқишни тинглаш имконини берадилар, шунингдек, дастур мазмунини ўзлаштириш учун зарур бўлган асарлар муҳокамасида қатнашишга шароит яратадилар.

Ўқувчи кундалиги бу ўқиганларини қайд этиш бўлиб, турли мавзу, жанрлар, бошланғич мактабнинг барча предметлари бўйича форматлардан фойдаланиш бўлиши мумкин.





5-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА ПРЕДМЕТЛАРНИ ЎРГАНИШДА БОЛАЛАР КИТОБИДАН ФОЙДАЛАНИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

? Йўналтирувчи савол

- ◆ Ўқувчилар турли фанлар бўйича маълум бир мавзунини ўрганишлари учун болалар китобларидан қандай фойдаланишлари керак?

Ушбу бўлимда бошланғич мактабдаги турли фанлар бўйича ўтиладиган дарсларда болалар китобидан фойдаланишнинг бир қатор мисоллари келтирилади. Мисоллар стратегия кўринишида бўлиб, улар маълум бир мавзуларни ўрганишда, китоб ва матн билан танишишда ёки бутун дарсни ўтишда қўлланилиши мумкин бўлган аниқ кўрсатмалар қатори берилган. Бу стратегиялар Америка педагогик адабиётида бошқача тарзда “эскиликлар” – ҳар ким қандай жавобгарликни ўташи ҳақида ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам (улардан мунтазам фойдаланиш сабабли) хабардор бўлишини таъминлайдиган такрорланувчи ҳаракатлар, машқлар, топшириқлар, жараёнлар деб аталади. Бу ўқувчилар имкониятларини ошириш, уларнинг потенциалини очиш имконини беради.

Ҳар бир стратегия бошида ўқитиш жараёнида айнан нимани: мазмунни (дастурни), ўқитиш жараёнини (усуллар, машқлар, топшириқларни), ўқувчилар қизиқишини оширишга ёрдам берувчи муҳитни ёки баҳолаш ҳажмини дифференциациялаш муҳимлиги кўрсатилади. Шунингдек, стратегиядан фойдаланишда амалга ошириладиган универсал дизайн тамойилига эътибор бериш таклиф қилинади.

Ҳар бир стратегияда ўқитиш мақсади, ўқитиш синфи кўрсатилади, ўқитишнинг кутилган натижалари аниқланади, стратегиядан фойдаланиш учун зурур бўлган материаллар рўйхати ва синфда ишлашни ташкил қилиш шакли таклиф қилинади. Сўнг стратегиядан фойдаланишнинг қадам-бақадам бажариладиган иш тартиби тавсифланади. Тавсифлаш баҳолаш дифференциацияси бўйича тавсиялар билан яқунланади.

Таклиф қилинган стратегиялар Қирғизистон Республикаси умумтаълим мактабларининг давлат таълим стандартини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган.

“Адабий тўғараклар” стратегияси айнан бир китоб билан ишлашнинг турли услубларини кўзда тутадиган жавобгарликка ёки маълум ролларга мувофиқ китоб билан ишлайдиган ўқувчилар гуруҳларини шакллантиришга йўналтирилган. Ўқиганни жамоада ҳар томонлама муҳокама қилиш китобни тушунишни кенгайтиришга имкон яратади. Бу стратегия нафақат ўқиш дарсларида, балки аниқ бир фаннинг маълум бир мавзуси бўйича китоблар муҳокамаси учун қўлланилади.

Бу бўлимда таклиф қилинган иккинчи стратегия – “Интерфаол ўқиш” стратегиясидир. Китобни бундай ўқиш жараёнида ўқитувчи ўқиётганида тўхтади ва ўқувчиларга ўқиладиган матн маъносини ойдинлаштирувчи саволлар беради. Интерфаол ўқиш янги мавзунини тўлиқ ўзлаштириш учун ўқувчиларни жалб қилишга ёрдам беради.

“Сонлар қаторини ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилиши учун болалар адабиётдан фойдаланиш” стратегияси математикани ўрганиш учун қўлланилади. У ҳам илмий-марифий, ҳам бадиий матнлардан фойдаланишни кўзда тутиб, улар ёрдамида ўқувчилар математиканинг ҳаётда қанчалик муҳим ва нақадар

қизиқарли фан эканлигини кўрадилар. Бу стратегия болаларга тушунарли бўлган матндан фойдаланиш ёрдамида математик амалларни тушунтиришга имкон беради.

Юнон файласуфи усули шарафига номланган “Суқрот семинари” стратегияси дарсда ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзунини чуқурроқ тушуниши мақсадида ўқиганни структуралаштириб муҳокама қилишни ташкил қилиш имконини беради. Муҳокама саволлар қўйиш ва уларга жавоб қидиришга асосланади, муҳокама жараёнида ўқувчилар мавзу бўйича нималарни билиши ва нималарни ҳали билмаслиги ойдинлашади. Бу стратегияни қўллаш пайтида ўқувчилар иккита доира: ташқи – кузатувчилар ва ички – мунозара қилувчилар доирасини ташкил қиладилар. Улар муҳокаманинг биринчи даврасидан сўнг ролларини ўзгартирадилар.

Ушбу рўйхатдаги якуний стратегия расмли нашрлар орқали турли-туманлик масалалари муҳокамасига йўналтирилган, чунки улар бу вазифани ҳал қилиш учун фойдали ресурс бўлиб ҳисобланади. Расмли нашрларда турли-туманлик феноменини визуаллаштириш, китобхонга маълум бир образларни етказиш имконини берувчи ҳар хил дизайнерлик услублари ишлатилади. Бу образларни талқин қилиш ўқувчиларга ўзини ва атроф-муҳитга ўз муносабатини чуқурроқ тушуниш имконини беради. Бу стратегия алгоритмидан болалар адабиётини ёрдамида ҳар қандай ўрганилаётган мавзунини унумли муҳокама қилишда фойдаланиш мумкин, шу билан бирга, бу иш учун тўғри келадиган китобни танлаш муҳим.

5.1. “Адабий тўгараклар” стратегияси

“Адабий тўгараклар” стратегияси кичик гуруҳда муҳокамани ифодалайди, унда ҳар бир иштирокчи маълум бир ролни бажаради, бу бир вақтнинг ўзида турли ёндашувлар: визуаллаштириш, умумлаштириш, таққослаш, ўқилган матннинг ҳаётий тажриба билан алоқаси, сўз бойлигини кенгайтириш ва бошқалардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга ўқиганни тушуниш имконини беради.

- ◆ Дифференциация: мазмун, таълим жараёни, ўқув муҳити.
- ◆ Таълимнинг универсал дизайни: ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш, таълим натижаларини намоиш қилиш.

Таълим мақсадлари

- ◆ Ўқиганни тушуниш стратегияларидан фойдаланиш малакаларини ошириш: умумлаштириш, саволлар қўйиш, матндаги янги ва муҳим сўзлар маъноларини қидириш, ўқувчиларнинг ўқиб чиқилган китоб ёки матн бўйича фикри;
- ◆ Ўрганилаётган мавзу билан ўқиганнинг мазмуни ўртасидаги боғланишни аниқлаш.

Таълимнинг кутилган натижалари

- ◆ Ўқувчилар асарнинг сюжетини аниқлашади.
- ◆ Ўқувчилар ўрганилаётган мавзуга тегишли муҳим маълумотни топишади.
- ◆ Ўқувчилар матндан далилар келтириш орқали ғояларини асослашади.

- ◆ Ўқувчилар китобда баён қилинган ғоялар ва ҳодисалар билан мавзунини ўрганиш жараёнида муҳокама қилинган тегишли мавзу ёки ғоя ўртасидаги боғлиқликни аниқлайлар.
- ◆ Ўқувчилар контекстуал маълумот ва ресурслардан, масалан, матннинг муҳим сўзларининг маъносини аниқлаш мақсадида луғатдан фойдаланадилар.
- ◆ Ўқувчилар синфдошлари билан бирга (кичик гуруҳларда) ишлайдилар.

Тавсия қилинган синф: 1-4.

Зарурий материаллар: матннинг 6та нусхаси (намунаси).

Синфда ишни уюштириш шакли: кичик гуруҳларда.

Стратегияни қўллаш тартибининг тавсифи

Стратегияни қўллашдан аввал

Ўқитувчилар барча ўқувчиларининг кичик гуруҳлардаги синфдошлари билан биргаликда ишлашга тайёрлигига ишонч ҳосил қилишлари керак, жумладан, ҳар бир ўқувчи ўз билимлари учун жавобгарликни англаши ва бошқа синфдошларини улар бир гуруҳда ишлаш орқали қўллаб-қуватлаши керак (Томпкинс, 2017).

Бу стратегия қўлланиладиган дарс бошланишидан олдин ўқитувчи қуйидагиларни тайёрлаб қўйиши зарур:

- ◆ Ўрганилаётган мавзу бўйича 5-7та китоб мажмуини, ҳар бир китобнинг бтадан нусхасини (агар ҳар бир китобнинг керакли сондаги намунаси нақд бўлмаса) тайёрлаши муҳим.
- ◆ “Адабий тўгараклар” стратегияси билан ишлаш режасини (бу деворий плакат, PowerPoint тақдироти ёки стратегиянинг алоҳида варақдаги ёзма тавсифи бўлиши мумкин) тайёрлаши керак. Ўқувчилар стратегиянинг қадам-бақаддам тавсифини стратегияни қўллашдан олдин ҳам, топшириқ давомида ҳам кўришлари муҳим.
- ◆ “Адабий тўгараклар” стратегияси билан ишлаш жараёнида ролига қараб белгиланган роллар ва вазифаларнинг тавсифлари кўрсатилган жадвал ёки схема.
- ◆ Ҳар бир ўқувчи ўз ролини танлаш имкониятига эга бўлиши керак, шунинг учун роллар рўйхати ва улар тавсифи синфда доскага ёки деворга жойлаштирилади. Бу маълумотни барчага кўринадиган жойга жойлаштирган ҳолда, ўқитувчилар ўқувчиларга нафақат роллар билан танишиш ва ўз ролини танлаш имкониятини, балки иш жараёнида, улар ўз вазифасини тўғри бажараётганига ишонч ҳосил қилиш учун текшириб кўриш имкониятини ҳам беради.

“Адабий тўгараклар” стратегияси бўйича ишлаш жараёнида ўқувчиларнинг мумкин бўлган роллари.

РОЛЬ	ЖАВОБГАРЛИК
Муҳокама модератори	Модератор муҳокамани бошқаради ва гуруҳга берилган топшириқни бажаришга ўқувчиларни йўналтиради. Муҳокамани мақсадга мувофиқ олиб бориш учун модератор гуруҳга қуйидаги саволларни бериши мумкин:

РОЛЬ	ЖАВОБГАРЛИК
	– Ўқиб чиқилган асарнинг асосий ғояси (бош фикри) қандай? У нима ҳақида ўйлашга мажбур қилади? – Ушбу асарни ўқиш жараёнида қандай саволлар туғилади?
Эпизодлар ⁷ таҳлили устаси	Ўқувчи муҳим аҳамиятга эга бир неча парчани (ёки асар парчаси) танлаб олади ва бутун матнни ва танлов сабабини тушунишлари учун уларнинг мазмуний аҳамиятини тушунтиради.
Сўз устаси	Ўқувчи матндан 4-6та муҳим бўлган ёки нотаниш сўзларни топади ва луғатдан фойдаланиб уларнинг маъносини аниқлайди. Сўзнинг айнан матнга тўғри келадиган маъносини топиш муҳим. Ўқувчи сўзнинг турли маънолари ҳақида қизиқ маълумотларни ҳам топиши ва уни гуруҳга кўрсатиши мумкин.
Алоқа устаси	Ўқувчи ўқигани ва ўз ҳаётини тажрибаси ўртасида алоқа ўрнатади ёки ўқилган китобни ўзи аввал танишган бошқа китоблари билан қиёслади.
Умумлаштириш устаси	Ўқувчи ўқиганини яқунлайди (умумлаштиради) ва бутун гуруҳга китобнинг, матннинг асосий ғояларини тақдим этади. Муҳокамани тайёрланган хулосани овоз чиқариб ўқишдан бошлаш мумкин.
Иллюстратор (безовчи рассом)	Иллюстратор ўқилган матн бўйича расм ёки схемалар чизади ва уларни гуруҳга намойиш қилади. Иллюстратор расмларни тушунтиргунча гуруҳ уларни муҳокама қилади.
Тадқиқотчи	Тадқиқотчи матнни тушуниш керак бўлган маълумотни қидиради: бу китоб, муаллиф ёки китобда очиб берилган мавзу ҳақидаги маълумотлар бўлиши мумкин. Маълумот излаш учун ўқувчи Интернет булоқларига мурожаат қилиши, турли қўшимча адабиётлардан (энциклопедия, луғат) маълумот текшириши, китоб ёки матн мавзуси билан боғлиқ билим ёки тажрибага эга бўлган шахс билан суҳбат ўтказиши мумкин.

Ишни ташкил қилиш учун барча китобларни ўқувчилар ўзларига зарур бўлганини танлай оладиган, уларга яхши кўринадиган қилиб жойлаштириш зарур. Барча “адабий тўғараклар” ишлаши мумкин бўлган жойларни аниқлаб қўйиш муҳимдир.

Стратегияни қўллаш пайтида

Кичик гуруҳлар:

- ◆ **1-қadam.** Ўқитувчи ўқувчиларга китоблар мажмуасини тақдим қилади ва ўзларига зарур бўлган китобни танлашлари учун уларнинг ҳар бири билан танишиб чиқишни ўқувчиларга таклиф қилади. Ўқувчилар таклиф қилинган учта

⁷Эпизод – бу асардаги воқеанинг қандайдир тугал пайтини, вақт бўйича яқунланган воқеани акс эттирган асарнинг нисбатан бутун ва мустақил қисми (парчаси).

вариантдан биттасини танлаши мумкин. Шундан сўнг ўқувчилар ўқитувчига ўзлари танлаган китобини айтадилар.

- Ўқитувчи танланган китоб бўйича ўқувчилар гуруҳларини тузади. Айнан бир китобни танлаган ўқувчилар битта гуруҳ аъзолари бўладилар. Агар ўқувчиларнинг аксарияти айнан бир китобни танлаган бўлсалар, улар эътиборини бошқа китоб вариантларига қаратиш мумкин. Ҳар бир ўқувчи танлаган китоби билан танишаётганда ўқитувчи гуруҳлар тузади, бунга 10 дақиқа кетиши мумкин. Агар китоб билан танишишга кўпроқ вақт кетса, кейинги қадамни бошқа дарсга кўчириш мумкин.
- ◆ **2-қадам.** Ўқувчилар ўз гуруҳларида ишлай бошлайдилар. Гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи ўзига роль танлайди.
- ◆ **3-қадам.** Ўқувчилар матн мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ёки жуфтликда танланган китобни (ёки китобнинг ўқитувчи таклиф қилган саҳифаларини) ўқийдилар ва шундан сўнг танланган ролга мувофиқ топшириқни бажарган ҳолда муҳокамага тайёрланадилар.
- ◆ **4-қадам.** Ўқувчилар ўқиган китобларнинг муҳокамасини бошлайдилар (бу тахминан 20-30 дақиқага чўзилиши керак). Муҳокамани модератор бошлайди. Ҳар бир ўқувчи танланган ролга мувофиқ бажарилган топшириқни кўрсатади.
- ◆ **5-қадам.** Заруриятга қараб ўқитувчи ўрганилаётган мавзу, ўқиш стратегияси ва бошқалар бўйича кичик дарс ўтказади.
- ◆ **6-қадам.** Агар зарур бўлса, ўқитувчи 3-4 ва 5-қадамни ўқувчилар китоб билан танишишни ва муҳокамани якунламагунларича такрорлашни давом эттираверади.
- ◆ **7-қадам.** Ўқувчилар синфдошлари билан ҳар бир “адабий тўғарак”даги бажарилган топшириқ муҳокамаси ёки тақдимоти орқали ўқиб чиққанлари билан ўртоқлашади (Томпкинс, 2017). Ўқитувчи гуруҳлардаги иш натижаларини ўқувчилар билан ҳар бир ўқилган китоб ўрганилаётган мавзунини тушунишда қандай аҳамиятга эга эканлигини муҳокама қилган ҳолда чиқаради.

Стратегияни қўллагандан сўнг

Уй вазифаси. Ўқувчилар ўқитувчининг топшириғи бўйича айрим саҳифаларни (ҳикоянинг давоми ёки кейинги матнни) ўқиб чиқишлари мумкин.

Баҳолаш. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг “адабий тўғараклар” даги эришган ютуқларини кузатиб борадилар, ўқувчилар томонидан гуруҳда танлаган ролларини бажариш даражаси, муҳокамада қатнашиш даражаси, гуруҳдаги фаоллиги ва ўқиганини тушунишни чуқурлаштириш даражасини баҳолаш учун мониторинг ўтказадилар. Иш якунида ўқувчилар ўз-ўзини баҳолаш варағини тўлдирадилар (қаранг: Ўз-ўзини баҳолаш варағи).

Ўз-ўзини баҳолаш варағи			
Ўқувчининг исми _____			Сана _____
	Мен топшириқни аъло даражада бажардим. ★ ★ ★	Мен топшириқни яхши бажардим. ★ ★	Мен яхшироқ бажара оламан. ★
Мен керакли китобни ўқиб чиқдим.			
Мен ўз ролимни бажардим.			
Мен муҳокамамизни қизиқарли бўлишига ёрдам бердим.			
Мен бугун билиб олдим:			
Мен тушунмадим:			

Баҳолаш вариантлари

- ◆ Ўқиш қобилияти паст ўқувчилар. Бундай ўқувчиларга ўқитувчилар адабий тўғаракларда муҳокама модератори ролини, безовчи рассом ёки алоқа устаси ролларини таклиф қилиши мумкин. Агар тўлиқ матн ёки китобни ўқувчилар учун қийин бўлса, ўқитувчи матннинг фақат бир қисмини ўқиб беришларини сўрайди.
- ◆ Ўқиш қобилиятлари шаклланганлигини намойиш қилган ўқувчилар. Ўқитувчилар бундай ўқувчиларга адабий тўғаракда мустақил равишда роль танлашни таклиф қилиши мумкин.

5.2. “Интерфаол ўқиш” стратегияси

Ўқитувчи синфга матнни овоз чиқариб ўқиб бераётганда ўқувчилар уни диққат билан тинглаши зарур, бунда нафақат ўқитувчи ўқиётгани, балки у буни қандай қилаётгани жуда муҳим. Интерфаол ўқиш ўқувчиларни ўқитувчининг бутун синфга китобни ўқиши ва китоб нима билан боғлиқлигини муҳокама қилиш жараёнига жалб қилишга йўналтирилган.

Муҳокама ўқитувчи китобни ўқиш пайтида ўқувчиларга берадиган саволлар ёрдамида амалга оширилади. Ушбу саволлар бир тизимга ва қатъий кетма-кетликка эга. Қуйида ўқитувчи китобни овоз чиқариб ўқиётганида ўқувчиларга бериладиган саволларнинг мақсадидан келиб чиқиб, ўқиганни чуқурроқ тушуниш ҳамда ўқиш жараёнида йўл-йўриқлардан ва кўрсатмалардан фойдаланиш учун “Йўл кўрсатиш, баҳолаш, кенгайтириш, рағбатлантириш” ва “Йўл-йўриқлар” номли интерфаол ўқиш стратегиялари кўрсатилган.

- ◆ Дифференциация: таълим жараёни, ўқув муҳити.
- ◆ Таълимнинг универсал дизайни: ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш.

Таълим мақсадлари

- ◆ Ўқиганни тушуниш малакаларини ошириш.
- ◆ Сўз бойлигини ошириш.
- ◆ Саволларга берилган жавобларни шакллантириш қобилиятига ўргатиш.
- ◆ Матн ва расмлар ўртасидаги алоқани аниқлаш.

Таълимнинг кутилган натижалари

- ◆ Ўқувчилар китобдаги муҳим маълумотни аниқлашади.
- ◆ Ўқувчилар саволларга жавоблар учун матн композициясидан ва нутқ услубидан фойдаланадилар.
- ◆ Ўқувчилар ўқиганларини ҳаётий тажрибалари билан боғлайдилар.
- ◆ Ўқувчилар саволларга жавоб беришда янги сўзлардан фойдаланадилар.

Тавсия қилинган синф: 1–2

Керакли материаллар: дарс мавзуси билан боғлиқ бўлган китобнинг (агар иложи бўлса) бир неча нусхаси (китоб матни ортиқча узун, шу билан бирга ортиқча қисқа ҳам бўлмаслиги керак), китоб матни расмлар билан бирга берилиши керак.

Синфдаги ишни ташкил қилиш шакли: бутун синф

Стратегияни қўллаш тартибининг тавсифи

Стратегияни қўллашдан аввал

Ўқитувчи қуйидагиларни тайёрлаб қўйиши керак

- ◆ Ўрганилаётган мавзу қамраб олган, ўқувчиларнинг ўқиш қобилиятларига мос келадиган китоблар.
- ◆ “Йўл кўрсатиш, баҳолаш, кенгайтириш, рағбатлантириш”⁸ ва “Йўл-йўриқлар”⁹ стратегияларига мувофиқ маълум бир кетма-кетликдаги саволлар тизими.

“Йўл кўрсатиш, баҳолаш, кенгайтириш, рағбатлантириш” стратегиясидаги саволлар кетма-кетлиги

Йўл кўрсатиш: ўқитувчи ўқишни йўлловчи саволдан бошлайди, бу ўқувчиларни ўқишга жалб қилиш, уларнинг эътиборини ўқилаётган китобга қаратиш имконини беради, бу китоб нима ҳақида бўлишини тушунишга ёрдам беради. Ўқитувчи ўқувчилардан китоб номини аниқлашни илтимос қилиши, ўқувчилар эътиборини расмларга қаратишни ёки биринчи гапни ўқиб бўлгач, бу китоб нима ҳақида эканлиги бўйича уларда қандай тахминлар борлигини сўраши мумкин.

Баҳолаш: ўқитувчи ўқувчилар жавобини: “Ҳа”, “Тўғри”, “Албатта”, “Қўшиламан/Қўшилмайман” каби сўзлар билан тасдиқлайди ёки “Сизнинг ҳақлигингизни келинг, кўриб чиқамиз” деб баҳолайди.

⁸ Инглизча версияда бу стратегия PEER дейилади: P–prompt (йўл кўрсатиш, айтиб бериш), E–evaluate (баҳолаш), E – expand (кенгайтириш), R- respond (жавоб бериш, фикр билдириш).

⁹ Инглизча версияда бу стратегия CROWD дейилади: C – complete (гапни тугатиш), R- recall (эшлаш), O – open-ended prompt (очиқ йўл-йўриқлар), W – What, When, Where, Why questions (“Нима?”, “Қаерда?”, “Қачон?” ва “Нега?” саволлари), D- distancing (матндан узоқлашиш).

Кенгайтириш: ўқитувчи ўқувчилар жавобини шарҳлайди ва ўқиганни чуқурроқ тушуниш учун маълумот қўшади.

Рағбатлантириш: ўқитувчи олинган янги маълумот ўқувчилар томонидан такрорланишини рағбатлантиради. Бу ўқувчилар янги маълумотни ўзлаштирганини аниқлаш учун амалга оширилади.

“Йўл-йўриқлар” стратегиясида саволлар кетма-кетлиги

“Жумлани тугатиш” йўл-йўриғи: ўқитувчи жумлани ўқишни бошлайди, лекин ўқувчиларга жумлани ўзлари яқунлаши учун имкон қолдиради.

Масалан, ўқитувчи ўқийди: *Баҳор ҳавоси тоза ва мусаффо. Яқинда дарахтлар ... чиқаради*”, ўқувчилар жавоб беришади: *“Япроқ”*. Ушбу топшириқ шеърий матнларда ёки такрорланувчи иборалар мавжуд бўлган жойларда қўлланади.

Топшириқни бажариш ўқувчиларга берилган матнда қайси нутқ услубидан фойдаланилишини аниқлашга имкон беради, бу эса кейинги ўқиш учун муҳимдир.

“Ҳамма нарсани эслаш” йўл-йўриғи: ўқитувчи ўқувчиларга китоб ёки матнни ўқиб бергандан сўнг, ўқиганни эслаб қолишга ёрдам берадиган саволлар беради: *“Воқеа қандай бошланган эди? Кейин нима рўй берди? Воқеа қандай тугади?”*

Очиқ йўл-йўриқлар: ўқитувчи ўқувчилар эътиборини китобдаги расмларга қаратади, сўнгра ўқувчиларга саволлар беради: *“Айтингчи, Сиз расмда нималарни кўряпсиз?”, “Расм нимани англатади?”* Бу ўқувчиларга ўз фикрларини анча эркин ифода этишга имкон беради.

“Нима? Қаерда? Қачон” йўл-йўриғи: бу саволлар янги сўзларни ўзлаштиришга ёрдам беради ёки матндаги муҳим тафсилотларга ўқувчилар эътиборини қаратиш имконини беради. Ўқитувчи ўқувчилар учун янги бўлган сўзни ўқиб бўлгач, гап қачон, қаерда, нима ҳақида эканлиги, гапдан қандай фойдаланаётгани юзасидан қандай тахмин бор борлиги ҳақида сўраши мумкин.

“Ҳақиқий ҳаёт билан алоқа” йўл-йўриғи: ўқитувчи китобдаги ўқиладиган матн мазмуни билан ўқувчиларнинг ҳақиқий ҳаётида рўй бераётган ҳодисалар ўртасида алоқа ўрнатади. Бу ерда ўқувчиларнинг нималар ҳақида гапираётганини диққат билан тинглаш ва уларнинг нутқини ривожлантириш, сўзлаш қобилиятини рағбатлантириш, ўқиганлари билан ҳаётий тажрибалари ўртасида алоқа ўрната олиш муҳимдир.

Стратегияни қўллаш пайтида

- ◆ **1-қадам.** Ўқитувчи дарснинг мақсади (дарс қисмлари), ўқувчилар нималарни билиб олиши, ўқитувчи синф билан қандай ишлашини, саволлар беришини, ўқувчилар эса уларга жавоб беришини тушунтиради.
- ◆ **2-қадам.** Ўқитувчи ўқувчиларга “Йўл кўрсатиш, баҳолаш, кенгайтириш, рағбатлантириш” ва “Йўл-йўриқлар” стратегиялари ҳақида айтиб беради.
- ◆ **3-қадам.** Ўқитувчи китоб ҳақида олдиндан маълумот беради .
 - Ўқувчиларни китоб номи билан таништиради, муаллифи ва расмони ҳақида айтиб беради.
 - Ўқувчилар билан китоб ҳақидаги мавжуд бўлган дастлабки маълумотни муҳокама қилади.
 - Ўқувчиларга китоб нимани баён қилиши ҳақида тахмин қилиш имкониятини беради.

- ◆ **4-қadam.** “Йўл кўрсатиш, баҳолаш, кенгайтириш, рағбатлантириш” ва “Йўл-йўриқлар” стратегияларидан фойдаланган ҳолда китобни ўқувчиларга овоз чиқариб ўқиб беради.

Стратегияни қўллашдан кейин

Уй вазифаси: ўқитувчи ўқувчиларга ўқилган китоб ёки матн учун “ингичка” ва “йўғон” саволларини ёки “Блум мойчечаги”¹⁰ саволларини тузишни таклиф қилади.

Баҳолаш. Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини диққат билан тинглайди ва уларга яхшироқ жавоб беришга ёрдам берадиган кейинги савол турини аниқлайди.

Баҳолаш вариантлари

- ◆ Ўқиш қобилияти паст ўқувчилар: ўқитувчи ўқувчилар учун қийин бўлган саволларни такрорлайди ё уларни ўзгартиради, ёки матнни қайта ўқийди.
- ◆ Ўқиш малакалари яхши шаклланган ўқувчилар: семантик тахминни аниқлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш (“Нима учун?”) бўйича саволларни бериш ва баҳолаш ҳақида фикр-мулоҳазаларини сўраш.

5.3. “Ўқувчилар томонидан сонлар қаторини ўзлаштириш учун болалар адабиётидан фойдаланиш” стратегияси

Математик тасаввурлар (миқдорий ва макон муносабатларни ўрнатиш, тавсифлаш, моделлаштириш ва тушунтириш) нуқтаи назаридан атроф-муҳитни англаш учун зарур бўлган кетма-кет ва фазовий муносабатлар иштирок этган болалар адабиётини ўқиш. Бундай ҳикоялар ўқувчиларга сонлар қаторини, яхшироқ тушунишга, математик масалани ечиш ёки сонларни таққослаш учун рақамлар бўйлаб ҳаракатланишга ёрдам беради.

- ◆ Дифференциация: ўқув муҳити.
- ◆ Таълимнинг универсал дизайни: таълим натижаларини намоён қилишнинг турли услублари.

Таълим мақсадлари

- ◆ Ўқувчилар “гача ва кейин”, “орқага ва олдинга”, “кейин нима бўлади” сўзларининг маъноларини тушунишни ривожлантирадилар.
- ◆ Ўқувчилар сонлар қаторида сонлар қандай жойлашгани ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун, китобдаги воқеалар бир-биридан қанчалик узоқлигини тушунганларидан фойдаланадилар.

Таълимнинг кутилган натижалари

- ◆ Ўқувчилар (“гача ва кейин”, “орқага ва олдинга”, “кейинги”) кетма-кетликни аниқлаш учун математик тушунчадан фойдаланадилар.
- ◆ Ўқувчилар масаларни ечиш, сонларни таққослаш, сонлардаги тафовутни тушуниш учун рақамли нур (қатор) бўйлаб ҳаракатланиш йўналишини аниқлаш учун фазовий тасаввурдан фойдаланадилар.

¹⁰ Қаранг: “Ўқиш ва ёзиш орқали танқидий тафаккурни ривожлантириш” дастурининг усуллари ва йўллари

Тавсия қилинган синф: 1–4

Зарурий материаллар: воқеаларнинг кетма-кет баёни бўлган бадиий ва илмий-маърифий адабиёт, ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳи учун асарда рўй бераётган воқеалар тасвири туширилган карточкалар тўплами (тўпламлар ўқитувчи синфдаги ўқувчиларнинг кичик гуруҳларини қанча тузса, шунча бўлиши керак).

Синфда ишни уюштириш шакллари: бутун синф, кичик гуруҳларда ишлаш.

Стратегияни қўллаш тартибининг тавсифи

Стратегияни қўллашдан аввал

Ўқитувчи қуйидагиларни тайёрлаб қўйиши керак:

- ◆ Кетма-кет воқеалар содир бўладиган бадиий ва илмий-маърифий болалар адабиёти асарлари мажмуасини.
- ◆ Ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳи учун асарда рўй бераётган воқеалар тасвири туширилган карточкалар тўпламини.
- ◆ Кетма-кетликни (биринчидан, иккинчидан, охирида, аввал, кейин каби) ва маконни (олдинда, ўртада, орқада каби) кўриб чиқишни ўз ичига олган бир қатор саволларни.
- ◆ Доскада рақамлар қатори тасвирини.

Стратегияни қўллаш пайтида

Бутун синф

- ◆ **1-қадам.** Ўқитувчи ўқувчиларни ўзи матнни овоз чиқариб ўқиётганда ҳикояда рўй бераётган воқеаларни ва улар кетма-кетлигини диққат билан кузатишлари кераклиги ҳақида огоҳлантиради (бошида нима рўй берди, сўнгра иккинчи воқеа қандай бўлди, учинчи ва ҳ.к.).
- ◆ **2-қадам.** Интерфаол ўқишдан фойдаланган ҳолда ўқитувчи орада ўқишдан тўхтаб, қандай воқеа рўй берганини ўқувчилардан сўрайди. Агар асарда кетма-кетлик ва макон тили ишлатилмаётган бўлса, ўқувчилар билан асар воқеасини ёки ғоясини муҳокама қилган ҳолда, ўқитувчи ўзи бу тилдан фойдаланади.
- ◆ **3-қадам.** Ўқитувчи асарни ўқигандан кейин ўқувчилар эътиборини воқеалар кетма-кетлигига қаратган ҳолда, уларга саволлар беради: *“Бошида нима рўй берди? Кейинчи?”*. Шу билан бирга воқеалардан олдин ва улардан кейин нима рўй берганига эътибор бериш муҳимдир.

Кичик гуруҳларда ишлаш

- ◆ **4-қадам.** Ўқитувчи 2-4та одамдан иборат кичик гуруҳлардаги ўқувчиларга карточкалар тўпламини тарқатади ва “тарих поезде” яшани сўрайди, унда воқеалар (карточкалар) чизиғи асардаги тартиб каби бўлади. Воқеаларни, рақамлар қатори каби, чапдан ўнгга қўйиб чиқишни эслатиш лозим.

Бутун синф

- ◆ **5-қадам.** Ўқитувчи ўқувчилардан ҳикояда ҳаммаси бўлиб нечта воқеа рўй бергани ва улар бир-бирига нисбатан қандай жойлашганини айтиб беришни сўрайди. Зарур бўлса, ўқувчилар бу топшириқни қандай бажариш кераклигини тушунишлари учун доскада уни қандай қилиб, қай услубда бажарилишини намойиш қилган ҳолда, ўқитувчи ўзи топшириқни бажара бошлайди. Ҳикояда рўй берган биринчи воқеа тасвирланган карточка 1 рақами ёнига

жойлаштирилади, сўнгра ўқитувчи ўқувчилардан сўрайди: *“Кейин нима рўй берди? Учинчи воқеа қайси? Еттинчи воқеадан аввал қандай воқеа юз берди?”* Агар саккизинчи воқеадан биринчисига қайтсак, биз қаерга йўл оламиз? (Орқага қайтамиз). *Тўртинчи ва тўққизинчи воқеалар вақт бўйича бир-бирдан қанчага узоқлашган?*

Стратегияни қўллашдан кейин

Уй вазифаси: “Тарих поезда” услуби негизида китобдаги тасвирланган воқеаларни асос қилиб олган ҳолда, асарни сўзлаб беришга тайёрлаш.

Баҳолаш: айрим ўқувчилардан воқеалар кетма-кетлиги ва уларнинг макон муносабатлари ҳақидаги саволларга жавоб беришни сўраш. Саволлар бутун синф муҳокамаси давомида берилганлар билан айнан бир хил бўлиши керак.

Баҳолаш вариантлари

- ◆ Ўқиш қобилияти паст ўқувчилар. Ўқувчиларнинг кичик гуруҳларини ташкил қилиш ва улар билан рақамлар қатори бўйича ҳамда асарда рўй бераётган воқеалар билан сон қатори ўртасидаги боғлиқлик бўйича алоҳида ишлаш.
- ◆ Ўқиш малакалари яхши шаклланган ўқувчилар. Бу стратегиядан бошқа асарлар бўйича мустақил равишда фойдаланишни таклиф қилиш (“тарих поезде” яшаш) ёки ўқувчиларга рақамлар қаторидан фойдаланиб, аниқ воқеалардан тузилган ўзларининг шахсий ҳикоясини тузишни таклиф қилиш (оғзаки ёки ёзма).

5.4. “Сўқрот семинари” стратегияси

“Сўқрот семинари” стратегияси (шунингдек, “сўқрот” семинари, “сўқрот суҳбати”, “эвристик суҳбат” каби аталишлари ҳам бор) – ривоятларга қараганда, юнон файласуфи Сўқрот ўз ўқувчилари билан бирга фойдаланган усул асосида ишлаб чиқилган таълим стратегияси.

Бу ҳақиқатни қидириш жараёнида етакчи саволларни бериш усули бўлиб, мунозара бир туридир. Бу ўқитишнинг савол-жавоб шакли бўлиб, унда ўқитувчи ўқувчиларга тайёр билимлар тўғрисида хабар бермайди, лекин берилган пухта саволлари орқали уларни мустақил тарзда хулоса чиқаришга ундайди.

Жавоб беришда мулоҳазалар, изоҳлар киритиш, изланишга, қўшимчаларга, жавобларни кенгайтиришга ундаш мумкин: масалан, “харитада кўрсатинг”, “ҳаракатни таҳлил қилинг”, “матндан фойдаланиб исботланг”, “ўқинг ва айтинг”.

Ўқитувчи мавзуга яхши тайёрланган, ўқувчиларнинг бериши мумкин бўлган жавобларини олдиндан кўзда тутган бўлиши керак.

“Сўқрот семинари” стратегияси бўйича матн муҳокамасини ҳар хил ўтказиш мумкин. Мавзу муҳокамасига иложи борича кўпроқ ўқувчиларни жалб қилиш муҳим. Шу сабабли мунозара ўтказишнинг турли вариантларидан фойдаланиш мумкин: ҳам бутун синф учун умумий, бунда ўқитувчи саволлар тайёрлайди ва беради, ҳам кичик гуруҳлар ишида, бунда саволларни олдиндан ўқувчилар тайёрлайдилар ва бир-бирига берадилар.

Иккинчи вариант саволлар бериш малакаларини ривожлантириш учун барча ўқувчилар билан олдиндан ишлашни талаб қилади.

Матнни тушуниш бўйича ишларга кўпроқ ўқувчиларни жалб қилиш мақсадида “Аквариум” технологиясини қўллаш орқали “Сукрот семинари”ни ташкил этиш мумкин.

Технология мунозара давомида иккита доира тузишни назарда тутати: ички (мунозара иштирокчилари) ва ташқи (кузатувчилар – танқидчилар ва таҳлилчилар). Ички доира тайёрланган саволлар ва жавоблар ёрдамида ўқилган матн, китобни таҳлил қилишга қаратилган. Бу пайтда ташқи доира иштирокчилари ички доирадаги мунозарани, унга аралашмай кузатадилар.

Ички доирадаги муҳокама тугаганида ташқи доира иштирокчилари мунозара ҳақида ўз фикрларини билдирадилар. Бу жараённинг давомийлиги муҳокама мавзусига боғлиқ. “Сукрот” доирасидаги ўқитувчининг роли фақатгина шундан иборатки, у йўлловчи саволлар ёрдамида мунозарани керакли йўлга солиб туради, шу билан бирга у мунозаранинг тўлақонли иштирокчиси бўлиб ҳисобланмайди.

Саволлар қўллаш бўйича маслаҳатлар

- ◆ Ушбу усул доирасида ўқувчиларни суҳбат қуришга мажбур қилиш учун ўқитувчи мавзунини тўла билмаслигини тасвирлайди.
- ◆ Шу “билимсиз билан суҳбат” туфайли ўқувчилар мавзу юзасидан анча тўлиқ билим оладилар. Суҳбат йўналиши ва моҳиятини аниқлайдиган энг муҳим саволларни олдиндан ўйлаб қўйинг.
- ◆ Фикр юритишга вақт беринг: жавобга камида 30 дақиқа ажратинг.
- ◆ Ўқувчилар жавобларини кузатинг.
- ◆ Йўналтирувчи саволлар беринг.
- ◆ Муҳокамадан келиб чиққан асосий фикрларни тўпланг ва вақти-вақти билан буни умумлаштиринг.
- ◆ Муҳокамага иложи борица кўпроқ ўқувчиларни жалб қилинг.
- ◆ Ўқитувчининг кўрсатмаларига жавоб бериш орқали ўқувчиларга янги билимларни мустақил ўзлаштиришларига имкон беринг.

Сукрот саволларининг турлари ва мисоллари

Сукрот “савол бериш” техникаси ҳар хил турдаги саволлар беришни ўз ичига олади¹¹.

Савол тури	Мисоллар
Аниқловчи саволлар	Сиз нимани назарда тутяпсиз? Сиз бунини бошқа сўзлар билан айта оласизми? Сизнингча, асосий муаммо нима? Сиз мисол келтира оласизми? Сиз бу фикрнинг ривожлантира оласизми?
Муаммо пайдо бўлиши ҳақидаги саволлар	Бу савол нега шунчалик муҳим? Бу саволларга жавоб бериш осонми ёки қийинми? Сиз нима учун шундай деб ўйлайсиз? Бу савол асосида биз қандай тахминлар қила оламиз? Бу савол бошқа муҳим муаммо ва масалаларга олиб борадими?
Тахмин-саволлар	Қай тарзда шундай деб ўйлаш мумкин? _____ аини ҳолда нимани кўзда тутмоқда?

¹¹ Paul Richard W. Critical thinking. Foundation for Critical Thinking. – Santa Rosa, CA. – 1995.

Савол тури	Мисоллар
	Акс ҳолда нима деб ўйлаган бўлар эдик? Сиз _____ деб ўйлайсиз шекилли. Мен сизни тўғри тушундимми?
Сабаблар ва исботларга оид саволлар	Нима мисол бўла олади? Сиз нима учун рост деб ўйлайсиз? Бизга яна қандай маълумот зарур? Сиз бизга бунинг сабабларини тушунтириб бера оласизми? Сизни бундай хулосага қандай мантиқий фикр олиб келди? Бу исботларга ишонмаслик учун сабаблар борми? Сизни бундай ишончга нима олиб келди?
Келиб чиқиши ва манбалари ҳақидаги саволлар	Бу сизнинг ғоянгизми ёки сиз уни яна қаердадир эшитганмисиз? Сиз доим бунга шундай муносабатда бўлганмисиз? Кимдир ёки нимадир сизнинг фикрингизга таъсир қилдими? Сиз бу ғояни қаердан олдингиз? Шундай деб ўйлашга Сизни нима мажбур қилди?
Сабаб-оқибатга оид саволлар	Бу ...га қандай таъсир қилган бўлар эди? Бу ростдан ҳам рўй берадимми ёки фақат тахминан рўй берадимми? Бошқа йўли борми? Сиз бунда нима назарда тутяпсиз? Агар бу ҳодиса рўй берса, оқибатда яна нима бўлиши мумкин? Нима учун?
Фикр-саволлар	Бошқа гуруҳдагилар бу саволга қандай жавоб берган бўлар эди? Нима учун? Сиз _____ айтган эътирозга қандай жавоб берган бўлар эдингиз? _____га ишонган одам нима деб ўйлаши мумкин? Бошқа йўли борми? _____ ва _____нинг ғоялари ўхшашлиги нимада? Фарқи нимада?

- ◆ Дифференциация: мазмун, жараён, ўқув муҳити.
- ◆ Таълимнинг универсал дизайни: ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш, таълим натижаларини намойиш қилиш.

Таълим мақсадлари

- ◆ Ўқиганни тушуниш малакаларини ривожлантириш ва матн билан ишлаш бўйича стратегиялардан фойдаланиш (баҳолашни муҳокама қилишни ифодалаш, фикр-мулоҳазалар, далил-исботлар ва ҳ.к.).

Таълимнинг кутилган натижалари


- ◆ Ўқувчилар муаллиф ғояларини, ўқигани бўйича фикрларни ифодалайдилар.
- ◆ Ўқувчилар ўқилган болалар адабиёти юзасидан ўз шахсий фикрини ифодалайдилар.
- ◆ Ўқувчилар ўқилган асар бўйича саволларга тўғри жавоб берадилар.

- ◆ Ўқувчилар янги материални ўзлаштириш учун саволларнинг ҳар хил турларидан фойдаланадилар ва “суқрот” саволларини қўллаб, нутқини ривожлантирадилар.
- ◆ Ўқувчилар муҳокама натижаларини ёзма равишда умумлаштирадилар.

Тавсия қилинадиган синф: 3-4

Зарурий материаллар: болалар адабиёти асарлари, маркерлар, стикерлар, “суқрот” саволлари рўйхати ва кузатувчилар учун саволлар рўйхати.

Синфда ишни уюштириш шакли: бутун синф; стуллар икки доира шаклида қўйилган: ички ва ташқи (“аквариум”). Ички доирада мунозара иштирокчилари (10-12та ўқувчи), ташқарида эса – кузатувчилар (қолган ўқувчилар) бўлади.



Стратегияни қўллаш тартибининг тавсифи

Стратегияни қўллашдан аввал

“Суқрот семинари” бўладиган дарсдан олдин

- Ўқитувчи ўқувчиларга асарни ўқиб беради.
- Ўқитувчи ўқувчиларни матн абзацлардан тузилгани, ҳар бир абзацда маълум бир маъно борлиги билан таништиради. Ўқувчилар асосий маълумотни белгилашни, уларга тушунарсиз бўлган сўзларни топишни ва турли манбалардан (луғатлар, энциклопедиялар, дарсликлар ва бошқалардан) фойдаланиб, уларнинг маъносини аниқлашни, топилган маънони (дафтарда ёки ўз луғатчасида) ёзма равишда белгилашни ўрганиши керак. Ўқитувчи сўз маъносини қандай аниқлаш, сўз бойлигини

кенгайтирадиган қандай стратегиялардан фойдаланишни мисоллар орқали кўрсатиши мумкин.

- Ўқитувчи ўқувчилардан матн бўйича иккита савол ёзиб олишни сўрайди. Саволлар юқори даражадаги ёки очиқ саволлар бўлиши керак. Бу саволлар ўқувчиларни фикрлашга мажбур қилади, саволлар ўқувчиларнинг маълумотни қўллаш, қайта ташкил қилиш, кенгайтириш, баҳолаш ва таҳлил қилишларни билишига йўналтирилган. Аввал ўқувчиларга ушбу саволлар қандайлигини тушунтириш ва мисоллар келтириш тавсия қилинади.
- Ўқитувчи ўқувчилардан китоб ҳақида ўз фикрини билдиришни сўрайди. Бу асарнинг асосий қаҳрамони, муаллифнинг нутқ услубини (ҳикоя қилиш, тавсифлаш, муҳокама қилишни) танлаши, тилнинг ўзига хос хусусиятлари, мавзу, қаҳрамонлар, ҳодисалар (агар матн илмий-маърифий бўлса) ва бошқалар ҳақидаги фикр бўлиши мумкин.
- ◆ Ўқитувчи “Сукрот семинари”ни ўтказиш пайтида ўқувчилар эътиборини қаратиш керак бўлган бир қатор “сукрот” саволларини танлайди ёки ўқувчиларга шундай саволлар беришни таклиф қилади.
- ◆ Олдиндан синф хонаси майдонини схемада кўрсатилгандек ташкил қилиш муҳим: ташқи ва ички доиралар ташкил қилиш, ички доирага мунозара иштирокчиларини, ташқи доирага кузатувчиларни жойлаштириш имконияти бўлиши керак.
- ◆ Ўқувчилар “сукрот доираси” учун тайёрлаган ҳамма материалларни: саволлар ёзилган стикерларни, луғатчаларни, шахсий фикрларни, ифодаланган мулоҳазаларни, мисоллар, исботлар, цитаталар ажратилган абзацларни ўзлари билан олиб келиши зарур.
- ◆ Кузатувчилар доираси учун ўқитувчи бир неча савол тайёрлайди, уларга жавоб берган ҳолда ўқувчилар кузатиш пайтида мунозара ҳақида материал йиғиши керак бўлади.

Кузатувчилар учун намунавий саволлар

- ◆ Иштирокчиларнинг фаоллигини қандай баҳолаш мумкин?
- ◆ Кимларнинг чиқишлари ёқди ва нима учун?
- ◆ Қандай жавоблар эсда қолди? Нимаси билан?
- ◆ Сизнингча, нима учун баъзи ўқувчилар муҳокамада фаол иштирок этишмади?
- ◆ Сизнингча, муҳокаманинг асосий мақсадига эришилдими?

Стратегияни қўллаш пайтида

Бутун синф

- ◆ **1-қадам.** Ўқитувчи таълим мақсади ва кутилган натижаларни тушунтиради. Кейинги 10-15 дақиқа мобайнида ўқувчилар ўз синфдошларига тайёрлаган саволларни берадилар ва “сукрот” мунозарасини уюштириб, жавобларни тинглайдилар.
 - Хоҳловчи иштирокчилардан бири биринчи саволни бериб ёки матнга изоҳ таклиф қилиб, мунозарани бошлаши мумкин. У савол ёки изоҳга жавоб берадиган ўқувчини аниқлайди. Битта савол муҳокамаси 3-4 дақиқадан ошмаслиги керак. Сўнг мунозарани бошқариш бошқа ўқувчига

ўтади. Ички доирадаги ўқувчилар (мунозара иштирокчилари) саволларини (2тадан савол) берган ҳолда, мунозарага ўз ҳиссаларини қўшади.

- ◆ **2-қадам.** Муҳокаманинг биринчи туридан (биринчи саволлар қаторидан) сўнг мунозара иштирокчилари кузатувчилар билан қайта алоқа ўрнатиши учун ўқитувчи уни тўхтатади (қаранг: Кузатувчилар учун намунавий саволлар).
- ◆ **3-қадам.** Энди ўқувчилар алмашади: ички доирада бўлганлар ташқи доирага ўтадилар ва шунга мувофиқ равишда ташқи доира ички бўлиб қолиб, мунозара яна давом этади.
- ◆ **4-қадам.** Ўқитувчи муҳокаманинг учинчи турини ўтказиш учун ўқувчилар турган жойларини ўзгартириши мумкин.
- ◆ **5-қадам.** Ўқитувчи ўқувчиларга ўз столларига қайтишни ва “суқрот” муҳокамаси бўйича қисқа хулоса ёзишни таклиф қилади. Ўқитувчи бундай хулоса намунасини ўзи кўрсатиб бериши мумкин. Ўқитувчи бу яқка тартибдаги иш эканлигини айтади, шунинг учун жимликка риоя қилиш керак.

Стратегияни қўллашдан кейин

Уй вазифаси: ўқувчилар ёзма топшириқ устида ишлашни яқунлашлари мумкин.

Баҳолаш: мунозарада қандай иштирок этганликни иштирокчиларнинг берган саволлари ва жавоблари орқали баҳолаш мумкин.

Баҳолаш вариантлари

- ◆ Ўқиш қобилияти паст ўқувчилар: сўзлар девори (матнда, китобда ишлатилган янги ёки калит сўзлар), ўқитувчи ушбу сўзлардан мунозара пайтида ўқувчилар томонидан фойдаланилишини рағбатлантиради.
- ◆ Ўқиш малакалари шаклланганлигини намойиш қилган ўқувчилар: ўқитувчи бу ўқувчиларга ички доирада мунозара бошлашни ёки ўтказилган мунозара асосида далил келтириб эссе ёзишни таклиф қилади.

5.5. “Расмли нашрлар орқали хилма-хилликни муҳокама қилиш” стратегияси

Расмли нашрлар бошланғич мактабда турли-туманлик масалаларини ўрганиш учун фойдали ва муҳим манба ҳисобланади, чунки бу китобларда визуал образлар орқали жамиятдаги хилма-хилликнинг маданий, тилга оид, ирқий, этник ва бошқа турлари тушунарли ва чуқур очиб берилади. Дарсларда бу китоблардан фойдаланиш инклюзив маданиятни ривожлантиради, ўқувчиларнинг хилма-хиллик (жумладан ногиронлик) ҳақида хабардорлигини оширади, ўқувчиларда эмпатия (ачиниш, ҳамдардлик) ва сабрлилик ҳисси(турли-туманликни қабул қилиш)ни пайдо қилади. Хилма-хиллик мавзусини очиб бериш учун расмли китоблар муаллифлари фойдаланадиган дизайнерлик услубларининг турли-туманлиги болаларга у ёки бу маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида чуқурроқ билиш, бинобарин, тушуниш ва уни қабул қилиш имконини беради.

- ◆ Дифференциация: мазмун, жараён, ўқув муҳити.
- ◆ Таълимнинг универсал дизайни: таълим натижаларини намойиш қилиш, ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш.

Таълим мақсадлари

- ◆ Ўқиганни тушуниш ва визуал саводхонлик малакаларини ошириш.
- ◆ Турли-туманликка (ногиронликка, кўп маданиятлиликка, кўп тиллиликка) ижобий (камситмайдиган) муносабатни ривожлантириш.
- ◆ Ўқувчиларнинг бир-бирига бўлган қизиқишини рағбатлантириш; ҳар бир инсон шахсига ҳурмат ва қадрлаш муносабатини шакллантириш.

Таълимнинг кутилган натижалари

- ◆ Ўқувчилар турли-туманлик тўғрисида хабардорлик ва тушунишни, уни қабул қилишни кучайтирадилар.
- ◆ Ўқувчилар китобда кўрсатилган одамлар ва маданиятлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлайдалар ҳамда ўз фикрларини китобда келтирилган далилларга асосланган ҳолда ифодалайдилар.
- ◆ Ўқувчилар ўқиганлари билан ўзларининг ҳаётий тажрибалари ўртасидаги боғлиқликни топадилар.

Тавсия қилинадиган синф: 1–4

Керакли материаллар: инсонлар ва дунёнинг турли-туманлиги ҳақида, ногиронлик, сабрлилик, кўп маданиятлилик ва бошқалар ҳақида болалар расмли китоблари (масалан, Дэвид Смоллнинг “Имогенанинг буғу шохлари”, Жимми Лианинг “Ранглар садоси”, Жулия Дональдсоннинг “Зўр айиқ”, Сильвия Веккинининг “Алло, балиқча гапиради”, Сандра Дикманннинг “Мўъжиза”, Питер Рейнольдснинг “Нуқта”, Шерон Дрейпернинг “Салом, кел гаплашамиз”, Кэндзио Хайтанининг “Қуён нигоҳи”, Линда Маллэли Хантнинг “Сирли Элли кўзларидаги ақл бовар қилмайдиган олам”, Р. Дж. Паласионинг “Мўъжиза”, Алтын Капалованинг “Квадрат давлат”, В. Катаевнинг “Еттичечак гул” ва бошқалар). Ўқитувчи ўқувчиларга “Биз турли-туманмиз” варағини тўлдиришни таклиф қилади.

“Биз турли-туманмиз” варағи

... ни топинг.	Исми
Қозоғистонга борганлар	
Ўзбек тилида бешгача санай олганлар	
Ўшдан келганлар	
Пиццанинг тўрт турини билганлар	
Иссиқ-Кўлда қариндошлари борлар	
Бешта тилда “Салом” дея оладиганлар	
Параллель синфнинг 10та ўқувчиси исмини биладиганлар	
Англияда пайдо бўлган машҳур спорт турида ўйнайдиганлар	
Таътилда Таласдаги буви ва бувасиникида дам олганлар	
Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеш раиси исмини айта оладиганлар	
Бешта турли зираворларни айта оладиганлар	
Дунгон таомлари (ашлямфу, фунчоза, лағмон)ни яхши кўрадиганлар	
Ҳинд таомларини тотиб кўрганлар	
Қирғизистон билан кўшни бўлган барча давлатларни айта оладиганлар	
Уйда ўқитиш тили бўлмаган она тилидан фойдаланадиганлар	

... НИ ТОПИНГ.	Исми
Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тожикистон пойтахтларини тўғри айта оладиганлар	

Синфда ишни уюштириш шакли: бутун синф

Стратегияни қўллаш тартибининг тавсифи

Стратегияни қўллашдан аввал

Ўқитувчига тавсия қилинади

- ◆ мавзунини аниқлаш ва ўрганилаётган мавзу тўғри келадиган китобни танлаш;
- ◆ ўқувчиларнинг ҳаракатланишини кўзда тутадиган умумий гуруҳ иши учун майдонни ташкил қилиш.


Стратегияни қўллаш пайтида

- ◆ **1-қадам.** Ўқитувчи ўқувчиларга дарс мақсади, вазифалари ва боришини тушунтиради. Ўқувчиларга дарснинг ҳар бир босқичида ўқиб чиқилган китобни фаол равишда муҳокама қилиш таклиф қилинади.
- ◆ **2-қадам.** Ўрганилаётган мавзу ҳақида ўқувчиларнинг дастлабки билимларини фаоллаштириш. Ўқитувчи ўқувчилардан болаларнинг ногиронлиги ҳақида тасаввурлари қандайлигини ёки уларнинг жамиятида қайси тиллардан фойдаланилишини билиш-билмаслигини сўраши мумкин.
- ◆ **3-қадам.** Ўқитувчи ўқувчиларни китоб билан таништиради: китоб номи муҳокама қилинади, муқовадаги расм кўриб чиқилади, муаллиф ва безовчи расм ҳақида маълумот тақдим қилинади. Ўқувчиларга китоб мазмунини ҳақида ўз тахминларини билдириш таклиф қилинади.
- ◆ **4-қадам.** Ўқитувчи китобни ўқувчиларга “Овоз чиқариб ўқиш”, “Интерфаол ўқиш” (“Йўл кўрсатиш, баҳолаш, кенгайтириш, рағбатлантириш” ва “Йўл-йўриқлар”) стратегияларидан фойдаланган ҳолда, расмларни намойиш қилган ҳолда, ўқилганни муҳокама қилиш учун тўхтамакларга риоя қилиб ўқийди.
- ◆ **5-қадам.** Китобни ўқигандан кейин ўқитувчи ўқувчилардан бош ва иккинчи даражали қаҳрамонлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқ ҳақида сўрайди, бир китобни иккинчиси билан ёки ўқилган матнни шахсий ҳаётини тажрибаси билан таққослашни илтимос қилади. Қуйида саволларга бир қатор намуналар келтирилган:
 - Асарнинг бу икки қаҳрамони нимаси билан ўхшайди? Китобда қандай далиллар бор?
 - Улар бир-биридан нимаси билан фарқ қилади? Китобда қандай далиллар бор?
 - Асарнинг бош қаҳрамони нимани ҳис қилди? Сизнингча, нима учун?
 - Ҳикоянинг давомида қаҳрамонда ёки унинг атрофида қандайдир ўзгаришлар рўй бердими?
 - Қаҳрамонларга, уларнинг ҳаракатларига, китобда тасвирланган воқеаларга нисбатан Сизда қандай ҳис-туйғулар пайдо бўлди?

- ◆ **6-қадам.** Ўқувчилар алоҳида ёки жуфтликларда таққослашнинг график ташкилотчисини тўлдиришлари мумкин.

1. Асарнинг бош қаҳрамони ким?
2. Асарнинг иккинчи даражали қаҳрамони (ёки қаҳрамонлари) ким?
3. Улар ўртасидаги ўхшашлик ёки фарқни аниқланг.

Венн диаграммаси



- ◆ **7-қадам.** Ўқитувчи ўқувчиларга “Биз турли-туманмиз” варағини тарқатади ва уни тўлдириш учун нима қилиш кераклигини тушунтиради.
 - Ўқувчилар синфдошларига саволлар бериб, 10 дақиқа давомида ўз варағини тўлдириши керак. Зарур маълумотни тўплаш учун ўқувчиларнинг синфда эркин ҳаракат қилиши рағбатлантирилади. Ўқитувчи бу мусобақа (“ким топшириқни тез бажаради”) эмас, балки зарур бўлган маълумотни йиғиш учун синфдошлари билан мулоқот қилиш имконияти эканлигига эътибор қаратади.
 - Ўқувчилар саволларга ҳар хил жавоб олиш учун имкон қадар кўпроқ синфдошларига савол бериб чиқишлари керак.
- ◆ **8-қадам.** Ўқитувчи мониторинг юритиб, ўқувчилар синфдошларига савол бериш орқали керакли маълумотни қандай йиғиб олишаётганини кузатади.
- ◆ **9-қадам.** Ўқувчилар ушбу топшириқни бажариб бўлганларидан сўнг, ўқитувчи уларга барча олинган маълумот билан ўртоқлашишни, ҳайрон қолдирган муҳим жавобларни белгилашни таклиф қилади.
- ◆ **10-қадам.** Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда, хилма-хилликни қабул қилиш муҳимлигини тан олган ҳолда, ўрганилаётган мавзунини умумлаштиради.

Стратегия қўллангандан сўнг

Ўқувчилар учун ўзига хос қизиқишни ифодаловчи хилма-хиллик бўйича ҳар қандай мавзунини батафсилроқ ўрганишни кутубхонага, реабилитация марказига, махсус мактабга ёки ўрганилаётган мавзу ва расмий китобча мавзуси билан боғлиқ бўлган бадиий кўргазмага ташриф буюриш пайтида давом эттириш мумкин.

Уй вазифаси. Ўқувчиларга турли-туманлик ҳақида қизиқарли китоб топиш ва кейинги дарсда унинг тақдиротини синфда тайёрлаш таклиф қилинади.

Баҳолаш. Китобни ўқиб чиққандан кейин ўқиганни тушунганликлари юзасидан саволлар бериш мумкин.

Баҳолаш вариантлари

- ◆ Ўқиш қобилияти паст ўқувчилар: ўқитувчи йўналтирувчи ўқишдан фойдаланган ҳолда бундай ўқувчилар билан кичик гуруҳда ишлайди.
- ◆ Ўқиш малакалари шаклланганлигини намойиш қилувчи ўқувчилар: ўқитувчи ўқувчиларга ўрганилаётган мавзу бўйича муҳокама-эссе ёзишни таклиф қилади.





ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Children's Picture Books. The art of visual storytelling. Martin Salisbury, Morag style; Laurence King Publishing, 2015.
2. Literacy for the 21st Century. A Balanced Approach. Gail e. Tompkins, California State University, Fresno, Emerita, Pearsom, 2017.
3. Reconsidering read-aloud, Mary Lee Hahn.
4. Serravallo J., «Reading Strategies Book. Your Everything Guide to Developing Skilled Readers». Heinemann, Portsmouth, NH, 2015 г.
5. Strategies for Effective Balanced Literacy, Mary Jo Fresch, Shell Education, 2016
6. Аромштам М. Читать! - Минск: Дискурс, 2018.
7. Берджес Д. Обучение как приключение: как сделать уроки интересными и увлекательными. – М.: Издательство «Альпина Паблишер, 2017.
8. Буг Дж. Рожденный читать: как подружить ребенка с книгой. – М.: АНФ, 2015.
9. Гейман Н. Почему наше будущее зависит от библиотек, чтения и фантазии. URL:<http://god-literature.ru/>
10. Как писать крутые тексты. – М.: Издательство «Манн, Иванов, Фербер», 2018.
11. Кузнецова Ю. Расчитайка. Как помочь ребенку полюбить чтение. – М.: Издательство «Манн, Иванов, Фербер», 2018.
12. Лемов Д. Мастерство учителя. Проверенные методики выдающихся преподавателей. – М.: Издательство «Манн, Иванов, Фербер», 2016.
13. Мангуэль А. История чтения. – Екатеринбург: Издательство «У-фактория», 2007.
14. Пеннак Д. Как роман. – М.: Издательство «Самокат», 2013.
15. Подъяпольская О.И. Комикс как средство обучения. – Международная конференция «Дистанционное обучение: взгляд из настоящего в будущее» – 1-4 июля, 2015. – URL: <https://www.youtube.com/watch?v=HixWeMH1yso>
16. Райцес М. Читательский дневник. – М.: Издательство «Манн, Иванов, Фербер», 2018.
17. Светловская Н., Пичеоол Т. С. Детская литература в современной начальной школе. – М.: Юрайт, 2018.
18. Светловская Н.Н. Детская книга и детское чтение в современной начальной школе.— М.: Московский городской педагогический университет, 2011.— 232 с. Режим доступа: <http://www.iprbookshop.ru/26466.html>
19. Фостер Т. Искусство чтения. Как понимать книги. – М.: Издательство «Манн, Иванов, Фербер», 2015.
20. Чамберс Э. Рассказы. Читаем, думаем, обсуждаем. – М.: Издательство «Самокат», 2016.



ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЎҚИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН РЕСУРСЛАР

1. Albuquerque Public Schools. (n.d.). Children's literature with fine arts strategies. URL:<https://www.aps.edu/fine-arts/arts-related-literature/arts-related-childrens-literature>
2. Almerico, G. M. (2013). Linking children's literature with social studies in the elementary curriculum. *Journal of Instructional Pedagogies*, 1–13.
3. America Reads at Bank Street College of Education. (n.d.). *Hints on how to read aloud to a group*. Reading Rockets. URL:
<https://www.readingrockets.org/article/hints-how-read-aloud-group>
4. Crippen, M. (2012). The value of children's literature. *Oneota Reading Journal*. URL:<https://www.luther.edu/oneota-reading-journal/archive/2012/the-value-of-childrens-literature/>
5. Dickson, S. V., Simmons, D. C., & Kameenui, E. J. (1998). Text organization: Instructional and curricular: Basics and implications. In D. C. Simmons & E. J. Kameenui (Eds.), *What reading research tells us about children with diverse learning needs: Bases and basics* (pp. 279–294). Lawrence Erlbaum Associates.
6. Fadiman, C. (n.d.). *Children's literature*. Britannica. Retrieved from URL:<https://www.britannica.com/art/childrens-literature>
7. Fresch, M. J. (2016). *Strategies for effective balanced literacy*. Shell Education.
8. Glaister, B. (2012). Ten reasons for using children's literature across the curriculum. University of Lethbridge. URL:
<https://www.uleth.ca/sites/default/files/integratingliteraturereasons.pdf>
9. Grant, M. (2017, November 2). *The difference between fiction and nonfiction*. Book Riot. <https://bookriot.com/2017/11/02/difference-between-fiction-and-nonfiction/>
10. Hammerberg, D. D. (2001). Reading and writing "hypertextually": Children's literature, technology, and early writing instruction. *Language Arts*, 78(3), 207–216. URL:
https://www.academia.edu/579125/Hammerberg_Hassett_D._D._2001_.Reading_and_writing_hypertextually_Childrens_literature_technology_and_early_writing_instruction.Language_Arts_78_3_207-216
11. Hellwig, S. J., Monroe, E. E., & Jacobs, J. S. (2000). Making informed choices: Selecting children's trade books for mathematics instruction. *Teaching Children Mathematics*, 7(3), 138–143.
12. Knight, R. (2017, June 5). The power of picture books in the primary classroom. University of Nottingham. URL:
<https://blogs.nottingham.ac.uk/primaryeducationnetwork/2017/06/05/power-picture-books-primary-classroom/>
13. Mahzoon-Hagheghi, M., Yebra, R., Johnson, R. D., & Sohn, L. N. (2018). Fostering a greater understanding of science in the classroom through children's literature. *Texas Journal of Literacy Education*, 6(1), 41–50. URL:
<https://files.eric.ed.gov/fulltext/EJ1183979.pdf>
14. Minardi, K. S. (1994). *Using children's literature: An approach to teaching reading*. UNF Graduate Theses and Dissertations. 84.
<https://digitalcommons.unf.edu/etd/84>
15. Mullen, M., Ramers, L., Elia, S., Casey, S., & Wheaton, L. (2014). *AVID Excel volume 1: Academic language acquisition*. AVID Press.

16. Reading Is for Everyone. (n.d.). Fiction and nonfiction: A perfect pair! URL: https://www.capstonepub.com/sites/reading_is_for_everyone/articles/pairingfictionnonfiction.html
17. Reading Rockets, Walker, R., & Salvadore, M. (2016). *How to choose read aloud books: Babies to third graders*. URL: <https://www.readingrockets.org/article/how-choose-read-aloud-books-babies-third-graders>
18. Sanders, J. (2014, November 12). *The importance of picture books for learning*. Whoos's Reading. URL: <http://blog.whoosreading.org/the-importance-of-picture-books-for-learning/>
19. This Reading Mama. (n.d.). *Books for building fluency with readers*. URL: <https://thisreadingmama.com/books-building-fluency/>
20. Tompkins, G. E. (2017). *Literacy for the 21st century: A balanced approach*. Pearson.
21. Tu, Wei. (1999). *Using literature to help children cope with problems*. ERIC Digest. URL: <https://www.ericdigests.org/2000-3/cope.htm>; URL: <https://files.eric.ed.gov/fulltext/EJ1097148.pdf>
22. USAID. (2019, February 12). *Time to Read project*. USAID. URL: <https://www.usaid.gov/kyrgyz-republic/fact-sheets/time-read-project>
23. Whitin, D. J., & Whitin, P. (2004). *New visions for linking literature and mathematics*. National Council of Teachers of English.
24. Аромштам М. *Читать!* – Минск: Дискурс, 2018.
25. Буг Дж. *Рожденный читать: как подружить ребенка с книгой*. – М.: АНФ, 2015.
26. Кузнецова Ю. *Расчитайка. Как помочь ребенку полюбить чтение*. – М.: Издательство «Манн, Иванов, Фербер», 2018.
27. Лемов Д. *Мастерство учителя. Проверенные методики выдающихся преподавателей*. – М.: Издательство «Манн, Иванов, Фербер», 2016.
28. Мангуэль А. *История чтения*. – Екатеринбург: Издательство «У-фактория», 2007.
29. Пеннак Д. *Как роман*. – М.: Издательство «Самокат», 2013.
30. Светловская Н., Пичеол Т.С. *Детская литература в современной начальной школе*. – М.: Юрайт, 2018.
31. Фостер Т. *Искусство чтения. Как понимать книги*. – М.: Издательство «Манн, Иванов, Фербер», 2015.
32. Чамберс Э. *Рассказы: читаем, думаем, обсуждаем*. – М.: Издательство «Самокат», 2016.



ГЛОССАРИЙ

Адабий тўгараклар – бу ўқувчиларнинг кичик гуруҳда ўқиш ва ўқиганини муҳокама қилиш учун битта китоб танлайдиган таълим стратегияси (бу ҳикоя, шеър, мақола ёки матн қисми бўлиши мумкин). Бу гуруҳда ўқувчилар келгуси муҳокамада турли мажбуриятлар (ролллар) олишади. Китобни ўқигач ўқувчилар китоб бўйича ўз ролларига тегишли бўлган ёзувларни қайд қиладилар сўнгра бутун гуруҳ ҳар бир иштирокчи шарҳини ҳисобга олган ҳолда ўқиб чиқилган китобни муҳокама қилади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўрганилаётган мавзуга боғлиқ бўлган турли китобларни ўқишлари мумкин.

Алифбе – савохонликни ўргатувчи китоб. Алифбе ўқувчиларга: а) босма ва ёзма ҳарфлар ҳамда уларнинг товуш маъносини ўзлаштиришга, б) энг содда бўғинлар ва сўзларни қўшиб ўқишни, ўқиганини тўғри тушунишни ўрганишга, в) унча катта бўлмаган матнларни ўқий ва тушуна олиши, г) энг содда сўзлар ва жумлаларни ёзишни ўрганишга ёрдам беради.

Алифбо – ўқиш ва ёзишни ўргатиш учун алфавит асосида тузилган, тартибга солинган ҳарфий белгилар тизимини ифодаловчи китоб.

Алифбо мазмуни нутқ товушларини белгиловчи, белгиларнинг ҳарфий маъносига маъновий урғу беришдан фойдаланиш тамойили бўйича тузилади. Уларни ёдлаш ва келгусида бўғин ва сўзларга бирлаштириш – лексикани ўзлаштириш асоси, унда билишнинг энг муҳим воситаси сифатида тилни ўрганишдан бошланади.

Бадиий адабиёт – тасаввур қилинадиган одамлар ва ҳодисаларни тавсифлайдиган адабий асарлар. Одатда бундай бадиий адабиётларда бош қаҳрамон, воқеа содир бўлётган жой, ҳал қилиш керак бўлган муаммо, воқеалар ва муаммо ечими бўлади.

Болалар адабиёти – бу болалар дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда болаларга мўлжалланган адабиёт. Ҳар хил жанр (афсоналар, эртаклар, масаллар, дostonлар, фэнтези, реализм, тарихий наср, назм) да, тур (суратли, чизилган ва ҳ.к.) да ва ҳажмда (электрон, интерфаол, тактил ва ҳ.к.) бўлади.

Виммельбух (нем. *Wimmelbilderbuch* – “живирланган расмли китобча”) – ярқираган, батафсил текширилган, визуал маълумот билан имкон борича тўлдирилган расмл йирик ҳажмдаги болалар онгини оширувчи китобча. Виммельбух- жуда кичик матнга эга бўлган (ёки матн умуман йўқ) китоб; бироқ бундай китобдаги расмлар тафсилотларга тўла ва бир қарашда бундай китобча комиксни эслатади. Ҳар бир китоб кун, ой, йил давомида қизиқ ва ажиб воқеалар рўй берадиган қаҳрамонларига эга. Бу ўқувчига ҳар сафар расмларни янгича “ўқиш” ва янги ҳикоялар ўйлаб топиш имкониятини беради. Бундай китобнинг асосий вазифаси – атроф-муҳит билан таништириш, нутқ ва тасаввурни ривожлантиришдир.

Иллюстрацияли нашрлар – иллюстрациялар матнга ҳамроҳ бўлган китоб, лекин суратлар матнни фақатгина талқин қилади холос. Уларнинг вазифаси матнни ўзлаштиришни осонлаштириш ёки ундан олинадиган таассуротларни

кучайтиришдир. Безовчи рассом оғзаки образларга кўз илғайдиган шакл беради, оғзаки образни матн муаллифи эсга олмаган тафсилотлар билан тўлдиради, бизга қаҳрамонни кутилмаган ракурсдан кўрсатиши ёки сюжет коллизиялари хусусида ўз ҳис-туйғуларини ифодалаши мумкин. Лекин у ҳеч қачон муаллиф билан зиддиятга бормаслиги керак.

Илмий-маърифий болалар адабиёти – маълумот далилларга асосланган асар. Бундай адабиётнинг асосий вазифаси реал олам жиҳатларини тавсифлаш, тушунтириш, уларга ишонтириш, улар ҳақида маълумот етказиш ва кўрсатма беришдан иборат. Бундай адабиётда муҳим илмий, ижтимоий ва маданий ҳодисалар энгил шаклда тушунтирилади. Бу тоифага фан, илмий ютуқлар, олимлар ҳақидаги адабий асарлар, шунингдек, ошпазлик китоблари, хотираномалар, эсселар, энциклопедиялар, луғатлар, биология, тиббиёт, роботлар техникаси бўйича китоблар ва бошқалар киради. Илмий-маърифий адабиёт таълимий, билишга оид, ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаларга эга бўлиб, болага бутун борлиқни билишида ёрдам беради.

Китоб – бир томони елимланган ёки тикилган ва муқоваланган саҳифалардан иборат ёзма ёки босма асар. Ахборот технологиялари ривожланиши билан электрон китоблар – компьютерларда ёки махсус қурилмаларда ўқиш мумкин бўлган босма китобларнинг электрон версиялари тарқалмоқда.

Комикс – (ингл. *comic* – кулгили) – бу қандайдир воқеа ҳикоя қилинадиган тасвирлар мажмуаси, расмлардаги ҳикоя. Комикс санъатнинг иккита тури – адабиёт ва тасвирий санъатни бирга қўшади, ҳикоя қилиш ва визуал ҳаракатлар бирлигини ифодалайди. Комиксларда матн иштироки мажбур эмас, интуитив равишда тушунадиган сюжетли “соқов” комикслар мавжуд. Кўпинча комиксда тўғри нутқ филактер (матнли булутча) – қаҳрамон оғзидан “пуфлаб чиқариладиган” “сўз пуфаги” ёрдамида берилади. Муаллиф сўзлари комикс кадрлари устида ёки остида жойлашади. Комикслар адабий жанр бўйича ҳам, расм солиш услуби бўйича ҳам турли хил бўлиши мумкин.

Манга (япон комикслари) – бу рангли ва тушунарли расмлари бўлган, кичкина матнли расмлардаги ҳикоялар. Аънанавий комикслардан график ва адабий услуби билан фарқ қилади. Мангада ҳамма расмлар оқ-қора рангда, қоида бўйича, улар ўнгдан чапга ўқилади, бутун сюжет ва расмларни одатда битта муаллиф яратади.

Ментал харита – бу битта марказий ғоядан фикрларнинг табиий сизиб келишидан кўргазмали тақдим этиладиган график ташкилотчи. Бу фикрлаш визуализациясининг оддий ва самарали техникаси. Ғояларни яратиш, ривожлантириш ва таҳлил қилиш учун қўлланилади.

Скетчбук (инглизча *sketchbook*) – хомаки чизиш учун альбом (*sketch* – хомаки, *book* – китоб). Ҳам ёзма, ҳам визуал материалдан тузилган креатив ҳужжат бўлиб, эскизлар бўйича ёки мустақил бажариш учун топшириқларни ўз ичига олади. Китобчанинг бу шакли қуйидагиларни яратиш жараёнини ўйлаб топиш имконини беради: тадқиқот, ақлий ҳужум, тажрибалар, тест олиш, воқеа сюжетини таҳлил ва аниқлаш.

Сукрот семинари – лидер очик саволлар берадиган, матнга асосланган формал (юзаки) мунозара. Мунозара жараёнида ўқувчилар ўқилган матнни танқидий англаган ҳолда бошқалар шарҳларини диққат билан тинглайдилар ва бошқаларнинг фикр ва ғояларига шахсий фикр ва жавобларини берадилар.

Суратлар воқеани ҳикоя қилади, матнни эмас. Матн расмни идрок қилишга ёрдам беради, унга боғлиқ бўлиб, ўзи мустақил мавжуд бўлмайди. Ёлғиз ўзи, расмлардан холи бўлган тақдирда у маъносини йўқотади.

Ўқишнинг даражаларга оид материаллари – бу мураккаблик даражасига мувофиқ китоблар таснифи асосида яратилган материаллар: ёш китобхон ўқий оладиган оддий китоблардан то тажрибали китобхон ўзлаштира оладиган анча мураккаб ва салмоқли китобларгача.

Фантастика – (юнон. *fantastiki* – тасаввур қилиш санъати, фантазия) – бу бадиий адабиёт жанри бўлиб, унда бизнинг шароитимиздаги ҳозирги пайтда нореал, амалга ошмайдиган ҳодисалар рўй беради. Бу асарларда ғоялар ва образлар муаллиф ўйлаб топган оламда, ғайриоддий ва ҳақиқатнамо бўлмаган нарсаларни тасвирлашда яратилади. Фантастика фэнтэзидан шуниси билан фарқ қиладики, унда нореал нарсалар сифатида мистик эмас, балки илмий ҳодисалар иштирок этади (яъни инсоннинг узоқ келажаги, янги технологиялар, янги ижтимоий тартиб ва ҳ.к.).

Фэнтэзи – (ингл. *fantasy* – фантазия) – адабий жанр, фантастиканинг бир тури бўлиб, унда ҳикоянинг мифологик, фольклор ва афсонавий мавзулари ишлатилади. Бу асарларда воқеа реал оламга яқин бўлган хаёлий оламда рўй беради. Бундай оламда сеҳргарлик, афсонавий маҳлуқлар (аждаҳолар, эльфлар, гномлар, троллар, арвоҳлар ва бошқа фантастик мавжудотлар) мавжудлиги реал бўлиши мумкин.

Электрон китоб – китоб электрон шаклда бўлиб, унда адабий асарлар турли электрон қурилмаларда (смартфонларда, планшетларда, “ридерларда”) ўқиш учун, шунингдек, бу шаклдаги китобларни ўқишда қурилманинг ўзи ҳам рақамлаштирилади. Китобларнинг электрон версиялари турли дастур ва гажетлар учун тўғри келадиган ҳар хил шаклларда мавжуд бўлиши мумкин. Электрон китобларнинг энг машҳур шакллари бўлиб EPUB, Fb2, Pdf, txt ҳисобланади.



ИЛОВА

Ҳаракатлар режаси

Тренинг охирида ҳар бир иштирокчи олган билим ва кўникмаларини ўзининг педагогик амалиётига татбиқ этиш бўйича келгусидаги ҳаракатлар Режасини тузиши муҳим. Бу режа икки нусхада тузилади. Иштирокчи биттасини ўзида қолдириб, бошқасини тренерга беради. Бу Режа иштирокчи учун ҳам, тренер учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки тренер ўзига хос қайта алоқани туза олади. Қайта алоқа орқали тренер иштирокчининг тренинг вақтида аслида нимани ўрганиб олганлиги ҳақида билади. Иштирокчи эса ўз навбатида унга тақдим этилган таълим ҳақида фикрлаш имконига эга бўлади ва олинган тажрибани қўллаш, такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича ҳаракатларни режалаштиради. Бундан ташқари, Режа иштирокчига тренернинг мактабга бўлган ташрифи пайтида келгусидаги менторлик кўмаги билан таъминлайди.

1-қадам: Ушбу лаҳзада сиз нима қилиш кераклигини ҳал қилинг.

Тренингда ўқигандан сўнг олган ва уни осон қўллаш олишингиз мумкин бўлган янги ғояни айтинг:
Ушбу ғояни қачон татбиқ этишингиз мумкин?
Ғояни татбиқ этганда нималарни ўқитасиз?
Нима деб ўйлайсиз, бу нарса ўқувчиларингизга нимаси билан ёрдам беради?

2-қадам: Келгуси икки ой мобайнида янги стратегияни жорий этишнинг режасини тузинг.

Келгуси икки ой мобайнида ўз амалиётингизда қўллашингиз мумкин бўлган битта стратегияни айтинг.
Сиз ўтадиган фан ва нимани ўқитишингизни айтиб беринг:
Сиз иш бошлайдиган муддат:
Ушбу стратегия ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришини аниқланг:
Сизга зарур бўладиган ресурслар ва материаллар:

Сизга асқотадиган қўллаб-қувватлов (агар зарур бўлса):

3-қадам: Қўлланилган янги стратегияни баҳолаш.

Бу стратегия ўқувчиларингизга қандай ёрдам берди?

Сиз нимани яхши бажардингиз?

Қандай қийинчиликлар бўлди?

Келгусида нимани бошқача қилган бўлардингиз?
--

4-қадам: Энди нима қилишингизни ҳал қилинг.

Сиз келгусида қайси стратегияни қўллашни хоҳлайсиз?

